ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

اوزبیکستان ادبیاتی وصنعتی

МУСТАҚИЛ ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

1992 ЙИЛ, 25 СЕНТЯБР, № 39 (3195) ЖУМА

ЎЗБЕКИСТОН КАФОЛАТ БЕРАДИ

Биз учун узоқ йиллар давомида кутилмаган янгиликдек туюлган воқеалар табиий ва одатий ҳолга айланиб бораяпти. Эндиликда жаҳоний эътирофларда Ўзбекистоннинг шаклланиб келаётган ўз қиёфаси, ўз овози, ўз сўзи бор. Бу нарса Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 18—20 сентябр кунлари Австрия республикасига амалий ташрифи жараёнида яна бир бор исбот топди.

Ташриф давомида Ислом Каримов Австрия Республикасининг Федерал Президенти Т. Клестиль, Австрия Республикасининг Федерал канцлери Ф. Враницкий, Австрия Республикаси миллат мажлисининг раиси Х. Фишер билан учрашувлар ва музокаралар ўтказди.

Расмий маълумотларда таъкидланишича, Австрия бой маданий меросга эга бўлган мамлакат сифатидагина эмас, тинчлик, ҳамкорлик ва яхши қўшничиликнинг доимий тарафдори бўлган мамлакат сифатида ҳам халқаро майдонда катта обрў қозонган. Айни шу қоидалар ҳозир Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосини ташкил қилади. Демак, Европа марказида жойлашган бу мамлакат тажрибаси биз учун фойдалидир.

Ўзаро хайрихоҳлик икки томонлама музокараларга ҳам ижобий таъсир қилди. Австрия Ўзбекистонга юз минг тонна гўшт ва 300 минг тонна сут маҳсулотлари етказиб беришдан ташқари, Ўзбекистоннинг қайта ишлаш саноатига, қўшма корхоналарнинг кенг тармоғини барпо этишга катта сармоя сарфлашга ҳам тайёрдир.

Қисқа вақт ичида жаҳон давлатлари билан алоқалар шуни кўрсатмоқдаки, хорижий сармоядорлар учун энг муҳими бу — иқтисодий ва сиёсий кафолат, барқарорлик. Шунинг учун ҳам Ислом Каримов ғарбий ишбилармонларни қизиқтирган бешта муҳим жиҳатга алоҳида тўхталиб ўтди.

Қисқа қилиб айтганда, булар қуйидагилардир:

Биринчидан, Ўзбекистон Парламенти қабул қилган барча ҳужжатлар халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг умумэътироф этган меъёрлари ва қарорларига таянади.

Иккинчидан, барча қонунларда иқтисодий муносабатларни мафкурадан холи қилиш кўзда тутилган.

Шунингдек, хорижий сармояларни рағбатлантириш тўғрисида қабул қилинган ҳужжатга мувофиқ хорижий ишбилармонларга биноларни, иморатларни ва машина-ускуналарни мулк қилиб сотиб олиш ҳуқуқи берилган.

Учинчидан, халқаро савдо-сотиқ — бозорни моллар билан тўлдиришнинг, рақобатнинг сифат жиҳатидан янги даражасини вужудга келтиришнинг бевосита йўлидир.

Тўртинчидан, хорижий сармоя эгалари учун имтиёзли солиқ тартиби жорий этилган.

Бешинчидан, республика миллий суғурта жамғармасини барпо этмоқда, унинг асосий мақсади хорижий сармоя эгаларига кафолат беришдан иборат.

Австриялик ишбилармонларда катта қизиқиш уйғотган бу шарт-шароитлар ёш мустақил Ўзбекистонимизнинг жаҳон давлатлари билан истиқболдаги алоқаларига ҳам ғоят самарали таъсир кўрсатиши шубҳасиздир. Дарвоқе, жумҳуриятимиз раҳбариятининг Австрияга амалий ташрифи тугаган куннинг эртасига ана шу фикрларни билвосита тасдиқловчи яна бир муҳим воқеа содир бўлди. Ахборот маҳкамалари тарқатган хушхабарга кўра, Ўзбекистон Республикаси 21 сентябр куни Халқаро тиклаш ва тараққиёт банки — ХТТБга аъзо бўлди. Унда Ўзбекистоннинг бошланғич квотаси 140 миллион доллар ҳажмида белгилаб қўйилди. Ўзбекистон ХТТБга аъзо бўлган 171 давлатдир. **ЎзАС**

ХИРМОНГА БАРАКА!

Жумҳуриятимиз пахта далаларида иш қизғин. Мустақил Ўзбекистонимизнинг оқ олтини қад ростламоқда. Дастлабки карвонлар манзилга етиб келди.

Бу йилги деҳқончилик ўта мураккаб кечди. Кўп вилоятларда чигит икки-уч маротаба қайта экилди. Бу ўз навбатида деҳқон олдига кўплаб юмушларни қўйди. Ҳар бир пайкал, эгат ва ҳар қайси ғўза парваришига алоҳида масъулият билан қараш, парвариш қилишда уста деҳқонларимиз жонбозлик кўрсатишди. Натижа чакки бўлмади.

Аммо ҳали олдинда юксак давонлар турибди. Бободеҳқон учун бу давонларни эгаллаш осон бўлмайди. Бунинг учун чидам, сабр тоқат, метиндай мустаҳкам ирода зарур. Бундай фазилатлар эса заҳматкаш миришкорда етарли.

Ҳадемай мисқоллардан тонналар, тонналардан осмонўпар хирмонлар бунёд бўлади. Ҳосил байрамлари, сайлар, кўпкарилар, миришкор деҳқонларимиз юзи эса элу юрт олдида ҳамиша ёруғ бўлган.

Биз ушбу кунда тер тўкиб меҳнат қилаётган пахтакорларимизга «Хирмонингизга барака!» деймиз.

Зебо РАҲИМОВА

КУЗ

Бир қуюқ дарахтзор, дарахтзор —
Қадди тик шохларда охирги
япроқлар сайрайди азонлар.
Беҳидай сарғайган боғларда
қизариб пишади хазонлар.

Безовта учади қағиллаб
чорбоғдан чорбоққа қарғалар.
Қиш келар йўлларни бўйлайди
дарахтлар — қанотсиз дарғалар.

Бир қуюқ дарахтзор, дарахтзор
пойида мудрайди шамоллар.
Уйларидан термулади жим
тирамоҳга ўхшаш аёллар.

Эй-й-й... Сулувим! Ёйилиб кулади
офтобнинг илитмас нурлари.
Ийийди боғларнинг фотиҳа тилаб
осмонга узатган қўллари.

Қўнишади боғларга кириб
ноябрга ошиққан йўллар.
Қузни кузатади ойнаклардан жим
дераза ортида гуллаган гуллар...

ШАРОФ РАШИДОВ НОМЛИ ЖАМҒАРМА

Узбекистонга чорак аср мобайнида раҳбарлик қилган Шароф Рашидов атоқли адиб ва катта давлат арбоби сифатида бутун Шарққа танилган эди. Қайта қуриш «қатағони» йилларида унинг номини ҳеч бир асоссиз равишда қоралашга уриндилар. Узбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг қатъияти туфайли Ш. Рашидов шахси ва фаолиятига ҳаққоний баҳо берилди.

Ш. Рашидовнинг 75 йиллигини муносиб тарзда нишонлаш юзасидан ҳукумат комиссияси тузилди. Кўпдан-кўп меҳнат жамоалари ва таниқли кишиларнинг хоҳиш-истагига кўра комиссия қарорига биноан республикада Ш. Рашидов номли жамғарма ташкил этилди.

Жамғарма низомини рўйхатга олган ўзбек Адлия вазирлиги гувоҳномасида шундай қайд этилади: Шароф Рашидов номли жамғарманинг мақсади Ўзбекистонда илму маърифатни ривожлантириш, умуминсоний қадриятларни тиклаш, иқтидорли ёшларни тарбиялаш ва рағбатлантириш, фан-техника, маданиятни тараққий эттиришдан иборат. Табиат муҳофазаси, тарихий, маданий ёдгорликларимизни асраш, адабиёт-санъат вакилларини муносиб даражада рағбатлантириш, жаҳоний фан ва амалиёт ютуқларини жорий қилиш, бой маданий меросимизни тадқиқ этиш, пешқадам ўқувчи ва талабаларга моддий ёрдам бериш, замонавий билим масканлари очиш каби тадбирлар ўтказилади.

Ш. Рашидов номли жамғарма очиқ тусдаги жамоат ташкилоти бўлиб, ошкора фаолият кўрсатади. Унга саналган вазифаларни бажаришга ҳисса қўшиш истагида бўлган, бу саховатли тадбирларни Шароф Рашидов номидан амалга ошириш муддаосига қўшилган барча корхоналар, хўжаликлар, ташкилотлар, янги тузилган иқтисодий — бирикмаларнинг меҳнат жамоалари, барча фуқаролар ҳайрия йўсинида ҳисса қўшишлари мумкин.

Жамғарманинг банк ҳисоби: сўмлар учун — Ўзбекистон Республикаси марказий банки Тошкент шаҳар операция бошқармасининг ҳисоб марказида. Рақами 000700825, код рақами 172682116; валюта учун — Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият банкида рақами (93780090) 001.

Муҳаммад АЛИ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ИСТИҚЛОЛ ТУЙҒУСИ

ШУ ЙИЛ 19 ИЮЛ КУНИ ажойиб воқеанинг шоҳиди бўлдим. Америка сафарига отланар эканман, Тошкент — Москва учоғига миндим. Иттифоқо, шу учоқда кечагина Ўзбекистоннинг Россиядаги фавқулодда ва мухтор элчиси қилиб тайинланган Юсуф Абдуллаев ҳам Москвага бораётган экан. Домодедово қўналғасида уни қора «Волга» кутиб турар, машина тумшуғида Ўзбекистоннинг байроғи ҳилпирарди.

— Биласизларми, — дедим ёнимдаги элчихонамиз йигитларига ҳаяжонимни боса олмай. — Бундай ҳодиса минг йилда бир марта юз бермоқда! Ўзбекистон элчиси Россия тупроғига биринчи марта қадам қўймоқда!

Бу ғаройиб ҳодиса эди. Мен Ўзбекистон Республикасининг биринчи элчисини қўшни давлат тупроғига биринчи бор қадам қўйганини ўз кўзим билан кўрдим ва қалбимда чексиз ғурур туйдим. Кейинроқ сафардан қайтаётиб Москвада Мустақиллигимизнинг бир йиллиги тантаналарида 146 мамлакат элчихоналари вакилларининг Ўзбекистон элчисини байрам билан муборакбод этганларини кўрганимда ҳам ғуруримга ғурур қўшилди.

Бундан бир йил муқаддам Ўзбекистон мустақил жумҳурият деб эълон қилинганда, залдаги халқ ноиблари бирданига оёққа қалқиш ўрнига, сукутга чўмиб қолдилар. «Табаррук анжумандан чиқиб, кўчада шодликдан тўлиб-тошган халқни кўрсам керак, деб ўйловдим, — ҳикоя қилди кейин халқ ноибларидан бири. — Афсуски, унақа бўлмади: кўчада ҳеч ким йўқ...»

Айримлар буни халқимизнинг сиёсий воқеаларга эътибор бермаганлигидан, лоқайдлигидан, ҳатто тушунмаганлигидан кўрадилар. Асло. Гап бошқа ерда. Етмиш йилдан бери дунёнинг олтидан, бирини Ватан деб келган халқимиз қоғоздаги яхши гапларни жуда кўп кўрди, ёлғон саодату сохта ғуруурларни бошдан кечирди. Аста-аста юксак шиорларга, эртанги кунга ишончини йўқота бошлади. Оқибатда мустақиллик ҳақидаги қутлуғ муждани ҳам ана ўша юқоридаги «гап»лардан бири деб ўйлади. Халқ ноибларининг парламентдаги сукути ҳам, кўчада ҳеч кимнинг бўлмаслиги ҳам ўша ишончсизликдандир. Ҳамма бало ўша ишончсизликнинг юрақ-юрагимизда чуқур томир ёйганида. Ишончсизликдан имонсизликка эса йўл бир қадамдир.

Айрим биродарларимиз назарида, ўзбек халқи осонлик билан мустақилликка эришди, бирон бир талотўпсиз, қон ҳам тўкилгани йўқ... Шунинг учун осонлик билан қўлга киритилган мустақиллик байроғининг салобати у қадарли эмасдек... Бир қарашда шундай кўринар. Лекин бу ерда ҳам масала ўзгачароқ. Аввало, биз мустақилликка эришишда парламент йўлидан фойдаландик. Қолаверса, ким бизни мустақилликни курашсиз, жон олиб жон бермай қўлга киритди, деб айта олади? Етмиш йил давомида юракларнинг пучмоғларида кечган курашлар, туғёнлар, инқилоблар, мустақиллик, озодлик деб жўш урган қонлар... Уларнинг қай биридан сўз юритайлик? Биринчи Турк республикаси ғояси билан майдонга чиққан Турор Рисқулов ва унинг дўстлари, Абдулла Қодирий романлари, «Бузилган ўлкага» деб сўзлаган Чўлпон, фоний дунёдаги қиёматни мажозий кўрсатиб берган Фитрат... Уларнинг бегуноҳ тўкилган қонлари мустақиллик йўлида тўкилган қонлар бўлмай, нимадир? Агар бу ҳақда гап бошланса, қаерда ва қачон тугаши мумкин?..

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ЗАРУР шартларидан бири сифатида миллат равнақи, иккинчиси — Ватан камоли, учинчиси — тил ривожи олинмоғи керак. Буни ўз вақтида Абдулла Авлоний ҳам уқтириб ўтган эди. Тил ривожланса, миллат равнақи аён бўлади, равнақ топган миллат Ватани ҳар жиҳатдан даражаи камолга етмоғи муқаррардир. Бундай Ватанда ҳар бир фуқаро ўз ўтмиши, улуғ боболари билан фахрланмоқ, ғурурланмоқ қадрига етади; юраклар тўрисини миллий ғурур — кибр эмас, худо сақласин, — миллий ғурур банд этади. Миллий ғурур эса тарихни англашдан бошланади.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси — қадимий буюк турк давлатларининг қонуний ворисидир. Шу сабабдан диққат ўтмишдаги давлатларимиз тарихини чуқур ўрганишга қаратилмоғи керак. Ўрганиш натижасида давлатларимиз ўртасидаги пинҳона алоқалар, боғланишларни юзага чиқаришга, тарихимиз ва йўлимизнинг яхлит эканлигини эътироф этишга эришишимиз керак. Мен Республика Президенти хонасида улуғ подшоларимизнинг суратлари осиғлиқ туришини орзу қиламан. Бу миллат ва тарихнинг бирлигини, давомийлигини эслатиб туради.

Истиқлол туйғуси Ватаннинг ўтмишинигина эмас, балки келажагини ўйлашни ҳам тақозо этади, балки энг аввало ўша келажак ҳақида кўпроқ қайғуриш керакдир. Кейинги воқеалар муносабати билан Туркистоннинг яхлитлиги хусусида, унинг конфедератив давлат шаклида Ўрта Осиё ва Қозоғистонни бирлаштириши мумкинлиги тўғрисида жўяли фикрлар айтилмоқда. Бу ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий жиҳатдан ўзини оқлайдиган қадам бўлиши аниқ. Дунёга сал кенгроқ назар солмоқ пайти етди. Шарқдаги қўшнимиз — Хитой, шимолда — Россия... Жаҳон майдонида нотинч ҳолат ҳукм суриб турган алғов-далғов бир замонда ёлғиз бўлмоқ хатарли ва бехосиятдир. Кўнгиллар хоҳишидан ташқари шароит тақозоси ҳам барибир Туркистон жумҳуриятларини бирлашишга олиб келади. Аммо буни истамагувчилар ичкаридан кўра ташқарида кўпроқ бўлиши табиийдир. Бунга мисол қилиб кўшни Тожикистонда бўлаётган машъум воқеаларни айтиб ўтиш мумкин. Савол туғилади: бундоқ бесаранжомликлар кимга керак экан? Бутун халқни тирикчиликдан қолдириб, юртни хароб қилиб, бегуноҳ кишиларни хонавайрон этаётган маънисиз урушу тўқнашувларга чек қўйилиши зарур! Бу воқеалар бутун Туркистонни зирқиратмоқда, ташвишга солмоқда. Бенхтиёр бунинг илдизлари қаерда экан, деб ўйлаб қоласан киши.

Кимгадир бу нотинчликлар керак-да ахир.

Яқинда «Известия» (16 сентябр 1992) газетаси ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, қабилида бир мақола эълон қилди. Унда биз нечанчи бор яна Туркистон жумҳуриятларини камситиш, уларга беписанд қараш намунасини кўрамиз. Газетанинг ёзишича, гўё Туркистон жумҳуриятлари ҳамиша ҳам ягона Иттифоқнинг изчил тарафдорлари бўлиб келганлар ва улар мустақилликни миллий озодлик кураши натижасида эмас, балки тасодифлар туфайли қўлга киритганлар... Эмишки, улар Оврупо ва Кавказ республикалари мустақилликка эришганларидан кейин, «лўп» этиб чиқиб қолган мустақилликка эга бўлиб олганлар. Ўрта Осиё республикалари собиқ Иттифоқнинг жуда заиф иқтисодий бўғинларидан эмиш. Шу сабабли улар доим Россия билан алоқа қилишга муштоқ эмишлар. Буни қарангки, ўз навбатида Россия жамоатчилиги ҳам шунинг тарафдори эмиш... Бу ҳали ҳолва. Бу ёғини эшитинг: «Россияликларнинг ялпи онгида тобора СССРни қўмсаш (!) ҳоллари сезилмоқда, — деб ёзади тап тортмай газета, — шунинг учун улар ўзларининг катта Ватанларини (!!) сал-пал бўлса-да, эслатиб турадиган сиёсий ечимларни хушнудлик билан кутиб олишмоқда...» Менимча, изоҳга ҳожат бўлмаса керак.

МАНА ШУЛАРНИ ЧУҚУР МУЛОҲАЗА қилганингда, ҳали Мустақиллигимиз йўлида турли-туман ғовлар борлигини, бу йўл кўп ҳам текис ва доғил эмаслигини англаб етасан. Лекин бу йўлдан қайтиш йўқлиги барчамизнинг дил-дилимизга жо бўлмоғи керак.

Ҳа, кўнгилларда истиқлол туйғуси бор, ҳали ҳимояга, катта мададга муҳтож, гўдакдек покиза ва ҳалол истиқлол туйғуси! У ҳали буюк қудрат касб этади, кўнгилларни ҳайратга солади. Фақат ҳушёр ва ҳамжиҳат бўлайлик. Оллоҳнинг ўзи бизларни адашишдан сақласин ва йўлимизни равон қилсин.

БУГУНГИ СОНДА:

● МУСТАҚИЛЛИК ВА МАЪНАВИЯТ

● АМИР ТЕМУРГА ОВРУПО ТАЪЗИМИ

● САРОЙМУЛК-ХОНИМ—БИБИХОНИМ МАДРАСАСИ

● МУҒУЛ САЛТАНАТИНИНГ ЕМИРИЛИШИ

● АДИБ ХОТИРАСИ

МУСТАҚИЛЛИК ВА МАЪНАВИЯТ

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗ ИСТИҚЛОЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ» РИСОЛАСИНИ ЎҚИБ

ЎЗБЕКИСТОН СОБИҚ ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАР ОРАСИДА биринчи бўлиб президентлик бошқарувига ўтган ва Ислом Каримов умумхалқ сайлови асосида президент этиб сайланган паллалардаги шовшувларни эслайман. Ҳали тилимиз ўрганмаган «Президент» сўзи кимларгадир эриш туюлган, кимларда савол ва шубҳалар уйғотган эди. «Коллектив бўлиб бошқарув» усулига ўрганиб қолган, унинг аччиқ-чучук «неъматларини» татиб келган халқ орасида «Энди нима бўлади, бир одамга шундай катта мамлакат топшириб қўйилса, аҳволимиз не кечади?» деган саросималар ҳам бўлди. «Пастдан юқоригача занжирдек боғланган бошқарувга асосланган ҳокимиятда маъмурий-буйруқбозлик иллати шунчалик илдиз отган экан, ҳокимият жиловини бир одам тутганда ўзбошимчалик янада кучайиб кетмасмикан?» деган гумонлар ҳам туғилди.

Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон» нашриётида нашр этилган «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китоби юқоридаги саволларга жавоб беришдан ташқари, Мустақиллик учун олиб борилаётган иқтисодий, сиёсий ва маънавий-маданий соҳалардаги курашни ҳам яққол ифодалайди. Рисолада фақат битта шахснинг фикр-мулоҳазаларигина жам этилмасдан, ўлкамизда эришилган Мустақиллик, заҳматкаш халқимиз даҳоси, орзу-умидлари ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги эълон қилинганига бир йил тўлди. Биз турмуш икир-чикирлари, иқтисодий тангликлар исканжасида ўз вақтида бу воқеанинг тарихий моҳиятини англаб етмадик. Бунинг учун бир йил керак бўлди. Шу бир йил мобайнида миллий онг ва миллий ғурур туйғулари осмон сари бўй чўзди. Истиқлолни халқимиз минг йиллар давомида орзу қилиб, курашиб, қон тўкиб, унга ета олмай, қаноти қайрилиб, умидлари сўниб, яна талпиниб кўтган эди. Шу боис Мустақилликнинг бир йиллиги ўлкамизнинг етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган аҳолиси қатнашган ҳақиқий тантанага айланди. Бутун ижтимоий-сиёсий ва маънавий ниятини халқ фаровонлиги ва қувончига бағишлаган республика раҳбарияти бу байрамни нишонлаб, халқимизга эркинлик, қувонч ва шодлик ҳадя этиб, жуда тўғри иш қилди.

Мустақиллик байрами тантаналари шуни кўрсатдики, халқ энди бултурги халқ эмас, одамлар онги анча ўзгарган, Истиқлол, Эркинлик ғоялари одамлар ҳаётидан, турмушидан ўрин ола бошлаган.

Президент Ислом Каримов рисолада таъкидлашича, «Республика мустақиллигининг бир йили ичида асрлар мобайнида амалга оширилмаган кўп нарсаларга эришишга муваффақ бўлдик. Ўзбекистон халқи жонажон ўлкадаги беқиёс бойликнинг абадул-абад ҳақиқий эгаси бўлиб қолди».

Мустақиллик байрами халқимизни дунёга танитган ва унинг танилган тақдиридир. Ўзбекистоннинг халқаро миқёсда тан олиниши ички сиёсатимиздаги осойишталик ва собитқадамлик натижасидир. Кимки ўз уйида тинчлик ва осойишталик ўрнатолмаса, бошқаларнинг кўз ўнгида обрў қозона олмайди. Жумҳуриятимизда қарор топган тинчлик ички сиёсатимиздаги ҳушёрлик ва доноликдан дарак беради. Мустақиллик байрами ана шу тинчлик ва тинчликка ташна қалбларнинг қувончи рамзидир, халқлар дўстлиги ва биродарлигининг амалдаги ифодасидир. Халқимиз ва жамиятимиз тарихий чорраҳада турган экан, бу синовдан мардонавор ўтиб, камолиш ишонч билан ўз йўлимизда давом этсаккина, келажак авлодлар биздан рози бўлади. Агар бу йўлда Президент атрофига жиплашмасак, ҳар ким ўзича хонлик ва ҳокимлик сурури билан от чопиб, пойга қурса, Мустақиллик ва Истиқлол истиқболига хиёнат қилган бўламиз.

Рисолада эътиборни жалб қиладиган яна бир фикр бор: «Ўзбекистон бошқа давлатлар тараққиёти жараёнида тўпланган ва республика шароитига татбиқ қилса бўладиган барча ижобий ва мақбул тажрибалардан шакшубҳасиз самаралн фойдаланади. Гап бирон-бир моделни, ҳатто, у ижобий натижалар берган тақдирда ҳам, кўр-кўрона кўчириб олиш тўғрисида бораётгани йўқ».

Рисолада Ислом Каримовнинг Ўзбекистон ва Туркия ҳамкорлиги тўғрисидаги янгича фикр-мулоҳазалари аниқ ўз ифодасини топган: «Туркиянинг тажрибаси, унинг иқтисодиётни ислоҳ қилиш йўли, бизга ўхшаш этник-маданий шароитларда давлат билан дин ўртасида уйғун муносабатларга эришишдаги ютуқлари ўзимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва давлат-ҳуқуқий тараққиёт йўлимизни белгилаш чоғида зўр қизиқишга моликдир».

ЯҚИНДА МЕН ИСТАНБУЛДА БЎЛДИМ. Истанбул университетининг профессорлари ва «Мусиқа мажмуаси» ойномаси бош муҳаррири Этем Руҳий Ўнгёр билан узоқ суҳбатлашдим. Суҳбат чоғида «Туркия йўли»га доир фикр алмашувлар ҳам бўлди. Мен, умуман, Туркия йўли бизга иқтисодий масалалар бўйича ўрнак бўлса-да, маънавий масалаларда биз бошқа Шарқ мамлакатларига ўрнак бўладиган миллий қадриятларга эга эканлигимиз ҳақида баҳс юритдим. Мисол тарзида, Истанбул телевиденесида Франция таъсири кучли эканлигига, адабиёт ва тасвирий санъатда миллийлик бизда жози-

Давоми иккинчи бетда

БУХОРОДА КУЛГИ БАЙРАМИ

Шу йилнинг 27 сентябр куни Ўзбекистон Республикаси Адиблари иттифоқи ташаббуси билан Бухорода кулги байрами бўлиб ўтади. Бу тадбир «Бухорода Насриддин Афанди кулги байрами» деб номланган.

Ўзбекистон Республикаси Адиблари иттифоқи бош котиби Сулаймон Раҳмон бу байрамни ўтказиш ва ундан кўзда тутилаётган мақсадлар ҳақида мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:

— Халқ орасида Насриддин Афанди Бухорода туғилган деган гап юради. Яқинда у Ширини қишлоғи яқинидаги тепаликка кўмилган деган ҳазил ҳам пайдо бўлди. Булар ҳаммаси шунчаки гаплар, албатта. Чунки Насриддин Афанди ҳеч қачон ўлмайди. У доимо халқ билан яшайди.

Байрамни ўтказишдан мақсад халқ қадриятларини тиклаш, қадимий урф-одатларимиз ва гўзал анъаналаримизни тарғиб этиш, ҳозирги иқтисодий қийинчиликларга тўла зиддиятли даврда одамларни бироз бўлса-да, дам олишга ундаш.

Кулгининг ижтимоий аҳамиятини ўзбеклар яхши биладилар. Улар бошига кулфат тушганда ҳам кулги билан енгганлар. Кулги байрами 27 сентябр куни эрталаб Лабиҳовузда бошланади. Кейин бутун шаҳар бўйлаб сайл бўлади.

Байрамда Саид Аҳмад, Эркин Воҳидов, Неъмат Аминов, Анвар Обиджон, Хайриддин Султонов, Нортўхта Қилич, Эргаш Каримов, Бахтиёр Ихтиёров, Шерқўзи Ғозиев, Теша Мўминов каби республикага машҳур ҳажв усталари қатнашиши кутилмоқда.

Ўша куни Бухоро вилоят театрида Умид Сатторовнинг «Насриддин Афанди» спектакли намойиш қилинади. Шаҳар ва вилоят кинотеатрларида ҳажвий фильмлар қўйилади. Байрам куни ҳажвий расмлар кўргазмаси бўлади. «Афанди кулги уйи», «Ҳажв кутубхонаси» очилади. Рассом Эмил Рўзибоев бу кутубхонага ўзи йиғган ноёб китобларни совға қилмоқчи.

Маълумки, ўзбек халқ байрамларида ҳамиша турли хил танловлар бўлиб ўтган. Кулги байрами ҳам бундан мустасно эмас. Байрам ҳомийлари энг сара ҳажвий қўшиқлар учун учта, ҳажвий асарлар учун учта, ҳажвий расмлар учун иккита, аскиячилар учун учта, Насриддин Афанди образи яратилган энг яхши асар учун эса битта мукофот ажратган.

Байрамда сурхондарёлик халқ бахшиларининг чиқишлари ва яна бир қанча тадбирлар ўтказиш ҳам кўзда тутилган. Кейинчалик Республика Адиблари иттифоқи қошида Насриддин Афанди номидаги меҳр-шафқат жамғармаси ташкил этмоқчимиз. Бундан мақсад ижодкорларнинг моддий аҳволини яхшилаш, кекса ижодкорларга қўшимча нафақа, ёшларга стипендия беришни йўлга қўйишдан иборат.

Шуниси қувончлики, биз «Бухорода Насриддин Афанди кулги байрами»ни ўтказиш ташаббуси билан чиққанимизда Бухоро вилоят ҳокимлиги ва шаҳар ҳокимлиги қўллаб-қувватлашди. Вилоятдаги ва шаҳардаги бир қанча ташкилотлар, жамоа ва давлат хўжаликлари ҳомийлик қилишга тайёр эканликларини билдирдилар. Фурсатдан фойдаланиб, уларнинг барчасига олдиндан миннатдорчилик билдираман. Хуллас, Бухорога кулги байрамига марҳамат!

●

Кулги байрамининг қандай ўтганлиги тўғрисидаги мухбиримизнинг репортажини газетамизнинг келгуси сонларидан бирида ўқийсиз.

● ЧИНГИЗХОН ВАСИЯТИ
● ШАИХЛАР ХОИНМИДИ Ё ХАЛОСКОР?
● ИСЛОМ ДУШМАНЛАРИНИНГ ҲОЛИ НЕ КЕЧДИ?

Азиз муштарий! Ҳафталигимизнинг шу йилги 7-, 9-, 11-сонларида адабиётшунос олим П. Равшан ва ёш адиб Ж. Қурбон қаламига мансуб «Соҳибқирон туғилган жой ёхуд Занжирсарой қиссаси» сарлавҳали туркум мақолалар эълон қилинган эди. Она тарихимизнинг чуқур ўрганилмаган саҳифаларини ойдинлаштириш мақсадида ёзилган ушбу мақолалар тарихшунослар, олимлар ва кенг жамоатчиликда катта қизиқиш, шу билан бирга, турли фикрлар ва қарашлар уйғотди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Археология институти олимлари эса мақолада тилга олинган — Тўхтамишхон томонидан вайронага айлантирилган Занжирсарой шаҳри ўрнини аниқлаш юзасидан тадқиқот ишларини бошлаб юбордилар. Муаллифларнинг фикрларини тасдиқловчи бир қатор муҳим далиллар аниқланди. Археологлар Занжирсаройда ўз ишларини кенг кўламда давом эттираётган айни кунларда «Ёзувчи» нашриёти ушбу тадқиқотни китоб ҳолида нашр этди.

П. Равшан ва Ж. Қурбон эса мозийнинг қоронғи саҳифаларини тадқиқ этишни давом эттириб, муҳарририятимизга яна бир мақолаларини тақдим этдилар.

МЎҒУЛ САЛТАНАТИНИНГ ЕМИРИЛИШИ

Поён РАВШАН, Жума ҚУРБОН

КАРИБ, ТЎШАККА МУНКИБ ҚОЛГАН ХОНЛАР ХОНИ ёруғ олам билан видолашмоқда. Улуслардан чорлаб келинган ўғлонлари тиз букиб, унинг имосига сергак турибдилар. Йигирма беш йил ҳукм сурган салтанатда уни ҳеч ким, бир кун келиб у ҳам ўлади, деб ўйламаган. Унинг бир оғиз калимаси не-не манзилларни ер юзидан йўқ қилишга кифоя қилган, бир кўз ола қилиши минг-минглаб банди-ю тутқинларнинг калласини олиш ёинки умрбод қул қилишга етиб ортган. Сулаймон пайғамбарнинг бойлиги уники олдида нима бўлибди? Моароуннаҳрдан уч йил давомида ташиб кетилган карвон-карвон олтин, молу ашёларнинг ўзи юзлаб Болқиснинг хоки пойига адоқсиз поёндоз қилиб тўшашга етарли эди. У босиб олган мулку мамлакатларнинг адади йўқ эди. Буёғи Миср этакларидан қайтган, нариги томони Урису Ғарбий Украинага қадар қатлиом қилган «қумдан ҳам кўп» қўшин, қўйиб берса, бутун Ғоби саҳросини тилло уммонига айлантиришга қодир эди.

Етмиш учга кирган Чингизхон жон талвасасида эди. Унинг кўзига ўзи бош бўлиб ўлдирган, ёстиғини қуритган миллионлаб кишиларнинг оҳу ноласи эмас, учу қуйруғи йўқ босиб олинган ҳудудлар, уларнинг бундан кейинги тақдири кўриниб, жонини ўртар эди.

Ниҳоят, у ниқиллаб болишдан бош узди. Ўктой Чиғатойдан кичик бўлса-да, жойидан сакраб турди ва отасининг елкасини қучиб, туришига ёрдамлашган бўлди. Ўктой тахтнинг вориси эди. Чиғатой Жўжи ўлимидан кейин катта ўғил мақомида бўлса-да, Чингизхон негадир уни тахтга муносиб кўрмади.

— Менинг сўнгги хоҳишим ва эрким, сизларга охирги маслаҳатим шундай: бир-бирингиз билан иттифоқ бўлинг, ораларингга низо тушса, ҳокимиятдан ажралиб қоласиз. Яна ўзаро келишув ва муомалаю мадорада бўлинг, давлатингиз мустаҳкам ва барқарорликка юз тутади. Шунда фароғатда яшайсиз, умрингиз узун бўлади. Буларнинг ҳаммасига боис менинг демишларимдан бирон-бир важ сабаб, қинғирлик ахтармагайсиз. Буни бир мисолда сизларга далил этаман.

Чингизхон салқиб кетган қовоқлари остидан ҳаёт асари зўрға сезилиб турган кўзини кенжаси Тўлуйга қаратди ва тўрда осиғлиқ турган садоқни имлади. Тўлуй шашт билан туриб, ўқ тўла садоқни отасига олиб берди. Жони узилай-узилай деб турган Чингизхон уч ўғлига учта ўқ берди ва «синдиринг», деди. Учаласи ҳам ўқни қарсиллатиб синдиришди. Чингизхон бу сафар садоқдан уч дона ўқ олди-да, Чиғатойга узатди. Чиғатой ҳар қанча уринса ҳам, ўқларни синдиролмади. Ўктой ҳам, Тўлуй ҳам синдириша олмади. Бу машқнинг маънисини ўғлонлар олдиндан сезишган бўлса-да, «отанинг донолиги» олдида ҳайратга тушгандек эдилар. Муаррихлар ушбу воқеани ҳижрий 624 (1227 м. й.) йилда юз берган деб уқдиришади.

Шу тариқа энг ёвуз, энг даҳшатли жаҳонгир ҳаётдан кўз юмади. Унга тобелар Чингизхонни одам наслидан дейишга ботина олмаган, бинобарин, унинг одамларга ўхшаб ўлимга маҳкум эканлигини тасаввур қила олмаган бўлсалар-да, ўғиллари, набиралари, яъни ўзига яқин кишилар Чингизнинг кимлигини яхши билишган. У очофат махлукдек Осиёю Оврупони ҳемарган, жон-жаҳди билан чангалига олган бўлса, ўғиллари бу борада ундан ўзишга интилганлар. Шу боисдан Чингиз тириклигидаёқ ўз бошича ҳаракат қилиш, мустақиллик айшини суришни одат қилганлар. Қилажак иши тадбирини олдиндан ҳозирлашга ўрганган Чингизхон ўлими олдидан бекорданбекорга талвасага тушаётган эмасди. Ака-укалар ич-ичидан бир-бирини кўролмас, бирининг бошини иккинчиси ғажишга тайёр эди. Чингизнинг ҳамма умиди жон чиқиш олдидаги насиҳатнинг кучига қаратилган эди.

Чингизхоннинг ҳам кучи тириклигида эди. Устига тупроқ тортилгач, ўғиллари ўз билганларидан қолмади. Аслида оранинг бузилиши тўғриғ ўғил Жўжи билан боғлиқ эди. У, афтидан, отасининг одатдаги босқинчилардан бири эканлигини, ҳеч қандай қудрат ва илоҳийлик йўқлигини ҳаммадан бурун англаб, унга бўйсунишдан бош тортган эди. Чингизнинг куч-қудрати ўлжага оч бўридай ташланишга ўргатилган сон-саноқсиз мўғул суворийларида эди. Босқин ҳадисини олган, от устида ухлаб, от устида ейдиган навкарларни бошқаришда эса унинг тажрибаси кам эмасди.

Чингизхон вафотидан сўнг, ўғиллар ота тириклигида суюрғол этилган ўз улусларидаги қароргоҳларга жўнаб кетадилар. Ўктой ота ўрнига улуғ қоон бўлиб қолган бўлса-да, Чингизнинг охирги насиҳати сабаб, ўша кундан бошбошдоқлик янада кучайган эди.

Чиғатой ўз аркони давлати билан Оҳангарон сарига, унга туташ бўлган Қуёш деб номланган манзилгоҳига равона бўлади. Чиғатойнинг чекига Уйғуристон, Самарқанду Бухоро, хуллас, Жанубий Олтойдан то Аму этакларига қадар бўлган мамлакатлар тушган эди.

Муаррихларнинг гувоҳлик беришича, Чиғатойнинг қароргоҳи Или дарёсининг бўйида бўлган.

Поён Равшан, Жума Қурбон

АМИР ТЕМУР ТУҒИЛГАН ЖОЙ ЁХУД ЗАНЖИРСАРОЙ ҚИССАСИ

ВОРИСЛИК БОБИДА ДАРДИ ИЧИДА ҚОЛГАН ЧИҒАТОЙ камгап ва зиқна эди. Чингизхон вафотидан кейин унинг бир сўз демай Или сари жўнаб кетиши Ўктойни ичдан саросимага солиб қўйди. У бир илож қилиб Чиғатойнинг кўнглини овлаш пайидан эди. Улуғ қоон тахтига ўтирган куни Чиғатойга бир карвон совға-салом жўнатиб юборди. Чиғатой бутун салтанатнинг ҳукмдори йўллаган тортиқларни менсимайроқ қабул қилган бўлса-да, бундан қониқиш туйди. Ўктойнинг «ён беришни»ни у ўз кучи ва мустақиллигининг тан олинишига жўйди.

Чиғатой асосий қисми мусулмонлар бўлган улусини қаттиққўллик билан идора қилишга киришди. Муаррихлар унинг насроний динида бўлганлигини айтиб кетишган. Мўғул босқинчиларининг бошданоқ эътиқод, дин масалаларида субути қатъиятли бўлмаган. Улардаги бу суст кайфиятдан, аввало, ислом, сўнг насроний руҳонийлари усталик билан фойдаланишга киришганлар.

Бу ерда гапни бироз олдин кечган воқеаларга буришга тўғри келади. Мўғулларнинг Муҳаммад Хоразмшоҳ давлатига бостириб келиши сабаблари ҳақида баҳс кетганда ўрис муаррихларининг айримлари, хусусан, академик В. Бартольд ҳамма айбни туркий ҳукмдор гарданига юклашга мойиллиги билан ажралиб туради. Муҳаммад Хоразмшоҳ улуғ туркий салтанатни вужудга келтирган, Ўрта Осиёнинг асосий қисмини, ҳозирги Афғонистон ва бутун Эронни (Хузистонни ҳисобга олмаганда) бирлаштирган эди. Муҳаммад Хоразмшоҳ жуда катта давлатга эга бўлгач, араб халифалигини танимаслик йўлини тутади. Табиийки, Бу Халифа ан-Носирда норозилик уйғотмай қолмайди. Ўрта аср муаррихлари Халифанинг Қорақурумдаги элчихонаси ҳақида хабар берадилар. Ан-Носир ички ғуруш ва низоларни тинчитиб, бениҳоя катта ҳарбий қувватга эга бўлган, Хитойни ўзига тобеъ қила олган Чингизхон қиёфасида ўзини танимай қўйган Хоразмшоҳни жиловлайдиган кимсани кўради. У билан алоқа боғлаб, Чингизхонни жануб юришига даъват этади. Кейинчалик мусулмон савдогарларининг Чингизхон ҳузуридан паноҳ топиши, улардан олинадиган божлар миқдорининг камайтирилиши илдизлари ҳам шу алоқага келиб туташарди. Савдогарлар, айниқса, Хитой мўғуллар тасарруфига ўтгач, ўз ҳаракат доираларининг келажагини Чингиз давлатида кўрдилар ва унинг хизматида бўлишни авло билдилар.

Чингизхон ўз йўлида Муҳаммад Хоразмшоҳнинг кўндаланг турганлигини яхши биларди. У бу ғовни олиб ташлаш учун узоқ ва пинҳона тайёргарлик кўради. Шу боисдан ҳам Халифа ан-Носирнинг даъвати ва кўмагига, савдогарларнинг эса жосуслик маълумотларига катта қизиқиш билан қарайди.

Муҳаммад Хоразмшоҳ эса, аксинча, уруш қилишга тайёр эмасди, бундай оқибатни у ўйлаб ҳам кўрмаганди. Чингизхон ғоят устамонлик билан уруш чиқариш вазиятини вужудга келтирадики, охир-оқибатда ҳамма гуноҳ турк подшоҳининг бўйнида қолади. Араб ва форс тарихнависларининг Халифа ан-Носир ҳақида айтганлари нима учундир академик В. Бартольднинг назарига чалинмай қолади. Бундан ташқари, Бартольд умуман мўғулларнинг Ўрта Осиёдаги даҳшатли қилмишларини, чидаб бўлмас даражадаги қирғинларини юмшатиброқ, кичрайтириброқ тасвирлаш йўлини танлайди. «Қарға қарғанинг кўзини чўқимайди», деган мақолни эсламай бўладими бу ўринда? Чингизу Чиғатой бош бўлиб келган 1219 йилги Бухоро, Самарқанд, Қарши, Термиз ва бўлак шаҳарлар қирғинида юз берган даҳшатнинг асло қиёси йўқ. Бухоро ер билан битта қилинган бўлса, Самарқандда аҳолининг тўртдан бир қисмигина тирик қолган эди.

ТАРИХ ВА ТАҚДИР

Ўша йиллари— халқнинг, ватанпарвар фидоийларнинг қони дарё-дарё бўлиб оқаётган пайтлар шамонпараст мўғул ҳукмдорлари мусулмон руҳонийларини олиқ-солиқлардан расман озод қилади. Фақат бу имтиёздан яҳудий раввинларигина бенасиб этилади. Бу далил ҳам Чингизнинг Халифа билан тил бириктирганлигидан далолат бермайдими? Қолаверса, Ўрта Осиёда юз берган мўғул яғмосининг исини билган насронийлар ҳам имконни бой бермасликка тиришадилар. Рим папаси ўз роҳибларини Моароуннаҳр шаҳарларига юбориб, католик ақидаларини тарғиб эттиришга киришади.

Чингизхоннинг ўлимидан сўнг диний эътиқоддаги беқарорлик хонзодаларда яққолроқ кўриниб қолади. 1248 йилдаги бир ҳужжатда айтилишича, Гуюкхон ва яна 18 мўғул шаҳзодаси насронийлар динини қабул қилганлар. Чиғатой ҳам насроний эди. Буни вақтида улар ҳузурида бўлган сайёҳ Марко Поло ҳам ёзган.

Давоми саккизинчи бетда



Санъаткорлар дала меҳнаткашлари ҳузурида

У. ҚУШВОҚОВ сурат-лавҳаси

МУСТАҚИЛЛИК ВА МАЪНАВИЯТ

Боши биринчи бетда

балироқ эканлигига уларни ишонтира олдим. Аҳолининг аксарият қисми бозор иқтисодиётининг энг даҳшатли натижаси — тижоратга берилиб кетгани аччиқ ҳақиқат сифатида тан олинди. Аслида тижорат маънавият кушандаси бўлмаслиги керак.

Ўзбекистон шундай табиий, моддий ва маънавий бойликларга эгаки, улардан оқилона фойдаланиш туфайли ўз тараққиёт йўли ва позициясини белгилай олади: «Жаҳон ва ўзимизнинг амалиётимиздан олинган барча унумли тажрибани рад этмаган ҳолда ўз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий тараққиёт йўлимизни танлаб олиш республиканинг қатъий позициясидир».

Жамиятлар ва мамлакатлар тараққиётида муштарак жиҳатлар кўп бўлса-да, бир мамлакат ва бир тузум бошқа мамлакат тажрибаси ва тузуми йўлини такрорласа-да, ўзбек халқи турмуш ва тафаккур тарзида шундай томонлар борки, улар умумбашарий қадриятларга бориб тақалиши билан бирга ўзбекона ҳаёт, ўзбекона яшаш ва ўзбекона инсонийликни ифодалайди. Ислом Каримов ана шу ўзбекона маънавий қадриятлари янада ривожлантириш ва бойитиш хусусида сўз юритади. Булар нималардан иборат? Аввало, инсонпарварлик ғояларига содиқлик. Инсондан бўлак буюк ва мўътабар мавжудот дунёда йўқ ва бўлган эмас. Бинобарин, Президентдан тортиб, оддий меҳнаткашгача инсонпарвар бўлмас экан, бундай ўлкада эркинлик ва бахтиёрлик бўлмайди.

Маданий ёдгорликлар миллат тарихи, тақдири ва хотирасидир. Ана шу ёдгорликларга қараб ҳар бир миллат жаҳон тараққиётида мустақил ўрин олади. Бизнинг ўрнимиз мавжуд, аммо бу ўринни тўлдирувчи, бойитувчи ва безагувчи дурдоналарни ҳамон ўз жойига қўя билмаяпмиз. Юзлаб қўлёзмалар хорижий мамлакатлар кутубхоналарида бизга нигорон ётибди. Ўлкамиздан олиб чиқиб кетилган маданий ёдгорликлар халқимизга қайтарилиши шарт, нураётган осори атиқаларга меҳр қўллари даркор.

Бир пайтлар тарихимизни белгиловчи шахслар, обидалар ва фалсафий-эстетик ғоялар ҳақида гапириш ман этилган эди, энди ағдар-тўнтар қилиш одат тусига кирди. Узоқ тарих ва тарихий шахсларни кўкларга кўтариб мақташни кўпинча яқин ўтмишни қоралаш ҳисобига олиб бораяпмиз. Гўё ҳамма бало-қазолар ва ёмон шахслар яқин турғунлик йилларида бўлгану Чингизхон, Темур, Бобур ёки Шайбонийхонлар даврида ҳеч қандай қирғин, очарчилик, қийинчилик бўлмагандек.

Ўтмиш, хоҳ у минг йиллик бўлсин, хоҳ яқин йилларни ўз ичига олсин, одилона ва оқилона муносабатни талаб этади. Тарихни яратган халқ ва унинг ёнида, дилида ва тилида турган шахслар меҳнати, қолдирган хайрли ишлари унутилмаслиги зарур. Биз-чи? Яқин ўтмишни, айниқса, турғунлик йиллари деб ном олган даврни қоралашда гўёки ювинди билан болани ҳам қўшиб ағдариб юбормаяпсизми? Биргина мисол тарзида Тошкентни олсак, зилзиладан кейин қурилган бинолар, пайдо бўлган хиёбонлар, метро ва маданий-маънавий қадриятлар халқимизнинг бунёдкорлик, фидойилик ва инсонпарварлик фазилатларидан далолат бермайдими?

Шу муносабат билан маданий-маънавий жабҳада ижод қилувчи зиёлилар олдида жуда катта масъулият пайдо бўлади. Мустақиллик маданий меросимизни мунтазам ва тартибли ўрганиш, тадқиқ этиш ва оммалаштириш, дунёвий аҳамиятини кўрсатиш имконини беради. Бу узлуксиз жараён. Шундай экан, маънавий-интеллектуал кучлар фақат бор нарсани мақташ билан чегараланмасдан, Мустақиллик берган имкониятдан фойдаланиб ана шу маданий меросга янгилик қўшиш, уни бойитиш ва ривожлантириш устида ҳам қайғурмоғи зарур.

Бинобарин, ўтмишдан ўрнак олиб, бугундан хулоса чиқариб, келажакка йўл очадиган қадриятлар яратиш замони келди. Мустақиллигимизнинг бир йили давомида ҳаётга татбиқ этилган чора-тадбирлар шундан далолат беради, миллат ва жумҳурият истиқболи маънавий-маданий савияга кўпроқ боғлиқ экан. Инсон ва унинг истеъдодидан буюкроқ неъмат йўқ: «Кишилар шуни аниқ ва равшан англаб етишлари керакки, маънавий потенциални илдам ривожлантирмай туриб, республиканинг чинакам мустақиллигини ва равнақ топишини таъминлаб бўлмайди».

Маънавий потенциал ҳаракатга солинмаса, унинг равнақига имконият яратилмаса, у мудраган ижтимоий куч сифатида ётаверади. Бунда одамларнинг ҳаётдаги ўз ўрни ва мустақилликка бўлган онгли муносабати катта роль ўйнайди. Афсуски, орамизда Мустақилликни биздан ташқарида ва бизга боғлиқ бўлмаган жараён, деб тушунувчилар мавжуд. Аслида Мустақилликни якка шахс бунёд этолмайди, унга якка шахс эриша олмайди ҳам. Бу — ижтимоий-тарихий жараён бўлиб, унга эришиш, уни мустаҳкамлаш ва унинг истиқболи барчанинг фидокорона меҳнати, самимий эътиқоди ва ҳалол, пок интилишига боғлиқ.

«Ҳар бир инсоннинг, айниқса, эндигина ҳаётга қадам қўйиб келаётган ёшларнинг онгига шундай фикрни сингдириш керакки, — деб ёзади Ислом Каримов, — улар ўртага қўйилган мақсадларга эришиш ўзларига боғлиқ эканлигини, яъни бу нарса уларнинг фидокорлигига ва чексиз меҳнатсеварлигига собитқадам ғайрат-шижоатига тўла-тўкис боғлиқ эканлигини англаб етишлари керак. Худди шу нарса давлатимиз ва халқимиз равнақ топишининг асосий шартидир».

Бу фикрни ёшлар онгига қандай сингдириш мумкин. Баландпарвоз чақириқлар, дўқ-пўписа билан мафкуравий тазйиқ ўтказиш даври ўтиб кетди. Одамлар сергак, тўғри сўз гадоси, ҳаққоният учун курашувчи бўлиб бораяпти. Уйғонган халққа эски ташбеҳлар, ёлғон ваъда, сохта фидоийлик кетмайди. Халқ юзма-юз гаплашишга, аччиқ ҳақиқатни пардаламай, яхшиликни бўямай кўришга муштоқ. Бундай маънавий-маданий мулоқотда халқ ижодкорлар сўзига кўпроқ ишонади. Чунки бадиий ижодиёт халқ, Ватан, миллат ва инсон дардидан четда бўлган эмас. Ижодкорлар қалби халқ юрагининг қон томирларида кечаётган дарду ғам, қувончу шодликларни тезроқ пайқаб боради.

БАДИИЙ ИЖОДИЁТ ХАЛҚ ТАҚДИРИ ВА ТУРМУШИНИНГ, ЯШАШ ТАРЗИНИНГ ифодаси бўлиб келган, шундай бўлиб қолади. Лекин, афсуски, ҳозирча ижод аҳлининг Мустақилликка бўлган муносабати тўла-тўкис бадиий намоён бўлаётгани йўқ. Бадиий тафаккур сиёсий қарашлар, публицистик назарий мулоҳазалар томон оғиб кетди. Ҳар ким ўз ишини қилиш ўрнига, сиёсат майдонида жавлон уришга, низомлар, дастурлар, партиялар яратишга ўтиб олинди. Мустақиллик ҳақида жиддий ижтимоий-фалсафий ва маънавий-ахлоқий муаммоларни кўтариб чиқувчи, ҳаётда туғилаётган ва ечимини кутаётган воқеаларга муносабат билдирувчи йирик прозаик, драматик, кино ва тасвирий санъат асарлари деярли яратилмаяпти. Халқимиз ва Ватанимизни улуғловчи давлат мадҳиясининг ҳамон яратилмагани сусткашликнинг оқибатидир.

Ҳозир тарғибот деганда қуруқ ваъзхонликни, ҳаётдан узилиб қолган ғояларни тарқатиш эмас, аксинча, ҳар бир фуқаро ҳаёти ва истиқболи учун нон ва ҳаводай зарур Мустақилликнинг мазмуни, аҳамияти ва уни мустаҳкамлаш йўлларини ташвиқ этиш кўзда тутилади. Агар ҳар бир киши ўз миллати тақдирида содир бўлган воқеанинг аҳамиятини тушуниб етмаса, бу тушунчаларни шакллантиришда ижодкорлар ўз истеъдод ва имкониятларини сафарбар қилмасалар, Мустақилликни битта Президент ёки Вазирлар маҳкамасидаги саноқли одамлар амалга ошира олмайдилар.

Мустақиллик аввало халқ, Ватан миллат учун керак. Санъаткорларнинг эса халқ, Ватан, миллатдан ўзга ва уларга бефарқ ижод маскани бўлмаган. Биз буни унутиб қўймаяпмизми? Ижодий уюшмаларда ҳақиқий ижодий мулоқотлар, бадиий ижодиёт сири, вазифаси ва истиқболи эмас, шахсий келишмовчиликлар, гуруҳбозликлар, манфаатпарастлик, ўрнойиқитлар авжга миниб кетмаяптими? Ўзбекистон ёзувчиларининг иккита мустақил уюшмага ажралиши, рассомларимиз орасидаги парокандалик, ижодий кашфиёт ўрнига умри калта асарлар яратишга иштиёқ, театрлар залларидаги томошабиндан кўра актёрлар кўпроқ бўлган спектакллар намойиши, «Ўзбекфильм»даги сирли сукунат — буларнинг барчаси ижод аҳлининг ё карахтлигидан, ё сиёсий-ижтимоий ўзгаришлардан чарчаганидан, ё бозор иқтисодиёти туфайли вужудга келган моддий тангликдан, ё... қўйингки, сабаблари кўп бўлган кайфиятлардан дарак беради.

70 йил мобайнида ўзбек адабиёти ва санъатида қишлоқ ва деҳқонлар мавзуси салмоқли ўрин олган эди. Уйдирма «янги инсон» концепцияси бўйича образлар ижод қилинганига гувоҳмиз. Ҳаётдан узилган коммунистик ғоялар баланд пардаларда куйланганди. Энди аҳвол, шароит ва имкониятлар ўзгариб бормоқда. Қишлоқларда бозор муносабатларига мос келувчи ерга, элга, бойлик ва табиатга ўзгача қарашлар таркиб топмоқда. Деҳқон қалбига яқин ва тушунарли бўлган меҳнат турини ташкил этишга ҳаракат қилинмоқда. Деҳқон ўзини ҳақиқатан ҳам ернинг чинакам эгаси деб билиш имкониятига эга бўлмоқда.

Қишлоқ ҳаётида ҳам, деҳқон онгида ҳам ағдар-тўнтар ҳодисалар содир бўлмоқда. Эски турмуш ва тасаввур тарзи парчаланиб, ҳаётга янгича қараш шаклланмоқда. Инсоннинг инсонийлиги уйғонаётган, меҳнатга муносабати ўзгараётган, бу жараён ўз қаҳрамонларини туғдираётган экан, улар бадиий ижодиётда ўз инъикосини топиши мумкин эмасми? Кутиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Энди ҳаёт ғилдирагини орқага қайтариб бўлмайди. Миллий турмушимиз, тафаккуримиз ва идеалимизда содир бўлаётган ўзгаришлар асрлар давомида топталган, хўрланган, ўксиган кўнгилларга малҳам бўлмоқда. Мустақилликни мустаҳкамлаётган одамлар, шахслар, оила ва жамоалар бадиий тафаккурдан муносиб ўрин олишга ҳақли.

ХОЗИР ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИ АЙНИ ҚИЗИГАН ПАЙТ. Яқин ўтмишни эслайлик. Рўзномаларда «Ёзувчилар пахта далаларида», «Санъаткорлар пахтакорлар даврасида» деган рукн остида санъаткорларимизнинг меҳнат аҳли билан учрашувлари, шеърхонлик, ғазалхонлик, ашула ва рақс кечалари ёритиб бориларди. Жуда кўп санъаткорлар сафар таассуротларини радио, телевидение, матбуот орқали баҳам кўрардилар. Нега ана шу анъаналаримизни қайта тиклаш мумкин эмас? Нега ижодкорни халққа яқинлаштириш ва халқни ижодкорга яқинлаштириш йўлларини қидирмаслигимиз керак? Агар роман, пьеса ва киносценарий учун бирор йил материал тўплаш ва уларни ҳазм қилиш зарур бўлса, очерк ва ҳикоялар учун шу бугунги таассурот ва тасаввурлар етарли эмасми?!

Яна бир масала хусусида тўхтаб ўтишга тўғри келади. Қўлига қалам олган барча зиёлилар ўз соҳалари бўйича долзарб муаммоларни кўтариб чиқишга одатланиб қолдилар. Аммо маслаҳат бериб, ақл ўргатиш осон, уни бажариш қийин. Ҳаётда ва турмушда, одамлар онги ва тасаввурида, ишлаб чиқариш ва иқтисодиётда, иқтимоий воқелик ва маънавиятда туғилаётган муаммоларни қайд этиш билан баробар уларни бартараф этиш йўлларини ҳам излаш зарур. Ана шунда халқ, Ватан, миллатнинг иқтисодий ва маънавий потенциали бир йўналишга қараб хизмат қилади ва кучлар, ақллар, ирода ва талантлар бирлиги, ташаббуси вужудга келади.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг мураккаблиги шундан иборатки, тарихий даврнинг ҳар бир босқичида унинг етилган ва кечиктириб бўлмайдиган вазифалари мавжуд ва бу вазифаларнинг ечими қандай ва қайси манфаатларнинг устун келишига боғлиқ бўлиб қолади. Бугунги Ўзбекистон шароитида энг асосий вазифа иқтисодий ислоҳотлар билан баробар маънавий-маданий юксалиш ва поклониш жараёнларига диққат-эътиборни кучайтиришдан иборатдир. Агар ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг вужудга келган таркибига қараб қайта тақсимланадиган миллий даромаднинг 30—50 фоизга яқин қисми ижтимоий-маданий, илм-фан, техника тараққиёти, мудофаага ажратилса, ҳозирча бизда бундай имконият йўқ. Биз аввал ич-ичидан емирилган хўжаликни ва маънавий дунёни тиклаб олишимиз керак. Биз учун ҳозирги кундаги энг асосий вазифа «Инсонга муносиб ҳаёт шароити, унинг ўзини намоён қила олиши учун имкониятлар яратиш»дан иборатдир. Бунинг учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда: ўқув жараёнига ислоҳотлар киритилмоқда. Фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш тузилмалари ишлаб чиқилмоқда, чет элга студент ва аспирантлар жўнатилмоқда ва ҳоказо. Ишбилармонлик, тадбиркорлик, ташаббускорлик қўллаб-қувватланмоқда.

Бироқ бу жараёнларнинг бутун ижтимоий-тарихий ва ахлоқий-эстетик жиҳатларини очиб беришда бадиий ижод орқада қолмоқда. Ҳаётда ҳақиқий ишбилармон билан ўта устамон, тадбиркор билан қаллоб, ташаббускор билан чайқовчи ёнма-ён ва кўпинча ўрнилари алмашиб юргани маълум бўлиб қолмоқда. Уларни ҳуқуқий-маъмурий жазолаш билан бирга бадиий қиёфаларини кўрсатиш, замонавий Хлестаковлар образини яратиш жуда зарур бўлиб қолди. Бадиий сўз, образ ва тасаввур орқали инсонга таъсир этиш халқ онги ва тафаккурини уйғотишнинг энг самарали кўринишидир. Бадиий ижодиётнинг ана шу имкониятларини бой бермаслик керак.

Рисолада халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш масаласи алоҳида таъкидланади. Маънавият масаласи шунчалик кенг ва мураккабки, уни аниқ тасаввур этмасдан, пишиқ, пухта ишланган ғоявий-тарбиявий ҳамда эстетик-бадиий системага асосланмасдан туриб амалга ошириб бўлмайди. Мустақиллик шарофати билан «Ўзбек диёрида, тарихда кўп марта бўлганидек, яна янгидан ўзимизнинг бетакрор ва илғор, иқтидорли ва энг муҳими — инсонларга керакли қадриятларимиз барпо этилар» экан, бунинг учун маънавият ва маданият соҳасида изчил ҳаракат дастури ишлаб чиқилмоғи лозим.

Ўз миллий қадриятларимизни барпо этиш умуминсоний маънавиятни бойитиш демакдир. Янги маданият ўчоқларига эга бўлиш инсоннинг ўз маънавий имкониятларини кенгайтиради. Ҳар кимнинг юрагида эъзозланадиган ватанпарварлик туйғуси энди бевосита ҳаётни ўзгартириш ва гўзаллаштиришда ўз ифодасини топади. Бинобарин, халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун биринчи навбатда инсон маданиятини юксалтириш зарур. Фақат маданиятли шахсгина мустақил фикрлай олади, фақат маданиятли жамиятгина барча фуқаролар учун эркин фаолият муҳитини ярата олади. «Маънавият — тақдирнинг эҳсони эмас», дейди Ислом Каримов. Маънавиятни янгиламоқ, бойитмоқ ва ривожлантирмоқ учун жамиятнинг барча ижтимоий, иқтисодий ва маданий-эстетик жабҳалари бир-бири билан чамбарчас боғланган ҳолда ҳаракат қилмоғи керак. Бу хусусда рисолада очиқ-ойдин айтилган: «Маънавиятни мустаҳкамлаш учун меҳнат ва маблағни аяш ўз келажагига болта уриш демакдир. Ватан ва жаҳон маданиятининг, адабиёт ва санъатнинг ютуқлари ҳар бир оилага етиб бориши учун оиланинг моддий таъминланганидан қатъи назар, қулай шароитлар яратиш талаб этилади. Ижодий ходимларнинг маънавий кучига эркинлик бериш, уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш ҳам катта аҳамиятга эгадир».

Бундай улкан вазифаларни бажарган тақдирдагина маданий давлат, маданий ўлка, маданий халқ даражасига кўтарилиш мумкин. Маданий ўлка авваламбор маданиятли кишилар томонидан яратилади. Шунинг учун мустақил Ўзбекистонда миллий маданиятни юксалтириш мақсад қилиб қўйилган экан, бунда ўтган замонлардаги хато ва камчиликларни такрорламаслик, тарихга, узоқ ва яқин ўтмишга одилона муносабатда бўлмоқ керак. Бунинг учун «Дастлаб янгини қуриш, уни амалда синаб кўриш, сўнгра эса эскини барбод қилмасдан синаб кўрилганларни янгича қўллаш лозимдир».

МИЛЛИЙ МАДАНИЯТНИ ЯРАТИШДА БИР ИЖТИМОИЙ ИЛЛАТДАН эҳтиёт бўлишни тарих тажрибалари тақозо этади. Агар ўз миллий маданияти, тили, урф-одати, қадимий ва янги анъаналаридан воз кечиш қанчалик миллий нурсизликка олиб келган бўлса, миллий маданият яратиш ниятида тор доираларда чекланиб қолиш, жаҳон инсонпарварлик маданияти ва умумбашарий қадриятлари идеалларидан, бизнинг кўп миллатли жамиятимиз эришган ижобий анъаналардан ажралиб қолиш ҳам шунчалик хавфлидир.

Ўзбекистон фуқаролари Мустақилликдан ҳақли равишда фахрланмоқдалар. Инсон учун ўзини мустақил ва эркин ўлка, жамият аъзоси эканлигини ҳис қилишдан юксак неъмат йўқ. Демак, «Давлатимиз рамзлари — байроқ, тамға, мадҳия Ўзбекистон халқларининг шон-шарафи, ғурури, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассамлаштиради».

Шундай экан, давлатимиз рамзлари — байроқ, тамғалар ҳар бир фуқаронинг кўз ўнгида ҳилпираб турсин, мадҳия сўзлари дилларга жо бўлсин. Эркинлик ва мустақилликдан мағрурланиш ва фахрланишнинг мақтанчоқликка ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Бизга шундай замонда яшаш ва ижод қилиш насиб қилган экан, шу бугунги муаммолар ва бу муаммоларни туғдираётган ҳодисалар, уларни бартараф этиш йўллари ҳақида шундай асарлар, мулоҳазалар қолдиришимиз керакки, улар учун келажак авлодлар олдида юзимиз шувит бўлмасин. Истиқлолнинг истиқболини қаршилайдиган авлод ёнида ўзимизнинг эркин ва ҳаққоний сўзларимиз, ишларимиз билан бемалол тура олайлик.

Ҳозирги даврни мен тоғдан оқиб келаётган кучли селга ўхшатгим келади. У асов қудрат ила тоғу тошларни емириб, водийларни вайрон этиши ё ўзан сари йўналтирилса, сув ҳавзаларини тўлдириб, кейинги йил ҳосилига ҳисса қўшиши мумкин. Селни қайтаргувчи ҳам, табиатга, жамиятга чирой бағишловчи ҳам, бугунни эртага уловчи, ҳаётни мунаввар этувчи ҳам Инсондир. Бу инсонларнинг ҳалол, пок меҳнатини эъзозлаш, қадрлаш учун ҳам киши маънавий баркамол бўлиши керак!

Тилаб МАҲМУДОВ,
«Нафосат» ойномаси Бош муҳаррири, фалсафа фанлари доктори, профессор

БЕҲБУДИЙ ХОТИРАСИ

Туркистон жадидчилик ҳаракатининг карвонбошиси Маҳмудхўжа Беҳбудий 1919 йилнинг 25 январида Қаршида пинҳона қатл қилинган. Лекин бу хабар жамоатчиликка 1920 йилнинг апрелидагина маълум бўлди. Табиийки, Беҳбудий хотирасига кўплаб шеърлар ёзилди. 1977 йили Ленинград — Санкт-Петербургда Салтиков-Шчедрин кутубхонасидаги ўзбекча китобларни кўздан кечираётганимда Садриддин Айнийнинг 1923 йили Бухорода чоп этилган «Туркча инқилобий шеърлар мажмуаси»ни учратиб қолдим. Бу китоб, умуман олганда, мутахассисларга яхши маълум. Бироқ, ундаги Беҳбудийга бағишланган уч шеър адибнинг 60-йиллари босилган 8 жилдлик ўзбекча нашрида ҳам, Душанбада чоп этилган 15 жилдлик куллиётида ҳам кўзга ташланмади.

Уч шеърнинг иккитасинигина кўчириб олган эканман. Учинчиси:

Сен Туроннинг қўёшийдинг, Эсиз, эзгируб кетдинг

сатрлари билан бошланадиган «Беҳбудий учун» шеъри кўчирилмаган экан. Фитратнинг 1922 йили «Ёш ўзбек шоирлари»да босилган шеърини ҳам қўшиб ўқувчиларимиз эътиборига ҳавола қилмоқдамиз.

Б. ҚОСИМОВ

ЁДНОМА

Садриддин АЙНИЙ

БЕҲБУДИЙ АФАНДИНИ ЭСГА ТУШУРИБ, ҚАТЛ ВА ҚАТЛГОҲИГА ХИТОБАН

Эй, мадфуни инсоннят, эй, мақтули аҳрор!
Эй, маркази ваҳшоният, эй, маҳмани ашрор!
Мингларча йигитлар бошини тандан аюрдинг,
Мингларча асоратзада ўғлонлари қирдинг.
Қон тўк, яна қон тўк, яна қон тўк!
Қон сели билан оқибат-ал амр: ёрил, чўк!
Қон тўк-да, чўмул қонга! Йиқил қонга! Бўғул, ўл!
То қонга булғанмасун озода бирор қўл!
Эй деви жаҳолат уйи, эй, қон-ла тўлан ғор!
Шод ўл бу кун!
Аммо бу кунинг эртаси ҳам бор!
Бир дасти рнё, дасти жафо, дасти хиёнат
Мумкнмни сани айласа, кетдикча снёнат?!
Йўқ, йўқ, келур албат, келур албат, келур албат.
Золимлари тард этмага, маҳв этмага навбат.
Эй, қотила, эй, фожира, эй, фитнан Турон!
Турон эли фитнанг ила бўлсунми паришон?!
Мингларча йигит бошини калтак била эздинг,
Мингларча йигит наъшини саржин каби тиздинг.
Зиндонлара мингларча тирикларни чурутдинг,
Тезоб ила мингларча ўлукларни эритдинг.
Қуръонни, шариатни аёғ остида бостинг,
Беҳбуди каби доҳийи Туронни-да остинг!
Бош кес, яна бош кес, неча кун кайфу сафо сур!
Лекин кўзинги оч! Келаси кунларинги кўр!
Билгилки, бу аҳмол эмас!
Аҳмоли илоҳи!

Билгил, абадий қолмаяжак мунча малоҳи!
Бир кун келур албат, келур албат, келур албат!
Эй хонна! Ўч олмаға ожизлара навбат!

Эй, мақтули аҳрор!
Эй, мамкини ашрор!
Қон тўк, яна қон тўк!
Қон тўк-да, ёрил, чўк!
Бир дасти хиёнат
Айларми снёнат
Доим осор?
— Асло!

Бир кун келур албат, ожизлара навбат
Ўч олмаға сандан.
Эй, манбан накбат,
Кўрсам ўша кунни!

БЕҲБУДИЙ РУҲИГА АТҲОФ

«Шаби ҳижрон» ҳавосиға

Сани мундин буён Турон, кўролурму, кўролмасму?
Санинг мислингни Туркистон, тополурму, тополмасму?
Сан, эй, устоди олийшон, эдинг ажубан даврон,
Отингни тилга ҳар инсон буюк ҳурмат-ла олмасму?
Санинг тарихи даврининг, санинг осори урфонинг,
Санинг номинг, санинг шонинг, жаҳон қолдиқча қолмасму?
Санинг қўксунг чўкулғанму, санинг белинг букулганму,
Санинг қонинг тўкулганму Мунн(нг) ҳеч ким сўролмасму?
Бошингни кесдуран қотил, у бадтийнат, у сангин дил,
Худодан ғар эса ғофил, халойиқдин уёлмасму?
Ватан авлоди ёд этди, сани ҳурмат-ла шод этди.
Ва лекин интиқомингни ололурму, ололмасму?
Жаҳонда зулмдур зоҳир, жаҳон хунхўр, жаҳон жобир,
Жаҳондан бир замон охир, ситамгарлик йўқолмасму?
Беҳишту ҳурни ғилмон, санга ҳақ айласин эҳсон,
Санга раҳмат, санга ғафрон, худойим етказолмасму?!

Атҳоф — бағишлов, туҳфа

ФИТРАТ

БЕҲБУДИЙНИНГ САҒАНАСИНИ ИЗЛАДИМ

Чўкмишди ер узра олам тўсуғи,
Ўксузлик бойқуши қанот қоқарди.
Ботувда қизориб турғон булутдан
Эзилган кўнглумга мотам ёғарди.
Ҳақсизлик шаҳрининг қон ҳидли ели
Армоним гулидан бир ярпоқ узуб,
Баҳорсиз чўлларга совуриб қўйди.
Ул нозли ярпоғим сўлуб, сарғаюб,
Йўқсул қолғанлардай ҳар ён югурди.
Золимлар, мазлумлар, зулмларнинг-да,
Барнға учради, барчасни кўрди.
Ўз йўқотқонин излади, сўрди.
Бир дарак топмағоч, бирдан бир тикилди,
Бор кучин тўплади.
Золимнинг тахтини титратган бир товуш
Қичқирди:
—Отамнинг қабрини қай ерга ёшурдинг?!
Бот сўйла!..
Кирли тож кўб қўрқди ботир товушидан
Сесканиб, титраб... ёшунди
Бир жавоб бермасдан.

ТАРИХДАН МАЪЛУМКИ, XIV АСРНИНГ СЎНГИДА икки буюк турк хоқонлиги — Ўрта Осиёда соҳибқирон Амир Темур ва Кичик Осиёда (Болқон ҳудудида) султон Йилдирим Боязид давлати юзага келган эди. Бу икки ҳукмдорнинг жаҳонгирлик сиёсати борган сари кучайиб, фақат Осиёдагина эмас, балки Оврупо иқлимидаги қиролликларга ҳам хавф солиб турарди. Айниқса, Болқон ҳудудидаги бир қанча давлатларни ўзига бўйсундирган, сўнгра Оврупога юриш қилиш мақсади бўлган султон Боязиддан чўчиган Англия, Олмония, Фарангистон ва Швейцария ҳукмдорлари шошилинч қўшин тўплаб, қарши салиб юришига ҳозирлик кўрмоқда эдилар.

Иттифоқо, соҳибқирон Амир Темурнинг султон Боязид билан келиша олмасдан ўзаро жангга киришуви Оврупо ҳукмдорларига айни муддао бўлди. Улар ўзларининг Амир Темур тарафида эканликларини билдирувчи номалари билан чопарлар юборишга шошилдилар. Манбаларда қайд этилишича, Оврупо ҳукмдорлари билан Амир Темур ўртасида чопарлик вазифасини ўша пайтда Султония шаҳри архиепископи бўлган монах Иоанн бажарган.

Амир Темурнинг султон Йилдирим Боязид қўшини устидан ғалабага эришуви Ғарб давлатлари ҳукмдорларининг буюк Темур салтанатига ва шахсиятига бўлган ҳурматини янада оширириб юборди. Соҳибқиронинг Оврупо ҳукмдорлари билан кейинги ёзишмалари, хорижий мамлакатлар элчиларининг Мовароуннаҳр салтанатида қабул қилиниши, ҳатто Самарқандда уларнинг муқим фаолият кўрсатганликлари бунга далилдир.

Соҳибқирон Амир Темур билан Оврупо ҳукмдорлари ўртасидаги ёзишмаларга келсак, бу номаларнинг айримлари ҳозир ҳам Париж ва Лондон кутубхоналарида сақланиб келинмоқда. Масалан, Амир Темурнинг Фарангистон қироли Карл VI де Валуа (1368—1422) билан ёзишмалари тарихи ва сақланиб қолган номалар хусусида биринчи марта фаранг муаррихи Флоссан 1811 йили эълон қилинган «Фарангистон давлати ташкил топгандан бошлаб то қирол Людовик XVI ҳукмдорлик қилган даврга қадар фаранг дипломатияси тарихи» номли тадқиқотида маълумот бериб ўтган эди. Ушбу маълумот асосида изланиш олиб борган Флоссаннинг ватандоши, шарқшунос Силвестр де Саси соҳибқирон Амир Темур ва Фарангистон қироли Карл VI номаларининг асли ҳамда кўчирилган нусхаларини Париждаги Миллий кутубхона (аввалги Қироллик кутубхонаси) фондидан топишга муваффақ бўлади. Номалар матнини ва ёзилиши тарихини изчил ўрганган олим 1822 йили нашр эттирган «Амир Темур ва Карл VI ўртасидаги ёзишмалар тарихи хусусида» номли тадқиқотида батафсил фикр юритган.

Профессор Силвестр де Саси тадқиқотида аниқланишича, Париждаги Миллий кутубхонада соҳибқирон Амир Темурнинг Фарангистон қироли Карл VIга йўллаган икки номаси ва Карл VIнинг Темурга юборган мактубининг кўчирилган нусхаси сақланиб қолган экан. Амир Темур йўллаган биринчи номанинг асл нусхаси форсийда битилган бўлиб, у ҳақда Силвестр де Саси маълумот беради: «Биринчи нома форсий тилда узун ва энсиз қоғозга битилган; унинг қўлёзмаси ўн тўрт қатордан иборат. Хатнинг бошланиш тарафидан қоғоз энининг чорак қисмига тенг келувчи абзац қолдирилган. Нома битилган қоғоз анча қалин ва пишиқ, ишланган жойи кўрсатилмаган; безаклари ҳам йўқ...»

Профессор Силвестр де Саси томонидан қайта кўчирилган Амир Темур номасининг матнини форсийдан таниқли олим, профессор Ботирхон Валиҳўжаев бизга қуйидагича таржима қилиб берди. Тушунилиши қийин бўлган баъзи сўзларга қавс ичида ўзимиз изоҳ бердик.

«Улуғ Амир Темур Кўрагон умрлари зиёда бўлғай.

Малик Ре де Франса («Фарангистон қироли» маъносида) **бу дўстингизнинг юз минг саломи ва истакларини бир жаҳон орзулари билан бирга қабул қилгайсиз.**

Амири Кабир ҳазратларига мустажаб бўлгувчи дуоларни етказишдан сўнг маълум бўлғайки, таълим бергувчи Кафар («монах» маъносида) **Франкас** (Франциск) **бу томонга етиб келиб, ҳазратнинг мактубларини ҳам олиб келди ва ул Амири Кабирнинг олийжанобликлари, азамат ва улуғворликларини баён этдики, бундан ниҳоятда хурсанд бўлдик. Шунинг билан бирга, у Сизнинг душманларимиз устига кўпсонли лашкар билан отланганингизни ҳам сўзлади. Оллоҳ таолонинг кўмаги бирла улар забун бўлғайлар.**

Бундан сўнг навқирон ходим — подшоликнинг Мор Хасеси (архиепископ Иоанн) **хизматингизга юборилади. У Сизнинг ҳузурингизда воқеаларни сўзлаб бергусидир.**

Энди ул Амири Кабирдан илтимосимиз ва умидимиз шулки, бизга муборак мактубларини ҳамиша йўллаб турсалар, токи улар бизни Амири Кабирнинг саломатликларидан хабардор этиб, бу соҳада хотиримизни жам қилғайлар. Яна, ҳазратлари ўз тожирларини биз томон юборсалар ва биз уларнинг ҳурмат-эътиборларини бажо келтирсак, уларнинг ҳурмат-иззатлари сақланса, уларга ҳеч ким зўрлик кўрсатмаса, знён етказмаса. Чунки дунё тожирлар билан ободдир. Рисолат (элчилик)**ни ҳам ўрнатурмиз.**

Давлат узоқ йиллар комронликда бўлсин.

Ҳижрий 805 йил мукаррам муҳаррам ойининг аввалида (милодий 1402 йил 1 август) **ёзилди».**

НОМАНИНГ МАЗМУНИДАН КЎРИНИБ ТУРИБДИКИ, Фарангистон қироли Карл VI номидан элчи бўлиб соҳибқирон Темур ҳузурига келган архиепископ Иоанн ўзи билан қиролнинг номасини ҳам келтиргани аниқ. Афсус, Карл VI номасининг кўчирилган нусхаси Парижнинг Миллий кутубхонасида сақланиб қолмаган. Афтидан, Карл VI номасида Ғарб ҳукмдорларининг ҳам султон Боязидга қарши қўшин тўплаб салиб юришига отланганларини ва ўзларининг соҳибқирон Амир Темур билан ҳамжиҳат эканликларини маълум қилган бўлса керак. Буни Амир Темурнинг Карл VI га йўллаган юқоридаги номаси мазмунидан ҳам англаш мумкин.

Соҳибқирон Амир Темурнинг Фарангистон қироли Карл VIга йўллаган иккинчи мактубининг фақат лотинча таржима нусхаси Миллий кутубхонада сақланиб қолган. Дарвоқе, бу нома икки қисмдан иборат бўлиб, биринчиси Амир Темур номидан, иккинчиси унинг ўғли Мироншоҳ номидан битилган. Ҳар иккала мактубнинг лотинча таржима нусхаси Силвестр де Саси тадқиқотида (478—480-бетлар) эълон қилинган. Амир Темур мактубининг лотинча таржимаси тепасига «Бу соҳибқирон Темурбейнинг Фарангистоннинг буюк қироли Карл VI га йўллаган номасининг форсийдан лотин тилига таржима нусхасидир», деб ёзиб қўйилган. Мироншоҳ мактубининг тепасида эса «Амирзода Мироншоҳ номасининг форсийдан лотинчага таржимаси» деган ёзув бор. Амир Темур номасининг лотинча матни ўттиз беш қатор, Мироншоҳ номасининг матни йигирма тўқиз қатордан иборатдир.

Соҳибқирон номасининг лотинча матни «Бизнинг Темур Кўрагон сўзимиз...» жумласи билан бошланиб, сўнгра Фарангистон қиролига салом ва тилаклар билдирилади. Номанинг мазмунида Амир Темур ўзининг султон Боязид қўшини устидан қозонган ғалабасини маълум қиларкан, бу билан икки иқлим — икки буюк давлат душманини мағлуб этганини ва осойишталик ўрнатганини билдиради. Жаҳонгир бу номасида ҳам икки давлат орасида савдо-сотиқни йўлга қўйиш, тожирлар ва элчилар алмашиш хусусидаги ниятларини таъкидлайди. Ҳозирча, ўртадаги муносабатлар ва ишончли хабарларни икки томонга етказиб туришда архиепископ Иоанни вакил деб билишни яна бир карра қайд этади. Бу номага ҳам биринчи номадаги сана, яъни ҳижрий ҳисобда 805 йил муҳаррам ойининг биринчи куни (1402 йилнинг 1 августи) қўйилган.

Ваҳоланки, биринчи номада соҳибқироннинг султон Боязид устидан ғалабаси ёки у билан жангга киришуви ҳақида тафсилот билдирилмаган. Иккинчи номада эса жангнинг бўлгани ва ғалабанинг қўлга киритилгани хусусида аниқ хабар билдирилган. Демак, биринчи нома архиепископ Иоанн Фарангистон қироли Карл VI дан жаҳонгирга нома келтирган кезларда битилган-у, амма жўнатилмасдан сақлаб қўйилган. Қачонки, 1402 йилнинг июлидаги Анқара ёнидаги жангда Темур султон Боязид устидан ғалаба қозонганидан сўнг иккинчи номани ёздиртирган ва олдинги нома билан қўшиб архиепископ Иоаннни Фарангистон қиролига жўнатган. Биринчи номага ҳам ўша куннинг санаси қўйилган. Шундай фикрни профессорлар Силвестр де Саси ва И. И. Умняков ҳам тасдиқлашади.

Мироншоҳ мирзо номидан битилган номанинг мазмуни ҳам соҳибқирон Амир Темур номаси мазмунига яқин. У ҳам «Мироншоҳ Кўрагон сўзимиз» сатри билан бошланади. Кейинги сатрларда Фарангистон қироли Карл VI ва унинг фуқароларига саломлар йўлланади, тинчлик ва осойишталик билдирилади. Мироншоҳ ҳам, Амир Темур каби, Султония архиепископи Иоанни Фарангистон билан ўз давлати ўртасидаги ишончли вакил деб тан оларкан, Карл VI дан унинг сўзлари ва етказган хабарларига ишонишини сўрайди. Номанинг давомида ислом ва насроний динларига мансуб барча фуқаро

Ўзбеклар ва дунё

роларнинг осойишта яшаши, бундан буён подшо ва қиролларнинг тинч-тотув бўлишларини таъкидлайди. Мироншоҳ ҳам ўз номасида Фарангистон билан тожирлик ишларини ўрнатажагини (Мироншоҳ ўзи ҳукмронлик қилган Эрон, Эрон Озарбойжони ва Ироқни ҳисобга олган бўлиши керак. — М. Х.), икки мамлакат ўртасида элчилар алмашишни йўлга қўймоқ зарурлигини айтади.

Дарвоқе, Мироншоҳ номасининг битилган вақтида бироз чалкашлик бор. Номанинг форсийдан лотинчага таржимони хатога йўл қўйган бўлса керак. Профессор Силвестр де Сасининг фикрига таянсак, нома 1402 йилнинг июнида ёзилган, деган хулосага келиш мумкин. Бахтга қарши, иккала номанинг лотинча матнини ўзбек тилига аниқ таржима қилиш қийин бўлди. Сабаби, номалар Ғарбий Оврупода ўша даврда расм бўлган лотинча давлат юритиш тилида битилган бўлиб, ундаги баъзи сўзларни луғатлардан тополмадик.

ЭНДИ ПАРИЖДАГИ МИЛЛИЙ КУТУБХОНАДА САҚЛАНИБ КЕЛИНАЁТГАН Фарангистон қироли Карл VI нинг Амир Темурга йўллаган номасининг лотин тилидаги нусхасига тўхталайлик. Нома қуйидаги сатрлар билан бошланади:

«Карл, худоннинг суюкли бандаси ва франклар қироли, шавкатли ва қудратли ҳоқон Темурбейга салом ва тинчлик тилайди.

Шавкатли ва музаффар ҳукмдор, маълумингиз, қудратли қироллар ва шавкатли подшолар ўзларининг диний мазҳабларидан, забони, дунёқараши ва қонунларининг турли-туманлигидан қатъи назар, хоҳиш билдириб, иттифоқ ва ошно тутинсалар, улар қўл остидаги аҳли фуқаронинг ҳам тинч-осойишталиги таъминланган бўлур эди. Шу боисдан, Сиз шавкатли ва музаффар ҳукмдорнинг архиепископ Йоанн жаноблари орқали юборган номангизни оларканмиз, бизга йўллаган саломингиз ва яхши тилакларингизни ўқиб ҳамда Сиз жаноби олийларининг душманимиз султон Боязид қўшини устидан қучган зафарингизни эшитиб беҳад шод бўлдик. Алқисса, ўзингиз истак билдирганингиздек, бундан буён ҳам бизга ва бизнинг фуқароларимизга нисбатан мурувватли бўлгайсиз. Сизнинг марҳаматингиз билан бизнинг фуқаро ва савдогарларимиз ул томонларга борсинлар, сизнинг тожирларингиз бизнинг ерларга ташриф буюрсинлар. Сиз ва биз уларга қулай шароитлар яратиб берайлик, хавфсизлигини таъминлайлик. Бу ишда бизнинг вафо қилажагимизни ва ваъдамизнинг барқарорлигини ўртадаги элчимиз архиепископ Иоаннинг ўз оғзидан ҳам эшитгайсиз.

Ва ниҳоят, Сиз олий ҳукмдорнинг ўз қўл остингиздаги ўлкаларда яшаётган христиан мазҳабига мансуб фуқароларга нисбатан мурувватли бўлаётганингизни ҳам эшитдик ва бунинг учун Сизга ўз миннатдорчилигимизни баён этгумиздир. Биз ҳам Сиз ҳазратларининг фуқароларига, насиб этгудек бўлса, бундан ҳам зиёда мулозамат кўрсатишга ҳаракат қилурмиз.

Нома милодий минг тўрт юз учинчи йилнинг 15 июнида Париж шаҳрида битилди».

Фарангистон қироли Карл VI номасининг мазмунидан ҳам кўриниб турибдики, Амир Темурнинг турк султони Йилдирим Боязид устидан зафари ҳақидаги хабар уни жуда хушнуд этган. Шунингдек, Карл VI соҳибқироннинг савдо-сотиқ алоқалари ўрнатиш, ўзаро элчилар алмашиш ҳақидаги таклифларига сўзсиз рози бўлган.

Дарвоқе, Амир Темурнинг Карл VI га йўллаган номалари ва билдирган истаклари фаранг ҳукмдори учун айни муддао эди. Чунки Оврупонинг қудратли давлатлари саналмиш Фарангистон билан Англия ўртасидаги юз йиллик уруш (1337—1453 йиллар) муайян муддат тўхтаган бўлса-да, айни пайтда Карл VI мамлакатининг тинкасини қуритган, халқнинг норозилигини кучайтирган эди. Шу боисдан, Фарангистонга Шарқдан хавф солувчи ҳар қандай душман ўта хавфли эди. Султон Боязид солиб турган хавфдан қутулгани, бутун Осиёни забт этган жаҳонгир Амир Темурнинг ўзига бу қадар илтифот кўрсатаётгани Карл VI га ёқиб тушган эди. Ислом оламининг ҳукмдори Амир Темурнинг христиан юртлари қироллари билан дўстона муносабатда бўлиши Рим папасига ҳам маъқул эди. Папанинг ишонган одами архиепископ Иоанн ҳам ўз хўжасининг истагини бажариш ва Темур босиб олган юртлардаги христиан фуқароларининг осойишта яшашларини таъминлаш учун фидойилик кўрсатган эди.

Оврупонинг кейинги хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 1403 йилнинг май ойида Испания қироллиги ҳам Рюи Гонзалес де Клавихо бошчилигидаги ўз элчиларини Темур салтанатининг пойтахти Самарқандга юборди. Англия қироли Генрих IV (1366—1413) эса Амир Темур ва унинг ўғли Мироншоҳ билан алоқалар ўрнатишга шошилган эди. Профессор И. И. Умняковнинг таъкидлашича, Генрих IV нинг Амир Темур ва Мироншоҳга йўллаган номаларининг нусхалари Лондон кутубхонасида сақланиб келинади, ҳатто улар Англия қиролининг кўпжилдлик «Ёзишмалар» китобида эълон ҳам қилинган.

Афсуски, соҳибқирон Амир Темурнинг вафоти Оврупо ҳукмдорлари билан ўрнатилаётган дипломатик муносабатларнинг тўхтаб қолишига сабаб бўлган.

Нафсиламрга, Амир Темур билан Оврупо ҳукмдорлари ўртасидаги ёзишмалар ва элчилар алмашинуви натижаси ўлароқ, кейинчалик Ғарбда буюк Темур ва темурийлар сулоласи даври тарихи, илм-фани ва маданиятига бўлган қизиқиш авж олди. Оврупалик муаррихлар Амир Темур сиёсатини таърифловчи рисолалар битдилар, ижод аҳли ўз асарларида соҳибқирон сиймосини гавдалантиришга уриндилар.

Тўғри, соҳибқирон Амир Темур ҳақида тарихий-бадиий асарлар яратиш даставвал Низомиддин Шомий, Ибн Арабшоҳ, Шарафиддин Али Яздий, Абдураззоқ Самарқандий каби осиёлик машҳур муаррихларга насиб этган эди. Улар томонидан яратилган бу илк асарлар кейинчалик Амир Темур ҳаёти, салтанати ва ҳукмдорлик сиёсати ҳақидаги маълумотларнинг Оврупода тарқалишида ҳам асосий манба бўлди.

СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙ ШАҲЗОДАЛАР салтанати тарихи, темурийлар даври маданияти, илм-фани ва адабиёти хусусида айниқса инглиз, олмон ва фаранг олимлари кўп ёзишган. Масалан, фарангистонлик олимлардан де Сенксйоннинг «Буюк Темур тарихи» (1677), Пети де ла Круанинг «Темурланг тарихи» (1722), Ланглэнинг «Темурнинг сиёсий ва ҳарбий бошқарувлари» (1787), М. де Тиллининг «Мўғуллар ҳокони ва Осиё ҳукмдори Темурнинг тарихи» (1739), Шармуанинг «Темурнинг Тўхтамишга қарши юришлари» (1835), Нэвнинг «Темурланг ва Шоҳрух урушларининг таърифи» (1852), Капюнинг «Темурланг подшолиги тарихи» (1892), Люсйен Буванинг «Мўғул империяси» (1927), Груссенинг «Чўллар подшоси» (1938), А. Шампдорнинг «Темурланг» (1957), Жан-Пол Руининг «Соҳибқирон Темур» (1989) номли китобларида жаҳонгир ҳаёти, юришлари ва яратган қудратли давлати хусусида атрофлича фикр юритилганининг гувоҳи бўламиз.

Буюк бобомиз Темурнинг Оврупо иқлимида катта ҳурмат-эътибор қозонишида ғарблик қаламкашларнинг ҳам хизмати беқиёсдир. XIV—XVII асрларда Ғарб Ренессанс ва классицизм адабиёти вакиллари яратган машҳур фожиаларда Амир Темур ва султон Боязид сиймолари ҳам бош қаҳрамонлар қиёфасида гавдаланади.

Инглиз драматурги Кристофер Марло (1564—1593) яратган «Буюк Темурланг» (1587) фожиаси наинки инглиз адабиётида, балки бутун Оврупо адабиётида трагедия жанрига асос солди.

Марлонинг «Буюк Темурланг» фожиаси кейинги даврлар Оврупо адабиётида ҳам соҳибқирон Амир Темур образининг яратилишига замин ҳозирлади. Масалан, Фарангистонда Волтер, Олмонияда Гёте, Америкада Эдгар По, Русияда Бунин сингари машҳур адиблар ўз асарларида Темур образига мурожат этдилар.

ХУДОГА ШУКУРКИ, ВАТАНИМИЗ ЎЗ ЭРКИНИ ҚЎЛГА ОЛИБ, тазйиқлардан халос бўлди, Ватаннинг асл ўғлонлари номини ва қадриятларини тиклашдамиз. Зеро, Шарқ ва Ғарбда шуҳрат қозонган бобомиз Амир Темурнинг миллатимиз тарихида тутган ўрни ва хизматлари беқиёс, номи эса биз учун муқаддасдир.

Самарқанд

Муҳаммаджон ХОЛБЕКОВ, филология фанлари доктори

АМИР ТЕМУРГА ОВРУПО ТАЪЗИМИ



СУРАТ ТАГИГА ЁЗУВ

Ҳамкасблари ва сафдошлари уни ардоқлаб, кўпни кўрган адиб, дейдилар. Бу билан унинг табиий донишмандлиги ва тажрибакорлиги, теран мулоҳазалар юритишга, вазмин, босиқ, ҳалол фикрлашга мойиллигини назарда тутадилар. У доим хаёлга ғарқ ҳолда юради. Муттасил ишлаётган фикр кўзларида ҳам акс этиб туради. Кимдир адибнинг миясини жуда топиб «корхона» деб атаган. Асарни ўйлаш, бунёдга келтириш, уни халқ ҳаётн,инсон тақдирларининг ойнасига айлантириш осон кечмайди. Бу жараён айниқса Одил Ёқуб каби рўмончи носирларнинг миясини ижодий корхонага айлантириб юборади. Халқ меҳрини қозониш осон бўлмаганидек, қозонгач, уни сақлаб туриш ҳам тинимсиз машаққатли меҳнатни талаб қилади.

Ўзбекистонга, дунёнинг жуда кўп мамлакатларига ўз рўмонлари билан танилган адибимиз ҳозир янги асар — кечган умр хотиралари устида тер тўқмоқда. Бу кечган умрдан гўзал ва фожиали бир ҳикоянн кунн кеча «Ёшлик»да ўқиб, адиб ҳаяжонларига шерик бўлдик. Бу шодиёр меҳнатда адибимизга ҳамиша муваффақиятлар тилаймиз.

Азизим Мирзакарим!

«Мунаввара эртаклари»нинг давомини ўқидим. Бор бўлинг! Топибсиз! Катта қониқиш олдим. Асарингизнинг ҳар сатридан ёзувчилик нигоҳи мана мен деб балқиб турибди. Ниятингизга етибсиз!

Эсингизда бўлса, бир йил аввал мен шу асарнинг биринчи қисмини «Шарқ юлдузи»га босмага тайёрлаган вақтимда унинг давоми ҳақида анчагина гаплашган эдик. Асарнинг «юзи»ни замонга сал буриш, эртак баҳона халқимиз ўтган яқин етмиш йил ичида кечирган «ғаройиб ҳаёт» ҳақида келажак авлодларга бир нарса қолдириш ҳақида сўзлашган эдик. Рости, кечаги ҳаётимиз каллада тинибтинмай, асарга айланибайланмай қоғозга тушиб қолмасайди, деган ҳадик ҳам йўқ эмасди. Минг қатла шукрким, асар юрагингизда пишиб-етилиб улгурган экан. У антиқа замонавий эртаклар тариқасида қоғозга қуйилиб тушибди. Болаларимиз симириб ўқийдиган бир асар дунёга келибди.

Аввало асарнинг биринчи қисмида топилган ўша шакл, ўша руҳ, ўша жонли образлар тизими сақланиб қолибди, мантиқан ривож топибди, бош қаҳрамон Нўхотполвоннинг дунёқараши, феъл-атвори, фикрлаши ўсиб шаклланибгина қолмай, у эртакдан-эртакка бўй кўрсатиб, жозиба топиб борибдики, бу сизнинг ютуғингиздир. Мен асардаги эртак ичида эртак айтиш шакли сизни қийнаб қўймасмикан, Тешавой чолга асарга ҳамоҳанг тушадиган эртак топиб бера олмай қолмасмикансиз, деб чўчиган эдим. Йўқ, бунинг ҳам уддасидан чиқибсиз. Айниқса, Тешавой чолнинг эртаклари «қизим, сенга айтаман — келиним, сен эшит» қабилидаги мажозий эртаклар бўлибди. «Сирполвон» ҳам, «жулдур кийимли полвон» ҳам, «Ҳайит энанинг кўз ёшлари ҳам» — барчаси одамга қаттиқ таъсир қилади. Ўйлатади. Яқин ўтмишимизни кўз олдимизда

яққол гавдалантиради. Колхоз дея, давлат дея, план ўлгур дея, совет турмуш тарзи дея бир рўшнолик кўрмай, косаси оқармай ўтган ота-оналаримизнинг бесамар умрларини эслаб, кўзларимиз намланади, Ҳар қайсимиз ўз ушалмаган орзу-умидларимизни, армонларимизни ўйлаб кетамиз. Шундай қилиб, эртаклар ўз вазифасини ўтаган, сиз топиб эртак айтиб, нишонга урғансиз, ниятга эришгансиз. Асар болаларга ёзилган бўлса-да, катталарни ҳам ларзага соладиган бўлиб чиққан.

Негаки, Нўхатполвоннинг ҳаракатларида, характерида, гап-сўзларида нотабиийлик йўқ, мантиқсизлик йўқ. Одамни ўзининг борлиғига ишонтиради. Бу ўта зукко ва ажабтовур фазилатли қақажон болакай ўзида жуда катта ҳаётий потенциални жамлаганки, бенхтиёр ёқтириб қоласиз. Асарнинг халқчиллигини таъминлаб турган образлардан биттаси ҳам шудир. Унинг боғчадаги, мактабдаги ва ниҳоят, институтдаги ҳаёти мисолида «тўқилган» эртаклар ҳам жуда халқчилдир. Биз кеча ўзимиз бошимиздан кечирган ҳаётнинг ўзгинасидир. Энди уни эртакда ўқиб, ҳам кўламиз, ҳам йиғлаймиз.

Рости, Мирзакарим, яхши образ топгансиз. Асарингизга ҳавасим келди. Ёзганга яраша шунақа ёзинг.

Асарнинг тили ҳам менга ёқди. Мен унинг биринчи қисмини Равшан Файз таҳририда кўриб, муҳаррир қаттиқ тер тўкибди-да, деган хаёлларга борган эдим. Иккинчи қисми ҳам чакки ёзилмабди. Ўша руҳ, ўша жозиба, оҳанг, халқчиллик сақланган. Билмай юрган эканмиз, сиз яхшигина болалар ёзувчиси экансиз. Бу китобингиз шунинг далилидир. У узоқ йиллар титилиб-ситилиб, қўлдан тушмай ўқилишига, қайта-қайта нашр этилишига аминман. Ҳозир санаб ўтирмайман, лекин асарда бола тилидан топиб айтилган ва ўрнига тушган ўхшатишлар жуда кўп.

Албатта, катта асарда камчилик бўлмай иложи йўқ. «Мунаввара эртаклари» ҳам бундан холи эмас. Айниқса, Тешабой чол номидан «Сахийжон, учқур от ва увоқ нон» шеърий эртагини асарга қўшиб чакки қилибсиз. Тешабой чолдай содда, тўпори, оми одамни кутилмаганда бахшига айлантириб қўйибсиз. Тешабой чол бирдан «илҳоми келиб кетиб», каттагина шеърий эртакни ёд айта кетади...

Албатта, учрашганда қулоққа айтадиган бошқа гаплар ҳам бор. Лекин мен ҳозир Сизни яхши асар билан чин дилдан қутламоқчиман.

Асар тоза, беғубор нигоҳ билан ёзилибди. Ундан мунаввар ҳислар туяди одам. Яшанг, дўстим! Рўмон муборак бўлсин деб,

Мурод МАНСУР

МУНАВВАР НИГОҲ

Китобхонлар ўқиндари

ЕЗУВЧИ МИРЗАКАРИМ ПИРМАТОВГА МАКТУБ

Уткир РАҲМАТ

ҚИШЛОҚДА

Қайтади қирлардан ўтлаган пода,
Тор кўча тор келар сигир-улоққа.
Туёқлар зарбидан уйғонган чанглар,
Эриниб ёйилар бутун қишлоққа.
Кун бўйи офтобда қорайган қўллар,
Сигирнинг елини силайди бир пас,
Бу тафту меҳрдан ийиганидан,
Челакка қуйилар оппоқ-оппоқ сас.
Қийқириб қувлашар бир этак бола,
Ҳовлида ҳукмрон улар кулгуси.
Тириклик ташвишин унутиб шу дам,
Отанинг қалбига қувонч тўлғуси.
Супага сув сепар бўйсара қизи,
Сусаяр иссиқнинг ҳоври босилиб.
Ўғринча тикилиб қарар бир жуфт кўз,
Қўшни боғ тарафдан шохга осилиб.
Учоқда ўт ёниб, қайнайди қозон,
Қушларнинг чуғури секин тинади.
Осмонда юлдузлар юзларин очиб,
Қишлоққа сеҳрли оқшом қўнади.
Бир-бирин суяган лойсувоқ уйлар,
Осмонга тикилар;
Чиқиб келар ой!
Хушбўй ифорларни анқитиб бироз
Ногаҳон шивирлар: — Сизмидингиз, вой...
Ел эсар, ўрилган ўтлар нафаси,
Ифорга қўшилиб боши айланар
Тилларанг шаршара — ёғдуси ойнинг
Қўмилиб бағрида борлиқ жойланар.
Дарахтда бир шивир, сувда бир оҳанг,
Сеҳрли оқшомнинг ойдин палласи.
Қайси бир ҳовлидан уйқу аралаш,
Жаранглай бошлайди она алласи!

ЁМҒИР

Ёмғир ёғар шивалаб тинсиз,
Осмон туби гўё тешилган.
Гўё само ер ўртасида,
Томчилардан арқон эшилган.
Яшил тўнин соябон этиб,
Дов-дарахлар чаяр юзини.
Япроқларнинг оғушида маст,
Эплай олмас томчи ўзини!
Қучоғидан сирғаниб секин,
Борлиғини ерга ташлади.
Томчиларга майса қўл чўзиб,
Елкасига ола бошлади.
Шода-шода бу маржонлардан,
Майсаларнинг этаги тўлди.
Минг бир рангда товланиб бирдан,
Ҳовучида қуёш ҳам кулди.

РАСАДХОНА

Бу масканда армонлар ухлар,
Бошин эгиб йиғлар гуноҳлар.
Қўлин чўзиб нажот сўрашар,
Дарахтларга айланган оҳлар.
Имон ёқа тутган, ҳамон лол,
Қон йиғлайди аллаким гоҳи.
Юлдузлардан фаришта мисол,
Тушиб келса унинг нигоҳи.
Тошмеҳрли тошлар мум тишлар,
Азобланар виждонлар ёниб.
Виждонсизлар кўксини муштлар,
Гуноҳларин тан олмай, тониб.
Салтанатнинг меҳробида жим,
Нишин қайраб ухлар чаёнлар.
Ғийбат тўнин кийиб олган ким,
Нонкўрлари қайси аёнлар?
Ўз юртини парчалаб, тилиб,
Айш сурганда очофат кўзлар. —
Юксакларга у сажда қилиб,
Хаёлида эди юлдузлар...
Имон ёқа туган, ҳамон лол,
Қон йиғлайди аллаким гоҳи.
Юлдузлардан фаришта мисол,
Тушиб келар унинг нигоҳи!

Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА

СОҒИНЧ ҲАҚИДА ШЕЪРЛАР

I

Бўлибдики, дунё пайдо,
Тирик жонга ёзмиш ғавғо,
Бошимизда бир хил савдо,
Боролмайман, келолмайсиз.

Юрагимда кезар соғинч,
Юрагимни эзар соғинч,
Мактубларни безар соғинч,
Боролмайман, келолмайсиз.

Ғариб кўнглим, ярим кўнглим,
Билолмайман тушми, ўнгим,
Биз каби бўлмасин ҳеч ким,
Боролмайман, келолмайсиз.

Чекимизда бор экан-да,
Кенг дунёлар тор экан-да.
Иккимиз икки томонда,
Боролмайман, келолмайсиз.

Савобдан юз бурганмидик,
Йиқилгандан кулганмидик,
Нима гуноҳ қилган эдик,
Боролмайман, келолмайсиз.

Сарғаярмиз остонага,
Яқинларга, бегонага,
Ўтлар тушсин пешонага,
Боролмайман, келолмайсиз.

Овунарман, йиғлаб-йиғлаб,
Бардошимга бўйлар улаб,
Тоқатимга тоқат улаб.
Боролмайман, келолмайсиз.

II

Қаноти бор хаёлларимнинг,
Қайдан-қайга кетаверади.
Ўжардан-да, ўжар туйғулар
Мени ҳалак этаверади.

Умр учиб бораётган ўқ,
Қайтаролмас илтижо, на дўқ.
Бормоқ, келмоқ имконимиз йўқ,
Ою, йиллар ўтаверади.

Оҳларимдир оппоқ тутунлар,
Эртакларда бағри бутунлар.
Еб тўймаган ялмоғиз кунлар
Умрларни ютаверади.

Таҳликага солиб жонларни,
Бемор айлаб соғ имконларни.
Ойнинг ўн беш зимистонлари
Тирикликни бутайверади.

Соғинч бағрим ёрадир букун,
Бир бағрим минг порадир бу кун.
Хаёл учқур чорадир букун,
Сиз томонга элтаверади.

Яхши ният — ярим молдир, деб,
Интилганга толе ёрдир, деб
Гулчеҳра зор кутаверади.

ЖАҲОНГИР

Манглайи қаро бўлсин Сизни қонхўр деганнинг,
Башоратидан тўйдим, басирларнинг, кўрларнинг,
Ҳунарлари устига чиқиб тепмоқ ўлганнинг,
Манглайи қаро бўлсин Сизни қонхўр деганнинг.

Буюкларнинг азалдан ғанимлари кўпмикан,
Қилмишлари юракни мўлжаллаган ўқмикан.
Ор-номус талашгувчи оға-иним йўқмикан.
Манглайи қаро бўлсин Сизни қонхўр деганнинг.

Чархи кажрафторида замонлар кўп эврилди,
Сиз қурган салтанатнинг кули кўкка соврилди.
Сулаймоннинг ўлими девларга байрам бўлди,
Манглайи қаро бўлсин Сизни қонхўр деганнинг.

Сизни босқинчи деди, ўзим кимман демади,
Қамчисидан қон томиб, қиличини сермади,
Ўғирлик орқасидан йиртиғини ямади,
Манглайи қаро бўлсин Сизни қонхўр деганнинг.

Ягона салтанатда ягона шер эдингиз,
Оллоҳ назари тушган енгилмас эр эдингиз,
Юксак осмон остида муқаддас ер эдингиз.
Манглайи қаро бўлсин Сизни қонхўр деганнинг.

Томирингиздан қонмас, оққандир илоҳий сир,
Ҳар кўнглида қайтадан тикланар Гўри Амир.
Арслоннинг ўлиги ҳам арслон эрур, барибир,
Манглайи қаро бўлсин Сизни қонхўр деганнинг.

Саждалар айлагайман: Сизга, жаннатмаконим,
Гўрингиз нурга тўлсин, эй, давлати арконим,
У дунёю бу дунё қўллагувчи имоним,
Манглайи қаро бўлсин Сизни қонхўр деганнинг.

Жамол СИРОЖИДДИН

КЎЗИ ОЧИЛМАГАН УЛУС КЎРГИЛИГИ

...Алқисса, Фаридуддин Аттор ҳазратлари зобит мўғул қўлида асир бўлдилар. «Мени ўлдирма, бу мусулмон дунёсида беҳад машҳур одамман. Катта бойлик эвазига мени сотишинг мумкин», — дедилар. Ниятлари дунё кезиб зобитлар кирдикорларини кўриш ва ўз баҳоларини билиш эди. Тамагир мўғул кексайиб мункиллаб қолган ҳазратнинг бўйинларига каманд ташлаб шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ ўзи билан олиб юрди.

Отхона бўлибди манави мачит
Ярими нурабди мезанани ҳам.
Қузғунга ем бўпти бу шўрлик майит
Кўзи очилмаган улусга бу кам!

Ариғ — поклик деган сўз ахир, дариғ!
Ахлат оқар бўпти бу мурдор ариғ!
Шул сабаб эл аро ярақон — сариғ,
Кўзи очилмаган улусга бу кам!

Уйноши мўғулдир бу муслимани,
Наҳс яра комида вужуди-тани.
Жони азиз бўлса ордан ҳаммани
Кўзи очилмаган улусга бу кам!

Эркаги ҳез бўлмиш, аёл — беибо!
Ёшлари зобитга бўлибди сипоҳ.
Гўдаги ўрганса мўғулча имло
Кўзи очилмаган улусга бу кам!

Сал амал теккани отасин отар,
Амал деб онасин, синглисин сотар!
Қашшоқи бойига тиш қайраб ётар
Кўзи очилмаган улусга бу кам!

Даштида қолмабди оҳую сайғоқ,
Шаҳидлар қонидан дўнг, адир тойғоқ.
Дўст дўсти ҳақида ташиса айғоқ
Кўзи очилмаган улусга бу кам!

Бу қандай разолат эгам, назар қил!
Бирор амал берса шояд деб мўғул
Жанозасиз кўмса отани ўғил
Кўзи очилмаган улусга бу кам!

Олими бобосин битигин бузар,
Мўғулга хушомад башорат тузар!
«Фалонча маним!» — деб бир-бирин сузар!
Кўзи очилмаган улусга бу кам!

Дарёю уммони ўрнида сароб,
Шаҳарлар вайрона, қишлоқлар хароб!
Қибласи кўкнорзор!
Дини — банг, шароб!
Кўзи очилмаган улусга бу кам!

ЙИҒЛАЮР

Ютти ҳут, келди ҳамалким, еру осмон йиғлаюр,
Чўққиға бошин қўюбон абри найсон йиғлаюр.

Йиғламаклик ибтидодур кўҳна бу дунё аро
Гўдаку, куртак танида бохабар жон йиғлаюр.

Кеч кузак «май ичмағум!» — деб товба қилғон эрди ток,
Навбаҳор қилғон ишиға ул пушаймон йиғлаюр.

«Қолди чордоқ остида, кўрмас баҳорин энди», деб,
Кўҳна девор узра қизғалдоқ парафшон йиғлаюр.

Кўрдиму гул оразини мўралаб деворидин
Букри тол Мажнун ўлуб, сочи паришон йиғлаюр.

Эй дилимни чашмаси — чашмим кўзунгни қаҳр кўмиб
Чиқмағай ёшинг валекин, дардли дил қон йиғлаюр.

Бўлса мушфиқ елкаким бош қўйсангу қон йиғласанг,
Лек тополмасдан шафиқ кофир-мусулмон йиғлаюр.

Даҳр элидин бир фано топмай Хумий ютти ғариб,
Ушбу дев-жинлар аро келса Сулаймон йиғлаюр.

ТАВФИҚ

Қотил Қобилу ҳам Иқлимоға
Бўзлаб боққан ул Одам атоға
Бўлғанму нозил, қолган фаноға
Бир фард бордур ўхшар дуоға:
Олдим балони, солдим балоға,
Чиқди балоси, қолдим балоға.

Куфрони неъмат ўғлини тўфон
Ғарқ айлагунча ул Нўҳи гирён;
Юсуфсиз қайтгач қолган ўн ўғлон
Балки айтгандур Яъқуби Қанъон:
Олдим балони, солдим балоға,
Чиқди балоси, қолдим балоға.

Балки у Доро қилғандир фарёд
Мулкин Скандар этганда барбод;
Мавлави Румий Шамсини ҳайҳот
Лошин қудуқдин тортиб солур дод:
Олдим балони, солдим балоға,
Чиқди балоси, қолдим балоға.

Мирзо Мироншоҳ Ироқ чўлинда,
Мирзо Улуғбек Насаф йўлинда,
Шоҳжаҳони ҳинд кишан қўлинда —
Бўлганда кечмиш шу байт дилинда:
Олдим балони, солдим балоға,
Чиқди балоси, қолдим балоға.

Ҳар кимса ёлғиз Хизр ҳамройи,
Зебуннисою Машраб, Садои...
Ушбу сулукни пири Навоий.
Ҳурдир, бу байтни айтмас Исойи:
Олдим балони, солдим балоға,
Чиқди балоси, қолдим балоға.

Бир неча бўлди зобит куёви,
Бўлди таваллуд ўзидин ёви.
На тилу, на дин, эмиш «дунёви»
Маст бўлса доим шудир йиғлови:
Олдим балони, солдим балоға,
Чиқди балоси, қолдим балоға.

Ҳолингда Хумий ул бору, қиз бор.
Қолингда Хумий билмам на из бор?
Ўзунг тавфиқ бер, ё парвардигор
Улғайтиб бир кун дедирма зинҳор;
Олдим балони, солдим балоға,
Чиқди балоси, қолдим балоға.

ДАЪВАТ

...Аз Ҳинду, Самарқанду, Ироқу, Ҳамадон хез!
Аз хоби гарон, хоби гарон, хоби гарон хез!
Аз хоби гарон хез!..

Муҳаммад ИҚБОЛ

Золим замон ўтиб, мазлумға дўнар,
Бўлур озод Ватан маҳрам работим!
Тобакай тўнқага Ҳумо қуш қўнар?!
Озод бўл, обод бўл, эй, хароботим!
Қовун, тарвуз егач ҳар гал этдинг ёд:
«Манзил-обод», — дединг, — ҳам «Ширин — озод!»
Ҳар биринг мунчалар Ширинсан эй, дод!
Озод бўл, обод бўл, эй, хароботим!

Азалдан зобитлар йўриғи аён:
Сенинг камолингдан кўрадир зиён!
Алар илондирлар, алардир — чаён!
Озод бол, обод бўл, эй хароботим!
Ғаним ғолиб ичди, сен аламзада,
Ичдинг тўйхонада, ичдинг азада.
Ўзди абгор этдинг, бўлдинг майзада
Озод бўл, обод бўл, эй, хароботим!
Чеккан риёзатинг ҳаққа етгулик,
Ортиқ жафо андин ўтиб кетгулик.
Фақат шу дард қолди очиқ битгулик:
Озод бўл!
Озод бўл!
Эй, хароботим!!

Ашурали ЖЎРАЕВ

ҒУССА

АРМОНЛИ КУНЛАРДАН ҲИКОЯ

БЕШ ОЙДИРКИ, РОҲИЛА КАЛЛАЮ САҲАРЛАБ ТУРАДИ. Аввал кўрган узуқ-юлуқ тушини эсламоқчи бўлади. Лекин эслолмайди. Сўнг тўзғиган, оқ толалари кун сайин кўпайиб бораётган сочларини тузатади. Кейин ёнғинасида пишиллаб ухлаб ётган, юзлари кир-чир болаларига термуладию юраги эзилиб кетади. Чуқур хўрсиниб, эрталабки нонуштага нима тайёрлаши кераклигини ўйлай бошлайди. Кеча эрталаб охирги қандни бўлашиб берган эди. Бугун-чи?.. Йиртиқ дастурхонга нима қўяди?..

Беш ойдирки, Роҳила мусаффо тонглар билан хайрлашган. Эҳ, олдинлари-чи... У ёшлигидан тонгларни севарди. Соф ва мусаффо ҳаво томир-томирларигача кезиб юрганини ҳис қиларди, вужуди яйрарди. Шундай дилбар тонгларни яратган табиат мўъжизасидан ҳайратланар, уни меҳр ва муҳаббат билан синчиклаб кузатарди. Айниқса, сутга чайилгандек ошоқ тонгларни дил-дилидан яхши кўришини таърифлаб бўлмасди...

Энди-чи? На завқ олади, на таъсирланади. На кулишини ва на йиғлашини билади. Ўша касофат иш бўлдию ҳамма нарсадан юраги безиб, тонглардан ҳайратланмай қўйди. Кўзига ҳамма нарса совуқ ва ёқимсиз кўринади...

●

УНИНГ ҲАР ТОНГ БИРИНЧИ ҚИЛАДИГАН ИШИ — ҳавозага қистирилган чўлтоқ супургини олади. Шўр босган супани, дарвозахонани, йўлакларни чиннидай қилиб тозалайди. Бу иши унга болалигидан одат: Эсида: раҳматли бувиси Жанғил кампир, ҳар тонг ўрнидан турғазиб қўлига супурги берарди ва: «Ёшлигидан ўргансин, бошига тушса қийналиб юрмайди», — дерди. Ёшлигидан ўрганган одатини тарк этгани йўқ. Ўзбекнинг эшиги доимо очиқ, биттанинг келиши, биттанинг кетиши бор. Нима бўлганда ҳам ҳаммаёқ топ-тоза тургани яхши-да. Эри Боймурод ҳам тозаликни яхши кўрарди. У ҳам гўзал тонгларни севарди. Энди эса...

Сўнгра у дастаси қийшиқ эски челакни олиб, бир нимадан умидвор бўлиб айвонга боради. Сигир ҳам гўё «сени кутиб турувдим-а» дегандай эринибгина қарайди. Айвоннинг четида ётган бузоқ жонивор хўмраяди. Кеча оқшом болалари Туркманариқнинг бўйидан териб келган ўтдан бир сиқим сигирга ташлайди ва уни соға бошлайди. Челакнинг остидаги билинар-билинмас сувга узун ва ориқ бармоқларини намлаб олиб, чандр эмчакларни умид билан тез-тез чўза бошлайди... Хайрият, берган сутига бир обгардон сув қўшса, ширчой бўлади. Болаларига тангадай-тангадай ёғ солиб берса ҳарқалай тўқ сақлайди. Бунинг устига кеча кенжасининг мазаси қочиб, врачга борган эди: «Янга, иложи борича сут билан қатиқ ичиринг» деб қолди. Бу ўлгурнинг у кундан бу кунга берадиган сути нимага ҳам етарди. Эрталаб болаларни авраса бўлгани. Энди кимга ҳам сут деб боради. Тунов куни ён қўшниси Арофатларникига қизчаси Тўлғанойни юборса, «Ўзимизга етмайди-ю», деб тўнғиллаганмиш. Рост-да, уларга ҳам қийин. Бир ҳовлида ўн уч жон бир сигирдан умидвор. Ҳозир ҳеч ким ўзидан ортмайди. Бу ёқда хўжалик раҳбарлари оила бошига бир тоннадан шўра ва янтоқ чопиб бериш керак, деб оёқ тираб олган.

Уйдаги моллар эса оч...

У турар экан, катта-катта кўзларини унга қадаган сигирга аламзадалик билан қаради. Сўнгра сал юмшаб, ўйлай бошлади: «Ҳозир шунақа кунларга қолдик, жонивор. Мана, сен ҳам ҳадемай қуритасан. Кейин ҳолимиз не кечади? Мен билан сен борга ҳам, йўққа ҳам чидаймиз. Болаларимиз-чи?.. Ана шуларга қийин. Улар тушунармиди буни. Айб уларда ҳам эмас. Ҳаммамиз ҳам болаликда шунақа бўламиз...

Мана, олти ойдан бери хўжайинимиз йўқ. Уни ноҳақ қамашди. Тепада худо бор, унинг заррача ҳам айби йўқ эди. Бир оғиз гапга қамашди-қўйди. Энди ҳаммамизга оғир бўлди. Ахир, ҳовлида бир эркакнинг бўлгани яхши-да.

Ҳозирги кунда бошингга оғир кун тушмасин. Оғайнингни ҳам, дўстингни ҳам каттакичиги сендан юз ўгирар экан. Ўшандан бўён бу уйда одам борми-йўқми, деб ҳеч ким сўраб келмади. Ана шундай пайтда билинади-да, одамзотнинг қадри. Пичоқ ур — қон чиқмайди. У бечора ҳеч кимга ёмонлик қилган банда эмас. Энди бир оғиз гап қайтарганига номардлар шу кўйга солишдида уни. Номи ёмонотлиқ бўлди. Лекин худойим ҳаммасини кўриб турибди. Ёмонларнинг албатта жазосини беради.

Сен жониворда ҳам нима айб. Емишингни ўз вақтида беролмасак, етаклаб боқишга ҳам ҳозир жой йўқ. Кўп хўрсинаверма, жонивор, ҳаммамиз ҳам мусофирмиз. Бирон кун қорнинг тўядиган вақт келар, ўшанда челак-челак сут берарсан. Ишқилиб, хўжайин тезроқ қайтсин-да. Болалар ҳам у кишини жуда соғинган...»

Бузоқча чўзиб маъради. Сигир боласига ўгирилди. У эса бир тутам ўт олиб бузоқчага берди. Сўнг Роҳила қўлидаги челакни айвонча четидаги илгакли симга илдириб, «Товуқлар қурғур тухум қўйгандир», деган хаёлда товуқхона томон юрди.

— Э, қақилламай қадонинг тешилгурларей!

Унинг овоз чиқариб қойинишлари бекор кетди. Бешта товуқдан зўрга биттаси туғибди. Ҳафсаласи пир бўлди. «Бекорга қақиллашади, — товуқхона четидаги кундага ўтириб, ўйлай бошлади у. — Қуруққа томоқ қоқишади. Шу товуқлар ҳам одамни алдайди-я. Уч кундан буён битта тухумга шунча қақа-қақ. Тавба, булар ҳам худонинг бир махлуқи-да. Шу ўлгурларда ҳам нафс бор. Ризқини териб ейди. Қани, энди одамзот шундай бўлса. Йўқ! Унда «сен ёмонсан, сен бошлиқни сўкдинг», деб кимни қамашади? Ўшанда ким буйруқ қилади-ю, ким бажаради? Шундай яратганига ҳам шукур, бўлмаса, бир-бирининг кўзларини чўқиб оларди, бу одамлар... Энди шу кунларда муштдай-муштдай тухумларингни тўтиё қилманглар. Кўриб турибсизлар, хўжайинимиз кетгандан буён аҳволимиз оғирлашиб қолди. Айниқса, болаларга қийин. Сизлар бола туғиб кўрмагансизлар-да, билмайсизлар, қақажонлар. Тунов куни Марзияга муаллими «агар форма олмасанг, дарсга келма», дебди. Пул йўқ, қаердан оламиз. Бечора беш кундан бери йиғлайди, мактабга бормайди. Ахир, битта менинг кетмон чопганим нимага ҳам етарди?!

Энди сизлардан бир нарса олиш учун бир нарса бериш керак. Доннинг ҳам қолганини эндик. Нима қиламиз? Хўжайинимиз қайтгунча тақдирга тан бериб яшайверамиз-да...

Ўзларинг ҳам биласизлар-ку, ўша куни ҳовлида донлаб юрган эдиларинг. Ер ўлчовчилар келиб қолди. Ҳалиги дароз ҳисобчи таноб чўпини у ёқдан бу ёққа ташлаб чиқди. Икки таноб ер зиёд экан. Улар бир-бирларига «нима қиламиз?» деб қараб туришганди, совхўзнинг парткоми келиб қолди. Ҳисобчи бола бидирлаб ҳаммасини унга тушунтирди. Партком ҳовлининг ичини ўзича чамалаб, кейин юқорида экилган буғдойзорга ишора қилиб: «Хўв, ўша ерни бузинглар, ўрнига пахта экасизлар», — деди. «Ака, бешта болам бор. Уларнинг ризқини қирқманг. Келгуси йил экмаймиз, давлатга берамиз», — деди Боймурод гапга аралашиб. «Шунча ортиқча ерни эгаллаб олибсиз, яна гапингизни қаранг, Ўроқ солинглар», — деб буйруқ берди партком ер ўлчовчиларга.

ТОНГГИ МУТОЛАА.

Шунда Боймурод ҳовлида ўйнаб юрган болаларини буғдойзорнинг четига қатор қилди. «Буғдойнинг эгаси шулар!», — деб туриб олди. Болалар эса изиллаб йиғлашарди. Менинг ҳам юракларим қон бўлди.

— Ҳали шунақа қилиб енгмоқчимисан ё қўрқитмоқчимисан, аҳмоқ! — бақирди партком.

Боймурод ҳам тўлиб турган эканми:

— Ўзинг аҳмоқсан! Сизлар ҳам биласизлар кимни сиқишни, — деди жаҳл билан.

Бўлган гап шу. Шу ерда акт тузишди. Кечқурун мелиса келиб олиб кетди. Карманада ўн беш кун ётди. Сўнг Каттақўрғон турмасига олиб кетишди. Бориб кўролмадик ҳам бечорани. Майли, ярми қолди. Начора, кутамиз. Ёмонларнинг жазосини худо берар... Кўп ҳам туғмасдан юрманглар, ҳеч бўлмаса кун ора туғиб турингглар. Бир шамолланглар...»

У товуқхонани очиб, товуқларни чиқариб юборди. Ўзини енгил ҳис қилди. Ғуссаси бироз тарқагандай бўлди...

●

РАНГЛАРИ СИНИҚИБ ҚОЛГАН РОҲИЛА болаларига ширчой қилиб ичирди. Катта қизи Марзияга укаларини қолдириб, ишга жўнаш тараддудига тушди.

— Она, қачон форма олиб берасиз, бугун ҳам мактабдан қоламанми? — деб йиғлади қизи.

— Йиғлама, келаётган бозорда товуқлардан сотамиз. Ўша пулдан олиб бераман. Укаларингдан эҳтиёт бўл. Ҳовлининг у ер-бу ерларидан ўт юлиб сигирга беринглар. Укаларинг йиғласа, саватдаги қотган нондан ивитиб бергин.

У ишга кетатуриб: «Э, лаҳатга тиқай сенларни. Қаро ерга бориб қақилланг! Кишт-е», — дея супа юзидаги йиртиқ ковушни олиб, янги экилган экинларни титкилаётган товуқларга қараб ирғитди.

Мўйсафид мозий қатламлари не-не сирларни ўз бағрида сақлаб келмоқда. Бу сирлар ўша даврларнинг турли-туман соҳаларига, жумладан, маданият ва адабиётга ҳам тегишлидир. Ахир, улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий Самарқандга келганида унга пушту паноҳ бўлиб, мураббийлик қилган Аҳмад Ҳожибек Вафоийнинг шеърлар девони, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг Кобулда тузилиб, Самарқандга жўнатилган девони тақдири ҳамон жумбоқлигича қолмаяптимикан? Бундай жумбоқлар меъморлик обидалари соҳасида ҳам анчагина. Улар ечилишини кутаётир. Масалан, X—XII асрларда Самарқандда 17 мадраса бўлганлиги эслатилгани ҳолда, бугунги кунда уларнинг номи ҳам, нишони ҳам маълум эмас. Бу жумбоқни ҳал қилишда археологларимизнинг Афросиёбда ўтказаётган тадқиқотлари аниқлик киритар, деган умиддамиз...

САРОЙМУЛКХОНИМ— БИБИХОНИМ МАДРАСАСИ

Ботир ВАЛИХЎЖАЕВ

САМАРҚАНД ТАРИХИЙ ЕДГОРЛИКЛАРИНИНГ АЙРИМЛАРИ қурилиш услуби, зийнатлаш санъати нуқтаи назаридан ноёблиги билан жаҳоншумул аҳамиятга молик обидалар сифатида маълум ва машҳурдир.

Турли асрларда бино қилинган ёдгорликларнинг ҳаммаси ҳам бизгача етиб келган эмас, албатта. Масалан, Алишер Навоий Самарқанддалиги вақтида (1465/66—1469 йиллар) унга кўмаклашган Вафоий тахаллуси билан шеър ёзган Аҳмад Ҳожибек қурдирган мадраса, ўша даврда бино этилиб Мир Абдулали, Фирузшоҳ, Қутбиддин садр номлари билан аталган мадрасалар, Хожа Фазлуллоҳ ибн Абдулвоҳид Абулайсий томонидан қурдирилган ва Алишер Навоий икки йил истиқомат қилган хонақо, Амир Темурнинг муҳташам ва гўзал Кўксаройи, Улуғбек қурдирган Чиннихона ва бошқа кўплаб осори атиқалар шароит, табиий омиллар таъсирида ва ниҳоят, баъзан ҳаддан ортиқ бепарволик ва қаровсизлик оқибатларида «номи бор-у, ўзи йўқ» бўлиб қолган. Ана шундай ёдгорликлар қаторида халқ орасида Мадрасаи Хоним номи билан шуҳрат қозонган, ўша давр меъморлиги, наққошлик санъатининг гўзал маҳсули бўлган Сароймулкхоним ёки Бибихоним мадрасаси 500 йилдан кўпроқ вақтдан буён тарихий ва илмий асарларда тилга олинади, у ҳақда турлича фикру мулоҳазалар баён этилади: баъзилар шундай мадраса бор эди, дейишса, бошқалар унинг бўлганлигини шубҳа остига оладилар.

Шундай қилиб, номи бор, шуҳрати таралган, аммо ўзи сақланмаган Бибихоним мадрасаси ҳозиргача мутахассисларнинг ҳам, Шарқ тарихи ва унинг ёдгорликлари билан қизиқувчиларнинг ҳам диққатини тортиб келмоқда.

XV асрда ва кейинги даврларда яратилган тарихий ҳамда эсдалик асарлар кўздан кечирилганда, Бибихоним мадрасаси — Мадрасаи Хонимнинг эслатилиши жиҳатидан қизиқ ҳолатларга дуч келиш мумкин. Жумладан, Ғиёсиддин Алининг XV асрнинг бошида яратилган «Рўзномаи ғазовати Ҳиндистон» («Амир Темурнинг Ҳиндистон сафари кундалиги»), Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома» асарларида Амир Темур қурдирган Жомеъ масжиди тилга олиниб, унинг тасвири берилади-ю, аммо Бибихоним мадрасаси эслатилмайди. XV асрнинг 20—40-йиллари орасида юқорида эслатилган асарлардан фойдаланиб ёзилган Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» ва мавлоно Фасеҳ Ҳавофийнинг «Мужмали Фасеҳий» асарларида эса Жомеъ масжиди билан бирга Сароймулкхоним мадрасаси — Мадрасаи Хоним тилга олинади ва унинг билан боғлиқ бўлган айрим маълумотлар келтирилади. Бундай маълумот 1403—1406-йиллар орасида Самарқандда бўлган испан элчиси Рюи Гонзалес де Клавихонинг машҳур кундаликларида ҳам бор.

XV асрнинг охирларида таниқли тарихчи Мирхонд томонидан ёзилган «Равзат ус-сафо»да ҳам бу мадраса тилга олинган. Лекин XVI асрнинг бошларида Заҳириддин Муҳаммад Бобур томонидан ёзилган «Бобурнома»да Амир Темур ва Мирзо Улуғбекнинг «имороти ва боғоти Самарқанд маҳаллотида кўптур» дейилиб, жумладан Амир Темурнинг Жомеъ масжиди эслансa-да, Сароймулкхоним мадрасаси — Мадрасаи Хоним негадир тилга олинмайди. Аммо XVII асрнинг аввалида яратилган манбаларнинг айримларида Мадрасаи Хоним — Сароймулкхоним мадрасаси сифатида яна тилга олинади. Шу тарзда, агар тарихий ва эсдалик сифатидаги манбалар Мадрасаи Хоним ҳақида маълумот берилиши ёки берилмаганлиги нуқтаи назаридан гуруҳлаштирилса, унда уларнинг айримларида бу мадрасанинг эслатилмаганлиги, баъзиларида эса тилга олингани кўзга ташланади. Сароймулкхоним мадрасаси — Мадрасаи Хоним эслатилган манбаларнинг маълумоти анча асосли ва ишонарли бўлганидан шундай хулосага келиш мумкинки, Мадрасаи Хоним мавжуд бўлган ва унинг қурилиши Сароймулкхоним номи билан боғланган. Шунинг учун Сароймулкхоним мадрасаси сифатида қайд этилган.

Сароймулкхоним (1341—1407) Қозонхоннинг қизи бўлиб, аввал Амир Ҳусайнга турмушга чиққан. Амир Ҳусайн Балхда ўлдирилгач, 1370 йили Амир Темур уни ўз никоҳига киритиш билан **кўрагон** (бу сўз мўғулча бўлиб, қуёв маъносини англатади) лақабига ҳам эга бўлган. Сароймулкхонимнинг Амир Темурдан фарзанди бўлмаган кўринади, шундай эса-да, у Амир Темурнинг кўпгина фарзанд ва набираларини, жумладан Халил султон, Улуғбек мирзони тарбиялаб воягa етказган. Амир Темур вафотидан (1405 йил) сўнг эса, 1407 йили ўзи тарбиялаган Халил султон ва унинг хотини Шодимулк хоҳиши билан заҳарлаб ўлдирилгани ҳикоя қилинади. Бу таажжублантирадиган ва қайратланишга боис бўладиган бир тарих. Чунки ўз вақтида Сароймулкхоним Шодимулкни ўлим чангалидан қутқаришда қанчалик жонбозлик кўрсатган бўлса, эндиликда Шодимулк ўз халоскорининг ўлимини тезлаштиришга шунчалик интилган эди. Воқеанинг қисқача баёни шундай: Халил султон ўйланган бўлса-да, Шодимулк исмли қизни севиб қолади. Амир Темур буни эшитиб, Шодимулкни ўлдиришга буюради. Сароймулкхоним ўз фарзандидек бўлган Халил султоннинг Шодимулкни севишини ҳисобга олиб, қизнинг ҳаётини сақлаб қолиш йўлларини ўйлаб, ниҳоят Амир Темурга, Шодимулк Халил султондан ҳомиладор, шунинг учун қатл кечиктирилса, деб етказади. Таклиф қабул қилинади. Бу ҳам ажиб. Аммо бу орада Амир Темур вафот этиб, Халил султон Самарқанд тахтини эгаллайди ва Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича, «ўзининг онаси даражасидаги кишилар»га, жумладан Сароймулкхонимга нисбатан адолатсизликларни раво кўради. Бу ҳам ҳайратлантирадиган қилмишлардандир.

САРОЙМУЛКХОНИМНИНГ ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТЛАР оз бўлса-да, XV асрнинг бошида унинг ташаббуси билан Амир Темур қурдирган Жомеъ масжид рўбарўсида — унинг шарқий томонида бино қилинган мадраса манбаларда эслатилади.

1403—1406-йиллари Самарқандда бўлган Клавихонинг кундаликларида қайд этилганидек, 1404 йили Амир Темур сафардан қайтгач, Оҳанин дарвозасига яқин жойда қайнанаси (Сароймулкхонимнинг онаси) хотирасига бино қилинган гўзал бир иморатга келиб тушади. Клавихонинг замондоши Ибн Арабшоҳ ҳам бу бинонинг меъморлик жиҳатидан ниҳоятда ҳашаматли ва улуғворлигини тасдиқлайди. Бу иморат ўша Мадрасаи Хоним ёки Сароймулкхоним қурдирган мадраса эди, дейишади.

Сароймулкхоним мадрасасининг қурилиш вақти ҳақида икки хил фикр учрайди. Улардан биринчиси — мадраса Амир Темурнинг Жомеъ масжидидан олдин қурилган, деган фикр бўлса, иккинчиси — Жомеъ масжиди қурила бошлагандан сўнг бино этилган, деган фикрдир.

Биринчи фикрни Шарафиддин Яздийнинг «Зафарнома»сида учратиш мумкин. Асарнинг 1399 йили Самарқанддаги Жомеъ масжидининг қурилишига бағишланган бобидан қуйидагилар шундай ёзилган: «Амир Темур Ҳиндистон пайтлари кўпинча масжид яқинидаги Мадрасаи Хоним ва Туман оқо хонақоҳида бўлур эди». Бу фикрни академик В. В. Бартольд ҳам 1927 йили ёзган «Самарқанддаги археологик ишлар» мақоласида тасдиқлаб, «Сароймулкхоним мадрасаси Темурнинг Жомеъ масжидидан олин унинг хотини томонидан қурдирилган», дейди. Бу муаллифлардан бири XV аср тариси бўлса, иккинчиси ўша аср тарихини чуқур билган XX аср олими. Аммо ҳар иккала муаллиф ҳам Мадрасаи Хонимнинг Амир Темур Жомеъ масжидидан олдин қурилганига ишора қилмоқдалар. Иккинчи хилдаги фикр, яъни Мадрасаи Хонимнинг Жомеъ масжиди қурила бошлагандан сўнг бино этилгани масаласига келганда бу соҳада XV аср муаррихларидан Ибн Арабшоҳ, Клавихо ва мавлоно Фасеҳийнинг фикри диққатга сазовордир. Жумладан, Ибн Арабшоҳ номи билан машҳур бўлган Шаҳобиддин Аҳмад ибн Абдуллоҳ ал-Димишқийнинг «Тоб ул-ажойиб ул-мақдур фи ахбор Темур» номли асарида ёзилишича, мадрасани қуриш масъул бўлган муҳандис ва меъморлар «суски, уларнинг номлари ҳозирча номаълум. Жомеъ масжиди рўбарўсида — шарқий томонида қуришни бир овоздан маъқуллаганлар». Клавихо эса бу бинонинг «қўш иморат» (оран юз йил ўтгач, Шайбонийхон ва унинг авлодлари Меҳрибонхоним ҳам шу услубда мадрасалар қурдирганларки, у «қўш мадраса» тарзида ҳисобланган экан, ҳозирги кунда бу мадрасаларнинг ном-нишон қолмаган) услубида яратишни зиммасига олган, дейди. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, Мадрасаи Хонимнинг қурилиши Жомеъ масжиди қурила бошлагандан сўнг амалга ошган ва шу туфайли 1404 йили Амир Темур сафардан қайтган пайтда, Клавихонинг гуҳлик беришича, мадрасада қурилиш ишларидан этаётган экан. Мавлоно Фасеҳийнинг «Ўжмали Фасеҳий» асарида 1404—1405 йиллар воқеалари баёнида Жомеъ масжиди ва Мадрасаи Хоним ҳақида ёзилганлардан ҳам шуни англаш мумкин. Сайёҳлар учун мўлжалланган «Бибихоним» рисоласининг муаллифи Л. Ю. Манковская ҳам буни тасдиқлаган. Бинобарин, Мадрасаи Хонимнинг қурилиш вақти ҳақида икки хил мулоҳаза мавжудлиги маълум бўлди. Шундан келиб чиққан ҳолда бўса керак, «Ўзбек Совет Энциклопедияси»даги «Бибихоним мадрасаси» номли мақолада унг қурилган вақти XIV аср охири —XV аср болари деб кўя қолинган. Агар юқорида келтирилган манбаларнинг маълумотларига синчиклаб қаралса, ҳамда Бибихоним номи билан боғлиқ ривоятлар, афсоналар ҳам ҳисобга олинса (чунки бу ривоятдаги Амир Темур сафардалиги вақтида қурилган иморат ва қайтганидан сўнг меъморни жазолашга интилиш фикри билан қиқий Мадрасаи Хонимнинг қурилиши, унинг бир манбага кўра, айвонининг, иккинчи манбага кўра, даргоҳи, яъни эшиги ўрнининг, кейинги манбалардаги маълумотга кўра, пештоқининг Жомеъ масжидиникидан баланд ва кенг бўлганлиги учун муҳандис ва меъморлар эмас, балки Маҳмуд Довуд ва Муҳаммад Жалд каби саркорларнинг — иш бошиларнинг Калласи Конигилдаг Боғи Дилкушода кесилиши каби ўхшашликлар), Мадрасаи Хонимнинг ҳақиқатан Амир Темур сафардалиги (1399—1404 йиллар) вақтида яъни 1400—1404 йиллар орасида қурилганлиги далолат беради. Демак, Жомеъ масжиди Амир Темур тасдиқлаган лойиҳа асосида қурила бошлаган бўлса (1399), Мадрасаи Хонимнинг қурилиш лойиҳасини у кўрмаган, шекилли. Шу сабабли 1404 йили сафардан қайтган Амир Темур икки иморатни бир-бирига таққослаб ўзи қурдирган Жомеъ масжидидан кўра Сароймулкхоним қурдирган мадрасанинг ҳашаматлироқ экани унинг иззат-нафсига теккан ва оқибатда саркорлардан қасд олгани табиий кўринади. Хуллас, Мадрасаи Хоним — Сароймулкхоним мадрасасининг барпо этилиши Амир Темур Жомеъ масжиди қурила бошлагандан сўнг амалга ошган деган фикр ҳақиқатга яқинроқдир.

ЭНДИ МАДРАСАНИНГ ЎЗИ ҲАҚИДА БИР-ИККИ МУЛОҲАЗА:

Ж аср манбаларининг кўпчилигида ҳамда кейинги асрларда битилган асарларда Амир Темур қурдирган Жомеъ масжидининг тасвир-тасфи анча кенг берилган. У ҳақда ёзилган шъирлар ҳам келтирилган. Аммо унинг рўбарсидаги Мадрасаи Хоним баъзан фақат тилга олинади, кўп ҳолларда эса умуман эслатилмайди, унинг тасвир ва тавсифи ҳам учрамайди. Бинобарин, муаррих Ибн Арабшоҳ ва испан элчиси Клавихонинг бу соҳадаги айрим ишоралари диққатга сазовордир. Ибн Арабшоҳнинг маълумотига кўра, Мадрасаи Хоним ўзининг қурилиши, салобати билан ҳам Жомеъ масжидидан ажралиб турган. Клавихо эса бу иморатнинг маҳорат билан зийнатланганини алоҳида уқтиради. Мавлоно Фасеҳий мадраса айвонларининг баландлигига ишора қилса, Яздий ва Мирхонд мадрасага кириладиган пештоқдаги даргоҳнинг Жомеъ масжиди даргоҳидан баланд ва кенглигини бевосита эслатадилар. Ана шу ишораларга асосланиб, Мадрасаи Хонимнинг умумий кўриниши, салобат ва ҳашаматини Жомеъ масжиди билан қиёслаган ҳолда тасаввур этиш мумкин. Тасаввур этиш мумкин деганимизнинг сабаби шундаки, бу мадрасанинг қурилиш лойиҳаси ҳам, вақфномаси ҳам ва бошқа ҳужжатлари ҳам ҳозирча номаълум. Шундай бўлса-да, мавжуд маълумотлар асосида унинг тахминий лойиҳаси (план схемаси)ни давримизнинг олимларидан Ш. Е. Ратия ва Плетнев чизганлар. 1984 йилнинг март ойида Тиллакори мадрасаси ҳужраларидан бирида тарихий ёдгорликларни таъмирловчи ажойиб мутахассислар билан шу мавзуда суҳбатлашганимизда Мадрасаи Хоним тақдири уларни ҳам қизиқтираётганининг шоҳиди бўлган эдик. Бу мутахассисларнинг ҳаққоний фикрига кўра, Мадрасаи Хоним жойлашган ерда ҳар томонлама археологик қазишмалар ўтказилгандан сўнггина Мадрасаи Хонимнинг тузилиши ҳақида қатъий бир хулосага келиш мумкин. Мамнуниятдан эслатиш лозимки, шундан сўнг мадраса жойлашган ерда қазишмалар олиб борилди ва унинг излари аниқланди. Ҳозирги кунда у ерда шу изларни тиклаш ва ундаги мақбарани таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Яна Мадрасаи Хонимга қайтайлик. Маълум бўлишича, бу мадраса Амир Темур сафардалиги вақтида тезкорлик билан қурилганга ўхшайди. Унинг ҳашамати ва салобати Амир Темур диққатини ҳам ўзига тортган. Шу туфайли, тарихий манбаларда уқтирилишича, Амир Темур 1404 йили сафардан қайтгач, Самарқандга келиб, Сароймулкхоним мадрасасида қўнган. Масалан, Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома»сида бу ҳақда шундай ёзилган: «Темур Жомеъ (масжиди) қарама-қаршисидаги Сароймулкхоним мадрасасига келиб тушди». Бу фикр Мирхондннинг «Равзат ус-сафо»сида ҳам келтирилган. Клавихо эса бу воқеанинг куни, ойи ва йилини аниқ кўрсатган — 1404 йил, 29 сентябр, душанба куни. Яздий ва Мирхондннинг ёзишларича, Амир ана шу мадрасада туриб, турли давлат ишларини бажарган, чет эллик элчиларни қабул қилган. Бу масалада хусусан «Равзат ус-сафо»да қуйидаги мазмунда баён этилган маълумот қизиқарлидир:

Амир Темур Самарқанд шаҳрига қайтгач, Сароймулкхоним мадрасасида кўнди. Амирзода Пирмуҳаммадни тилаб, Зобулистонга жўнатди... Миср элчисига тўн, камар туҳфа қилиб, ўз мамлакатига қайтишга руҳсат берди. Мавлоно Абдуллоҳ Кеший ва бир неча бошқа кишиларни Миср элчисига қўшиб, улардан Миср ҳокими малик Фаррух номига зарҳал билан битилган мактубни ҳам (мактуб мавлоно Шайх Муҳаммад ибн Хожа бандкор Тирмизий котиб қўли билан эни уч газ, узунлиги етмиш газ қилиб ёзилган эди) жўнатди. **[Ҳозирги ошкоралик ва ташқи мамлакатлар билан алоқаларимизнинг яхшиланиб бориши даврида Миср давлати архивларида бу нодир санъат асарини ахтариб топиш, агар сақланиб қолган бўлса уни асл ворисларига қайтариш, ҳеч бўлмаганда нусхасини олиш устида ўйлаб кўрсак, эзгу бир иш бўларди.]** Бошқа элчиларни, жумладан Фаранг, Дашти Қипчоқ, Ҳиндистон элчиларини ҳам қабул қилиб, юртларига қайтишларига рухсат берди. Шу вақтда Тошкент, Янги ва Хитой чегарасигача бўлган шаҳарлар ҳокимлигини Мирзо Улуғбекка, Андижон, Тироз, Қашқарни эса амирзода Иброҳим султонга топширди. Сўнг Сароймулкхоним мадрасасидан отга миниб, ўзи қурдирган Кўксаройга борди. Кизиғи шундаки, бу маълумот тарихий манбаларда айнан такрорланмайди. Жумладан, Яздий ўзининг асарида Сароймулкхоним мадрасасидаги қабул маросимларини батафсил ёритмайди, балки унда Жомеъ масжиди қурилиши саркорлари Маҳмуд Довуд ва Муҳаммад Жалднинг гуноҳи текширилгани ва жазога ҳукм этилгани айтилади-ю, шундан сўнг Амир Темурнинг Сароймулкхоним мадрасасидан Боғи чинор томон йўл олгани ёзилади. Клавихонинг кундалигида Оҳанин дарвозаси яқинида жойлашган ҳашаматли бинога келиб қўнгани ва унинг ниҳоятда гўзаллиги, салобатлилиги бошқа бинолардан фарқланиши ҳақидаги фикрларидан шундай хулосага келиш мумкинки, Амир Темур испан элчиси Клавихони ҳам шу мадрасада қабул қилган ва ана шу қабул вақтида испан элчиси бу бинонинг гўзаллигидан, ҳашаматидан ҳайратда қолган кўринади. Агар шундай бўлса, унда Мирхонднинг ёзганларида ҳақиқат бордек туюлади.

ЯЗДИЙНИНГ МАЪЛУМОТИГА КЎРА, АМИР ТЕМУР Хитойга юриш қилиш олдидан ҳам Сароймулкхоним мадрасасида қўнган. Бу далилларнинг ҳаммаси Сароймулкхоним мадрасаси барпо этилиши билан ҳамманинг диққат-эътиборини тортгани, ў муҳим ишларни амалга ошириш марказларидан бирига айланиб қолганидан гувоҳлик беради.

Аммо XV аср манбаларида бу иморатнинг бевосита вазифасига кирадиган фаолияти ҳақида, яъни мадраса сифатида унинг толиби илмлари, дарс ўтган мударрислари, улар сони ва шунга ўхшаган масалалар ҳақида ҳеч қандай маълумот учрамади. Ваҳоланки, кейинги даврларда, жумладан Улуғбек даврида мадрасаларнинг фаолияти ҳақида қизиқарли маълумотлар бизгача етиб келган.

Энди Сароймулкхоним мадрасасининг кейинги даврлардаги тақдири ҳақида айрим маълумотларни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Амир Темурнинг Жомеъ масжидидан ҳам ҳашаматли, меъморлик ва санъаткорлик нуқтаи назаридан ундан устунлик қилувчи Мадрасаи Хонимнинг ўз вақтида тезкорлик билан, шошилинч тарзда бино этилиши унинг кўп ўтмай харобага айланишига олиб келмадимикан? «Бибихоним ва меъмор» афсонаси ҳам ана шу мадрасанинг қурилиши билан алоқадор тарзда яратилмадимикан? Бизнингча, боғлиқ ва алоқадор бўлса керак. Негаки, Амир Темурнинг ўзи қурдираётган ва саркорлари белгиланган Жомеъ масжидининг қурилишига Сароймулкхоним аралаша олмасди. Ўзининг ташаббуси билан бино қилинаётган мадраса қурилиши эса бошқа гап.

Сароймулкхоним мадрасасининг кейинги даврдаги тақдири ҳақида кўпчилик олимлар, жумладан Л. Ю. Манковская ҳам «Бибихоним мадрасаси XVI аср охирларида Бухоро амири Абдуллохон II нинг буйруғига биноан таг-туги билан бузиб ташланди», деган фикрни билдирадилар. Аммо машҳур олим М. Е. Массон бу масалада XVI аср тарихчиси Ҳофиз Танишнинг «Абдуллонома» асарида келтирилган фикрни маъқуллашга мойиллик кўрсатади. Ҳофиз Таниш шундай ёзган эди: «Ҳозир... ҳижрий тўққиз юз тўқсон бешинчи (яъни 1587 мелодий) йилда унинг (Самарқанднинг) маъмурлиги ниҳоятда ортди. У вилоятда буюк амир (Темур) ва унинг авлодларидан қолган ҳамда бузилиш ва вайронликка юз қўйган иморатларни (Абдуллохон II) тузатишга буйруқ берди. Жаноб Қулбобо Кўкалдош уни тузатиш ва қуришда тиришқоқлик кўрсатмоқдалар». Ҳофиз Таниш қайси иморатларнинг бузилиш ва вайронликка юз қўйганини ном-баном аниқ ёзмаган. Шунинг билан бирга уларнинг қайсилари тузатилгани ҳақида ҳам маълумотга эга эмасмиз.

Аммо ўша даврда харобаликка учраган иморатлар қаторида Сароймулкхоним мадрасаси ҳам борлигини айрим манбалар тасдиқлайди. Бу мадрасани Қулбобо Кўкалдош таъмирлашга ўтаётганлиги шаҳарнинг тарихий обидаларини тиклаш ва таъмирлаш ишида яна бир туртки бўлишини алоҳида таъкидладилар.

Шу куни тантанали маросим қатнашчилари шарафига зиёфат ҳам уюштирилди. Ўзбекистон халқ артисти Маъмура Эргашева раҳбарлик қилаётган «Баҳор» давлат халқ рақс ансамбли кеча меҳмонларига илиқ кайфият улашдилар.

Оғахон олий ҳазратлари Самарқандда бўлган чоғида шаҳарнинг меъморчилик ёдгорликларини томоша қилди. Шунингдек, жумҳуриятимиздаги қадимий шаҳарлар Бухоро ва Хевага сафар қилди.

С. РУСТАМОВ



СУРАТДА: Амир Темур Жомеъ масжидининг умумий кўриниши

С. МАҲКАМОВ олган сурат

ТАҲЛИЛОТ * АҲБОРОТ

Шундан келиб чиққан ҳолда, юқоридаги фикрга, яъни Сароймулкхоним мадрасаси XVI аср охирида Абдуллохон II нинг буйруғига биноан таг-туги билан бузиб ташланди, деган фикрга таҳрир киритиш маъқул. Шундан сўнгги даврда Сароймулкхоним мадрасаси тақдирида фожиа юз беради. XVIII аср ва ундан кейинги даврларда ёзилган китобларда бу мадраса тилга олинмайди. Жумладан, 1834 йили Абу Тоҳирхожа томонидан яратилган Самарқанд ва унинг ёдгорликларига доир «Самария» китобида Амир Темурнинг Жомеъ масжиди, Улуғбек, Тиллакори мадрасалари ва бошқа обидаларнинг номи тилга олинса-да, аммо Сароймулкхоним мадрасаси бирон жойда эслатилмаган.

Демак, бу вақтда мадраса таг-туги билан бузилган кўринади. XVII асрнинг охири ва XVIII асрнинг бошларида ёзилган «Тарихи касира»да шундай бир эътироф учрайди:

XVII асрнинг ўрталари ва иккинчи ярмида Мовароуннаҳр, жумладан Самарқандда катта фатарот (хароблик) юз берган экан. Шу жиҳатдан қараганда XVII асрнинг бошларида анча хароб бўлган Сароймулкхоним мадрасаси ана шу фатарот вақтида қулаган бўлиши мумкин. Шундан сўнг унинг тош ва ғиштлари бошқа мақсадларда ишлатилган кўринади...

БУ МАДРАСА ВА УНИНГ ҚАНДАЙЛИГИ ҲАҚИДА ЯНГИ СЎЗ археолог олимларимизнинг ғайрати билан майдонга келар ва фанимизни, тушунчаларимизни янги хулосалар, ашёвий далиллар билан бойитар, тарихчи ва филолог олимларимизнинг иштирокида янги-янги манбаларнинг кашф этилиши билан бу мадрасанинг илмий-маданий ҳаётдаги мавқеи белгиланар, деган умиддамиз. Араб мақолида айтилганидек: «Алвақту сайф ул-қотеъ» — Вақт ўткир қиличдир.

Бу масалага алоҳида эътибор қилинишининг боиси шундаки, ўша вақтларда бино этилган иморатлар кимнинг номи билан аталашидан қатъи назар, улар ижодкор меъмор, донишманд, муҳандис, моҳир наққош, хаттот, тошйўнарларнинг ажойиб меҳнати туфайли майдонга келган. Ана шу ижодкорлар уйғунлик ва мутаносиблик, гўзаллик ва мўъжазлик қонуниятлари асосида ҳалол меҳнат қилиб, ўша иморатлар воситасида ўзларига — яратувчи фикр ва ҳунар аҳлига, меҳнат аҳлига ҳайкаллар ясаб қолдирганлари жиҳатидан уларнинг қадр-қиммати бениҳоя баланд ва улуғдир.

Самарқанд

МАҚОЛАГА ҚЎШИМЧА:

Ҳозир тикланаётган муҳташам бино, яъни Регистондан Сиёб бозори томон бораётганда кўчанинг чап томонидаги ёдгорлик — бу — Амир Темур қурдирган Жомеъ масжиддир (жума эмас, жомеъ — «жамъ» сўзининг кўплиги, бу ўринда катта маъносини ҳам англатади). Форсий манбаларда у «Масжиди жомеъи Амир Темур» тарзида эслатилганки, уни «Амир Темурнинг Жомеъ масжиди» тарзида таржима қилса бўлур. Аммо кейинги даврда бу бино турли маълумотнома (справочник), йўл кўрсаткич (путеводител) ва архитекторлик ёдгорликларига бағишланган асарларда, ҳатто бинонинг ўзида ўрнатилган мармар лавҳада «Бибихоним мачити» деб ёзилганки, бу — нотўғри. Уни ўз номи билан «Амир Темурнинг Жомеъ масжиди» деб аташ ва мармар лавҳада ёзиш шарт ҳам зарур.

(Муаллиф изоҳи)

МЕЪМОРЧИЛИК СОҲАСИДАГИ ОҒАХОН МУКОФОТИ

ҒОЛИБЛАР САМАРҚАНДДА УЧРАШДИЛАР

КУҲНА ВА ҲАМИША НАВҚИРОН САМАРҚАНД ШАҲРИ ЯНА БИР ҚУВОНЧЛИ ВОҚЕАНИНГ ГУВОҲИ БЎЛДИ. БУ ЕРДА ШУ ЙИЛНИНГ 19 СЕНТЯБРЬ КУНИ МЕЪМОРЧИЛИК СОҲАСИДАГИ 1992 ЙИЛГИ ОҒАХОН МУКОФОТИНИ ТОПШИРИШГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМ БЎЛИБ ЎТДИ.

Мукофот асосчиси бўлган Оғахон олий ҳазратлари Самарқандга ана шу воқеадан икки кун илгари — 17 сентябрда Тошкент орқали учиб келди. Тошкентда уни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кутиб олди ва меҳмонга ва у раҳбарлик қилаётган жамғармага одамларнинг бахт-саодати йўлидаги олижаноб фаолиятида катта ютуқлар тилади.

Жаноб Оғахон ким? У 1936 йил 13 декабрда Женевада туғилган. Шаҳзода Али Хон ва Малика Тожи Давлат Али Хоннинг ўғли. 1957 йил 11 июлда бобоси жаноб Султон Муҳаммад Шоҳ Оғахондан сўнг 20 ёшида имом Исмоил таълимотини тутган, шиа мусулмонларининг имоми бўлди. Олий ҳазратлари шиа имомлари бўғинидаги Исмоилий мусулмонларининг 49-имомидир.

Оғахон 1976 йили ўз жамғармасига асос солди. Инсонпарварлик ғояларини амалга оширишни мақсад қилиб қўйган бу ва шунингдек, маданият, меъморчилик лойиҳаларига қаратилган маданият жамғармаси ер юзидаги 35 та нуфузли муассасалар билан алоқа қилиб келади. Маданият жамғармаси фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири бу — Оғахон мукофотидир. Оғахон мукофотининг бешинчи фаолияти давридаги ғолибларни тақдирлаш учун Самарқанд шаҳри танланган эди. Республикамизнинг энг қадимий ва гўзал шаҳарларидан бўлган бу ерга мукофотланганлар ҳам таклиф этилдилар. Регистон майдонида ғолибларга ана шу мукофотни топшириш маросими бўлиб ўтди. Оғахон мукофотига сазовор бўлган лойиҳалар орасида Тунис, Туркия, Миср, Иордания, Индонезия, Сурия, Буркина, Фасо, Ҳиндистон меъморлари бор эдилар. Улар бошланғич 259 номзод орасидан якунловчи босқичда қатнашган 27 лойиҳа ичидан танлаб олинган, ўз моҳияти, йўналиши ва соддалиги билан жаҳондаги меъморчилик ансамбллари орасида ажралиб турадиган лойиҳалар эди. Регистон майдонида ўтган тантанали кечада Оғахон жаноби олийлари сўзга чиқди ва мукофотларни эгаларига топширди. Шунингдек сўзга чиққан Самарқанд вилояти ҳокими П. М. Абдураҳмонов Оғахон маданият жамғармаси бош котиби Суха Озкан ҳам меъморчилик соҳасидаги мазкур мукофотнинг аҳамияти ҳақида гапирдилар ва ушбу тантаналарнинг Самарқанд шаҳрида тарихий ёдгорликларни таъмирловчи ажойиб мутахассислар билан шу мавзуда суҳбатлашганимизда Мадрасаи Хоним тақдири уларни ҳам қизиқтираётганининг шоҳиди бўлган эдик. Бу мутахассисларнинг ҳаққоний фикрига кўра, Мадрасаи Хоним жойлашган ерда ҳар томонлама археологик қазишмалар ўтказилгандан сўнггина Мадрасаи Хонимнинг тузилиши ҳақида қатъий бир хулосага келиш мумкин. Мамнуниятдан эслатиш лозимки, шундан сўнг мадраса жойлашган ерда қазишмалар олиб борилди ва унинг излари аниқланди. Ҳозирги кунда у ерда шу изларни тиклаш ва ундаги мақбарани таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

СУРАТДА: жаноб Оғахон Самарқандда.

З. ЖУМАНОВ олган сурат.

МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

Илгари хабар берганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг шу йил 28 августда чиқарган «Ўзбекистон Республикаси мустақил деб эълон қилинганлигининг бир йиллиги муносабати билан мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ барча соҳа фидокорлари каби бир гуруҳ санъаткорлар ҳам мукофотландилар. Улар узоқ йиллар фидокорона меҳнат қилганлиги, республика тараққиётидаги хизматлари, ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун тақдирландилар. Мукофотланганлар орасида республика вилоятларида самарали ижод қилиб, санъатимиз ривожига улкан ҳисса қўшиб келаётган актёрлар, режиссёрлар ва хонандалар бор. Улар қуйидагилар:

«Ўзбекистон халқ артисти» унвонига О. Хўжаев номидаги Сирдарё вилоят мусиқали драма театри актёри **Шафоат РАҲМАТУЛЛАЕВА**, Огаҳий номидаги Хоразм вилоят мусиқали драма ва комедия театри актёри **Гулора РАҲИМОВА**, Ҳамза номидаги Қўқон мусиқали драма театри актёри **Рашид СОДИҚОВ** сазовор бўлдилар.

Хоразм вилояти телевидение ва радиоэшиттириш қўмитаси қошидаги ансамбль хонандаси **Рўзмат ЖУМАНИЁЗОВга** **«Ўзбекистон халқ ҳофизи»** унвони берилди.

«Ўзбекистон республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби» унвони билан О. Хўжаев номидаги Сирдарё вилоят мусиқали драма театри бош режиссёри **Жўрабой МАҲМУДОВ** ва Ҳ. Олимжон номидаги Самарқанд вилоят мусиқали драма театри бош дирижёри **Фазлиддин ЕҚУБЖОНОВ** тақдирландилар.

«Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвонига Сурхондарё вилояти Бойсун районидаги «Шалола» ансамбли хонандаси **Сайёра ҚОЗИЕВА**, Ю. Ражабий номидаги Жиззах вилоят мусиқали драма театри актёри **Абдуроим ЛАПАСОВ**, Фарғона вилояти вилоятлараро давлат филармонияси бадиий раҳбари **Султонбек МАННОПОВ**, М. Тошмуҳамедов номидаги Қашқадарё вилоят мусиқали драма театри актёри **Йўлдош РАҲИМОВ**, Самарқанд вилояти Самарқанд район маданият уйи хонандаси **Мардон МАВЛОНОВ**, Бердақ номидаги Қорақалпоғистон мусиқали театри актрисаси **Хоним САПАРОВА**, Й. Охунбобоев номидаги Андижон вилоят мусиқали драма ва комедия театри актрисаси **Назира ҲАКИМОВА**, Бухоро шаҳар «Мохи Ситора» ансамбли бадиий раҳбари **Олима ҲАСАНОВА**, Хоразм вилояти Хева районидаги Хева колхози «Феруз» ансамбли бадиий раҳбари **Малоҳат МАТЧОНОВА** сазовор бўлдилар.

Мукофотланган санъаткорларни кўпминг сонли муштарийлар номидан самимий табриклаймиз. Уларнинг ижодларига барака тилаймиз.

Раққоса ва кинотриса Раъно Зокирова

С. МАҲКАМОВ суратга олган

ГАП ШАКЛДАМИ?

МУСИҚА САНЪАТИМИЗ ҲАҚИДА БАЪЗИ ЎЙЛАР

Ўзбек халқининг мусиқий мероси бой ва ранг-барангдир. Мақом, достон, классик куй, қўшиқларнинг оҳанг ва усулларида халқимизнинг узоқ ва яқин ўтмишида содир бўлган тарихий воқеалар, бахтли ва маҳзун кунлари, дардлари, қувончию ғамташвишлари ўз ифодасини топган. Дадил айтиш мумкинки, жаҳонда бундай бетакрор маънавий бойликка эга халқларнинг сони унча кўп эмас. Бироқ, афсуски, кейинги йилларда ушбу мақому достонлар халқ истеъмолидан бироз чиқиб кетаётганининг ҳам гувоҳи бўлаяпмиз. Улар музейлардаги ноёб буюмлар каби ялтиллашяпти-ку, аммо халқимиз ҳаётидаги ўрни унча сезилмаяпти. Аксар ёшларимиз улардан умуман бехабар. Бундай ҳолатнинг сабаблари жуда кўп. Сабаблар ичида энг даҳшатлиси 130 йил давом этган мустамлакачилик сиёсатидир. Бундай сиёсат туфайли халқимизнинг бетакрор мусиқий куйлари ҳам ишлов кўрмаган қимматбаҳо тошлар каби хиралашиб қолди. Уларнинг кўпини нота қоғозга тушириб, бизларга етказган академик Юнус Ражабийнинг хизмати ўзбек миллати олдида каттадир.

Хўш, ўзбек мусиқа санъатининг бугунги манзараси қай аҳволда? Бу саволга ҳеч ким аниқ жавоб беролмайди. Ҳужжатларга қараганда жумҳуриятимизда 300 дан зиёд мусиқий мактаблар, 20 га яқин мусиқий билим юртлари, консерватория, опера ва балет театри, филармониялар, хор ва оркестрлар, бастакорлар уюшмаси мавжуд. Афтидан мусиқий маданияти ривожланган айрим мамлакатларга ўхшаб (масалан, Болтиқбўйи республикаларидек) мусиқий маданиятнинг барча белгиларига эгамиз. Лекин нима учун ушбу даргоҳлар ва ижодий жамоаларнинг спектакль ва концертларида ўзбекларни жуда кам кўрамиз? Ахир ушбу санъат ўчоқлари бундан 50—60 йиллар муқаддам миллатнинг мусиқий маданиятини ривожлантириш учун ташкил қилинган эди-ку? Қачонгача бундай манзарани кўриб туриб ўзимизни кўрмаганга соламиз? Тўғри, биз ҳаммамиз узоқ йиллар давом этган иккиюзламачилик сиёсатининг маҳсулларимиз. Мафкурага мос келмаса оқни қора, қорани оқ дейишга ўргатилган темир одамларга ўхшаймиз. Бас, давр, секин бўлса ҳам, ўзгаряпти. Истиқлол, мустақиллик виждонлиликни, покликни талаб қилади. Шу нуқтаи назардан юқоридаги саволларга жавоб берар эканмиз, мусиқий ҳаётимиздаги айрим хато ва сунъийликлар ҳақида очиқчасига гапириб, тўғри хулоса чиқаришимиз даркор.

Бу ҳақда шахсан мен шундай ўйлайман. Аввламбор бизда мусиқа таълими нотўғри йўлга қўйилган. Унинг барча босқичларидаги дарсликлар оврўпа мусиқа қонуниятларига асосланган ва ўзбек мусиқаси фақат ушбу дарсликлар талабига жавоб берадиган даражада ўрганилади. Бу ҳам етмагандек, улар рус тилида ёзилган. Мусиқа мутахассиси бўлиши учун (композитор, мусиқашунос, скрипкачи, пианиночи ва ҳоказо) 5—7 йил ўқиш керак. Шундай масофани босиб ўтгандан кейин ёш бастакор, мусиқашунос, созанда, хонандалар Бах, Бетховен, Чайковский, Равель, Стравинский, Шостаковичнинг ҳаётини, ижодини яхши ўрганишади, асарларини ижро этишади, лекин ўзбек мусиқа тарихини, унинг ижро йўлларини, адабиётини ва жуда кам қамровда ва юзаки ўрганишади. У ҳам бўлса, фақат рус тилида. Натижада она тилида эркин фикрлашни, сўзлашни ва ёзишни билмайдиган мутахассислар тайёрланмоқда. Шунинг учун аксарият композиторларимизнинг қўшиқ ва романслари, достон ва симфониялари, кантата ва операларининг гавдаси ўзбекча бўлса ҳам либоси ўзгача. Тошкент консерваториясида ўзбек тилида мусиқий маърузалар қиладиган, илмий тадқиқотлар ёзадиган мусиқашунослар сони 4—5 кишидан нари ўтмайди. Бир нафар ҳам ўзбек опера режиссёри йўқлигини қандай изоҳлаш мумкин? Афсуски, бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Менимча, бу жарликдан чиқиш учун мусиқий таълимотимизни тубдан ўзгартиришимиз керак. Оз фурсат ичида 15—20 йилларга мўлжалланган, ўзбек мусиқий меросининг қонуниятларига асосланган дарсликларни кўпайтириб (улар қисман мавжуд) ўқиш жараёни фақат ўзбек тилида олиб бориладиган мусиқий мактабларни ташкил этиш зарур.

Бу изланишлар фақат кадр тайёрлашдагина эмас, балки опера ва симфоник мусиқа соҳаларига ҳам тааллуқлидир. Сир эмас, бу жанрлар бизга ёт деб юрган кишилар бор. Ўз миллий мусиқий меросини яхши билмайдиганларгина шундай фикрларни айтиши мумкин. Чунки бизнинг маънавий ғуруримиз бўлмиш мақом ва достонларимиз турган-битгани опера ва симфоник мусиқанинг ўзи! Мисол сифатида уларнинг оҳанглари билан тўла йўғрилган ва халқимиз яхши кўрадиган, бундан 50 йил олдин ёзилган «Лайли ва Мажнун», «Тоҳир ва Зуҳра», қисман «Фарҳод ва Ширин» операларини келтириш мумкин. Демак, халқимиз бисотида бу жанрлар бор экан-да? Фақат «опера», «симфония» деган сўзлар билан қўрқитмасдан тушунтирилиши керакки, одамларимиз бу атамалар ҳам «президент», «роман», «ресторан», «костюм» сўзлари каби, умуминсоний белгилар, тушунчалар бўлиб қолганини билсинлар. Уларни миллатимиз ҳазм қила оладиган мазмунлар билан тўлдириш эса биз мутахассисларга, яъни бастакорлар ва ижрочилар — хонанда, созанда, дирижёр ва режиссёрларга боғлиқ. Нима учун мазкур опералар ўз вақтида халқ томонидан яхши қабул қилинган эди? Энг аввало, уларнинг асосий яратувчилари бўлмиш Толибжон Содиқов, Тўхтасин Жалилов, Юнус Ражабий гармония, полифония каби мусиқий фанлардан бехабар бўлсалар ҳам ўзбек мусиқий меросини, мақомларни чуқур биладиган «академик»лар бўлишган, ўзбек тилини яхши билишган.

Ўзбек томошабинларининг опера спектакларига, симфоник мусиқаси концертларига келиши учун композитор-бастакорларимиз кўпроқ Ўзбекистон руҳи билан йўғрилган, унинг тарихи, маданиятига асосланган асарларни яратиши, ижрочилар эса уларни талқин қилиш йўлларини топишлари керак. Бунинг учун, шубҳасиз, мусиқий таълимни ислоҳ қилиш зарур.

Жумҳуриятимиз мустақил давлат сифатида халқаро миқёсга чиқмоқда. Турли мамлакатлар билан ижтимоий, сиёсий, маданий алоқалар ўрнатмоқда. Тенг ҳуқуқли шартномалар тузиш учун давлат ҳар томонлама етук бўлиши, умумжаҳон қадриятларига эга бўлмоғи даркор. Опера ва классик мусиқа эса шундай омил сифатида катта аҳамият касб этади.

Зоҳид ҲАҚНАЗАР,
Ўзбекистон халқ артисти, профессор

ХАТТОТЛИК МАКТАБИ ЗАРУР

Кишилик даосининг буюк қаҳриёрларидан бири ёзувдир. Ёзув инсоннинг маънавий ҳаётининг ҳаётини ифодаловчи восита. Агар ёзув бўлмаганда эди, биз авлоддодларимизнинг истаъдодларини, мақсад-интилишлари, ўй-ташвишлари, ғояларини, энг муҳими, тарихидан бебаҳра қолган бўлардик. Шундай экан, ҳаётимиз ўтмишининг маъмурлавҳалари, муайян паллаларини акс этган битик ва ёзувлар биз учун мўътабардир.

Шарқда хат ва хаттотлик санъати алоҳида мавқеъга эга.

Ўтмишда босмахоналарнинг бўлмагани ҳам хаттотлик санъатига талаб ва эҳтиёжни маълум даражада оширган. У нақш-безак мақсадида истифода этилган. Натижада у бошқа санъат турларининг ривожида муҳим омил бўлган. Жумладан, кулолчилик, наққошлик, мисгарлик, ўймакорлик, заргарлик билан шуғулланувчилар ҳам ўз санъатлари маҳсулининг жозиб ва нафис чиқиши учун бу ёзувга бефарқ қарашмаган... Масжиду мадрасалар пештоғига битилган ояту ҳадис намуналари, турли хилдаги идиш ва чинниларга ишланган арабий хат битиклари кимнинг кўзини қувонтирмайди дейсиз.

Хаттотлик санъати кенг қамровли хусусиятга эга бўлиб, ўзига хос тарзда равнақ топаверган. Ҳар бир хаттотлик мактаби айрим шахслар, яъни моҳир котиб, қилқалам хаттотлар номи билан боғлиқ. Бу санъат ҳам устоз ва шогирдлик анъанаси асосига қурилган. Ҳирот, Хева, Бухоро, Самарқандда уста хаттотлар етишиб чиққан. Уларнинг муборак дастхатлари ила оққа кўчирилган китобларнинг айримлари ҳозирда қўлёзмалар ганжиналарида сақланмоқда.

Алишер Навоий асарларини моҳирона оққа кўчирган, «Қиблат-ул-куттоб» («Котиблар қибласи») ва «Султон-ул-хаттотин» («Хаттотлар султони») номлари билан машҳур бўлган Султон Али Машҳадий ҳамда Абдужамил котиблар айниқса, донг қозонганлар. Улар ўзларининг илми, амали билан хаттотлик санъати равнақига муносиб ҳисса қўшганлар.

Бу санъат юқорида айтилганидек, серқирра. Қадим. музайян китоблар фақат бир киши меҳнатининг маҳсули эмас. Китобат этиш жараёнида қоғозрез, хаттот, мусаввир, лаввоҳ, музаҳҳиб, саҳҳоф сингари касб соҳиблари ҳам иштирок этадилар. Хаттот даставвал оққа кўчириш учун танлаб олган матнининг ҳажмини, китобнинг ўлчовини аниқлайди. Сўнг қоғозрез шунга мувофиқ қоғоз тайёрлаб беради. Хаттот матнни шошилмасдан, бор санъатини ишга солиб кўчиради, мусаввир хизматини инобатга олиб, безак, суврат учун жой қолдиради. Мусаввирдан сўнг ҳар бир саҳифа учун махсус нақшли тўртбурчаклар ишловчи, олтин ёки кумуш суви юритиб, матнни зийнатловчи лаввоҳ ва музаҳҳиб қўлига ўтади. Ниҳоят, қўлёзмани пухта ва қалин муқова билан китоб ҳолига келтирувчи саҳҳоф ишни адоғига етказади. Шу йўсинда китоб тайёр бўлади, йиллар, асрлар оша қўлдан қўлга ўтиб, мутолаа этилса ҳам, ўз гўзаллигини асло йўқотмайди.

Марҳум устоз Абдулқодир Муродий домла «Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан» номли тадқиқотида хат ва хаттотлик санъати ҳақида муфассал тўхталиб ўтган. Бу мақоладан эса муддао шуки, миллий ва маънавий қадриятларимиз тикланиб, ўтмишимизга қараш ижобий ўзгариш касб этган бир дамда бу санъатнинг қайта тикланиши ва жонланиши ҳақида қайғуриш зарур.

Эски ўзбек ёзуви ва тилини фан сифатида ўқитиш ўқув муассасаларида жорий этилган экан, хат санъатига нописандлик билан қарашга ҳақимиз йўқ. Чунки алифбони ўргатиш чиройли ёза олишга қобил ўқувчиларни тайёрлаш ҳам демакдир. Кўпинча эски ўзбек ёзувидаги матнларни қийналмай қийдиган ўқувчилар чиройли ва тўғри ёзишни ўлмасликларидан нолиб қолишади. Бу ҳам ишни кўнгилдагидек ташкил эта олмаслигимиздан.

Аввало, хаттотликка, яъни чиройли ёзишни ўргатишга қаратилган дастурлар тайёраш ва тезликда чоп эттириш зарур. Бир пайтлар наср этилган, насх ва настаълиқ хатини чиройли ёзишга қаратилган «Муфрадо» сингари китобларни изоҳлар билан ҳозирги ўқувчига мўлжаллаб кўп нусхада чоп этишни зарур ҳисоблаймиз.

Қани энди, иқтидорли олим ва хаттот Т. Зуфаров томонидан тайёрланган ана шундай йўсиндаги «Хат машқи» китобини чоп этишни ўз зиммасига оладиган бирор нашриёт топилса, савоб устига савоб бўларди.

Хатто худди рассомдек нозик дил эгаси. У узоқ йиллик тажрибаси ва санъатини ишга солиб, китобларни оққа кўчиради. Шу билан бирга, хатот ориф, саводхон киши бўлиши керак. У имлони яхши биладиган мусаҳҳиҳ ҳамдир. Бу хусусиятлар хатотда китобларни кўчириш жараёнида такомиллашиб борган. Имлони яхши биладиган хаттотлар ҳозирда мавжуд. Надоматлар бўлсини, биз уларнинг санъати, қобилиятларидан фойдалана олмаяпмиз.

Жумҳуриятимиз вилоятларида яшайдиган хаттотларнинг марказий уюшмасини — мақтабини ташкил этиш лозим. Буни кечиктирмасдан ҳал этиш керак. Чунки биз учун қўл хатини — қаламий хат, бошқача айтганда, настаълиқ (форсий) хатни ёзиш жуда зарур. Бунда беҳалол ўқиш ва ёзиш малакамизни оширолсак, нур устига нур бўларди. Негаки, минг йиллик маънавий меросимизнинг каттагина қисми араб ёзувининг ана шу хат турида акс этган. Хева, Тошкент, Когон сингари шаҳарлардаги босмахоналарда чоп этилган тошбосма китоблар ҳам асосан қўлда кўчирилган нусхалардан босилган. Шунинг учун ҳам ўқув муассасаларида эски ўзбек ёзувидан сабоқ берилганида қўлёзма асарларга хос хат услубини, яъни қаламий хатни ўргатиш аҳамиятлидир. Чунки мақсад ўқувчиларни ўтмиш адибларимиз томонидан яратиб қолдирилган намуналарни асл нусхада ўқиш ва тушунишга чоғлашдир.

Агар хаттотлик марказий уюшмаси, яъни мактабини ташкил этиш амалга оширилса, биринчидан, туркий савод чиқазиш истагида бўлган ихлосмандлар учун турли хилдаги матнлар мажмуасини тақдим этиш мумкин бўларди. Чунки араб ёзувини амал-тақал қилиб ўрганган баъзи шогирдлар ўқиш, билимларини мустаҳкамлаш учун китоблар йўқ дейишларига ўрин қолмасди. Негаки, алифбодаги ҳарфларнинг шаклий кўринишларини унутмаслик учун мунтазам равишда ана шу имлодаги битикларни назардан ўтказиб туриш шарт. Қолаверса, варақлари сарғайиб, қоғозлари титилиб кетган, хат ўчиш ҳолатига етган манбаларни қайта кўчириш учун ҳам хаттотлик уюшмаси лозим.

Меросимизни асл ёзувда кўпайтириб, ўз даври ёзуви ва тили хусусиятларини сақлаган ҳолда чоп этишни кечиктириш ярамайди. Шу йўл билан қўлёзмалар хазинасидаги ўз сифатини тобора йўқотиб бораётган нодир манбалар сақлаб қолинган бўларди.

Энг муҳими, хаттотлар томонидан кўчирилган матнларни китоб ҳолатида чоп эттиришда босмахона харажатлари камчиқим бўлади. «Биринчи корректура», «иккинчи ёки учинчи корректура», деган машаққатли меҳнат жараёнига ўз-ўзидан ҳожат қолмайди. Сабаби, тайёр матнларнинг нусхалари кўпайтирилади, холос.

Бу ўринда хаттот тайёрлаган нусхани эски тилимиз ва ёзувимиз хусусиятларини яхши биладиган битта масъул муҳаррирнинг кўриб чиқиши кифоя. Муҳаррир ўз ўрнида мусаҳҳиҳ хизматларини ҳам зиммасига олади.

Албатта, ишнинг биринчи босқичида араб алифбосидаги матнлар жорий ёзувдаги муқобили билан берилиши ҳам мумкин. Бу эса эски ўзбек ёзувини ўрганувчиларга анча қўл келади. Хаттотлик уюшмаси ташкил этилса, ана шу муаммоларнинг ҳам олди олинган бўларди. Айни пайтда марказий мактаб қошида янги-янги хаттотлар тайёрланарди. Бу эса анъана касб этиб, туркий саводхонлигимизнинг ошишида муҳим омил бўларди.

Марказий хаттотлик уюшмасини ташкил этиш яхши ташаббус. Лекин оқиллик ва тадбиркорлик билан иш тутилиши зарур. Бунда фақат моддий манфаатдорликни кўзловчи баъзи ширкатлардан эҳтиёт бўлиш керак. Шусиз ҳам айрим китобларни нашр этишда қатор нуқсонлар бор. Бу ҳолатни қутлуғ, эзгу ишнинг бошланишидаги ўткинчи хусусият ҳисоблаб, нашриёт ва китоб номларини келтириб ўтишни лозим кўрмадик. Республика Халқ таълими вазирлиги ёки Ўзбекистон Фанлар академияси бу тадбирнинг амалиёти билан боғлиқ ишларни ўз зиммасига олишини ўринли ҳисоблардик.

Настаълиқ хатининг гўзаллиги махсус қалам билан боғлиқ. Шундай экан, хаттотлик қаламлари тайёрлайдиган корхоналарнинг бўлиши ҳам айни муддао.

Раҳимбой ЖУМАНИЁЗОВ,
филология фанлари номзоди,

Баҳром ЖУМАНИЁЗОВ,
Абдулла Қодирий номидаги Маданият институти ўқитувчиси

«СЕН БИР ДАРАХТ, МЕН БИР ДАРАХТ...»

ТАНИҚЛИ САНЪАТКОР РИММА АҲМЕДОВА ИЖОДИ ҲАҚИДА

Боғ қўйнида икки дарахт —
Бир-бирига интизор,
Сен— бир дарахт, мен — бир дарахт,
Куйиб-куйиб ўтдик, ёр.

Усмон Азимнинг ўн йилча аввал ёзган шу шеърини у жуда яхши кўради. Ич-ичидан ҳис этиб, изтироб билан ўқийди. Гоҳи шу шеърни ўқиганида ҳайрон бўлардим. Нега бунча маъюслик деб. Назаримда, энди-энди бу сўроқларга жавоб топаётгандекман...

Римма Аҳмедованинг номи деярли ўттиз йилдан бери санъат оламидагиларга таниш. Балки шунча пайтдан бери эл-юрт орасида ҳам номи бор. У ўтган ўн йилликларда сўнгсиз юлдузлар орасида зуҳро юлдузига ҳам айланмади, эшик турумини бузар даражадаги шилқим ихлосмандлар ҳам орттирмади. Ҳаётда қандай оғир, вазмин, камгап бўлса, санъатда ҳам шундай яшаб келяпти. Аммо унинг изтироб ва оғриқлар билан лиммо-лим қалбини, дод солса, исён кўтарса дунёни бузарлик қудрати, қуввати борлигини Римма Аҳмедова санъатидан том маънода баҳра олган нозикфаҳм ва дидли ихлосмандлар ҳамиша сезиб юришади. Агар ўзбек актёрлик санъатида Римма Аҳмедованинг фақат у билангина барҳаёт ўз ўрни бор десам, ҳақиқатга бироз яқинлашган бўламан. Билмадим, ҳар қалай, менга ўтган ва ўтмаган аёл актрисаларимиз ичида Римма Аҳмедова деган ҳодиса энг маҳобатлиси бўлиб туюлади. Чунки у ҳеч қачон томошабин ортидан юрмайди, эргашмайди, балки аксинча, ҳамиша эргаштиради, ундан баландроқ юради. Биз одатда актёрликни ишонтириш санъати деймиз, саҳнадаги хаттиҳаракати, қилиқлари ва гапига томошабинни ишонтира олган актёрни ҳақиқий санъаткор деймиз. Бу қанчалар тўғри, билмадим, ахир кўзбойлоғич ёки лўттибоз ҳам кишиларни ишонтиришгина мақсадига эришади. Актёр, назаримда, албатта мутафаккир бўлмоғи, фикрга, мушоҳадага ундовчи фикрли ва фаҳмли шахс бўлмоғи лозим. Бунга яна ўз қалбидан сизиб чиқадиган дард ҳам қўшилса, актёр ишининг ҳалол ижроси шу.

Римма Аҳмедовадаги изтиробнинг қудратини ҳис қилган режиссёрлар уни гоҳи меҳр учун азобга дучор этилган Корделия («Қирол Лир») ёки аламкаш Тиэ («Ўғирланган умр») ва ёки жафокаш Таннозхон («Тарих тилга кирди»), ёки яна дардли нидосига бирон кимса қулоқ тутмаётган бечора Шарқия («Кўк эшик ортидаги аёл»), ёхуд бахтидан айро тушиб, яқин кишиси бахти учун ўзини бахтсизликка дучор этган Хонзодабегим («Юлдузли тунлар») қиёфасига киритдилар. Мана, актрисанинг ўз иқрори:

«Санам («Парвоз» спектаклида актриса яратган образ)нинг Алижонга бўлган покиза муҳаббатини, эзгу ниятларини Мамасолиев маҳн этади. Шунинг учун у ўзини жисман мавжуд бўлса-да, маънан ўлик ҳис қилади. Санам бирор кимсага ёрилиб, юрагини ўртаган ададсиз дардларини тўкиб солишга ориятй йўл қўймайди... Шу боис у узоқ фурсат ўзини ўзи ёзғириб, таҳқирлаб, ўзи билан ўзи курашиб яшайди. Бу образни мен ана шундай ҳис этдим ва шу аснода талқин қилдим».

У бу образларда очилди, сочилди, аммо баҳор бўлиб эмас... Чунки у баҳорий ёшида хазон ҳидини уфурарди. Унинг кулгусида, шодон қийқириқларида ҳазин маъюслик бор эди. Тақдир унинг овозигагина эмас, ҳаётига, ижодий қисматига ҳам маҳзунлик битган экан...

Мастура сатанг Ҳамза драматургиясидаги барча аёллар ичида мураккаброғи. Чунки Мастура на Жамиладек садоқатли, фидойи ва на Майсарадек қувноқ, ҳазилкаш. Уни бир оғиз сўз билан тавсифлаш мушкул. Мастура Ҳамза «аёллари»нинг энг зиддиятлиси, энг жафокаши, хўрланган ва ҳақоратланганидир. Бу аёл дунёга келибдики, эгилганнинг топталганини кўради. Инчунин, паранжи ортидаги аёлнинг дунё-дунё армонлари, ўтли «оҳ»ларини эшитади. Ҳамдард бўлиб, оғриқларига даво тополмагач, ўйин-кулгу, вақтихушлик, илтифотли ҳамхоналик билан уларга малҳам бермоқчи бўлади. Шу билан ўзи ҳам тириқчилик қилади. Аёлнинг кўнгилхушлик қилишида ҳақсизликка қарши ожизаларнинг туғёнини, ҳуфия исёнини кўради.

«Биз бу кўчаларда кўнгил гадоси бўлиб юрибмиз... Менинг қўлимдан беш юзга етиб хуфияси, сатанги, акабаччалари чиқди. Йигирмага етиб ҳар юртдан қиз қочирдим. Ҳаммаси зўрлик билан эрга тегиб, кўнгилсиз бўлганлар... Ҳозирда юртимизнинг ярмидан кўпи акабаччалик бўлса, қолгани ўйнашлик. Нима қилсин, яхши кўрганига тегмаганидан кейин нонлож хилват топиб ўйнайди ёки сатанглик, акабаччалик билан ўзини юпатади... Қундуздек йигитларни чимматнинг орқасидаги кўз кўрмайдими? Шундай бўлгандан кейин хотинқизда ҳеч гуноҳ йўқ. Хўп қилади, ажаб қилади».

Гарчи шу ишонч билан Мастура ўзини юпатса-да, кўнглининг бир четида хавотири бор: жамият ҳар қанча бузғун-бузуқ бўлмасин, тепада Худо бор. Оллоҳнинг каломи эса, гуноҳкорлар ичра гуноҳкор бўлмоқни эмас, балки муслим, бокира бўлмоқни тақозо этади. Мастуранинг кўнглидаги хавотир шундан. Шу боис қўшманиликдан келаётган даромадни қўйиб, дўппи тикади, шундан пул тўплаб, бир куни, албатта, ҳаж сафарига боришни, қилмишлари учун «...қора бўлган юзларини байтуллоҳга суркаш»ни орзу қилади. Шулардан кейин ҳам Мастурани оддийгина аёл деб бўладими?

Римма Аҳмедова Баҳодир Йўлдошев ишлаётган Аброр Ҳидоятов номидаги драма театрига ўтиб ўйнаган энг залворли роли ана шу Мастура сатанг бўлди. Ва образнинг айни ўша ечимида яллачи аёл қиёфасига кирди. У кўзлари дунёга, одамларга қаҳрли, совуққон боқувчи, дийдаси қотган аёл бўлиб эмас, балки ҳар бир сўзи ортида оғриғи бор, қилаётган ишидан иккиланиб, ички изтиробларда ўртанаётган ҳамдард, ҳамшира бўлиб гавдаланади. Уни саҳнада кўриб, қоралай олмайсан киши. Аксинча, ҳаёт бу қадар шафқатсиз бўлмаса, дея ҳамнишинлик туясан. Тушунгинг, олам-олам дардларига қулоқ тутгинг, агар кўз қароғи тўлса, қўшилишиб гиря қилгинг келади. Зотан, бу ҳолатни, чорасизликни ўз бошидан бирон кун бўлса-да, ўткармаган кимса шундай талқин ва ижрога эришмоғи мумкин эмас..

Римма опа Мастурадан кейин ўтган бир-икки йил ичида яна битта роль ўйнади. Оврупо драматургиясидан «Оилавий можаро» деб муаллиф номлаган бу асарни таржимон «Алдагани хотин яхши» деб ўзгартирди. Римма Аҳмедовага бу спектаклда давру даврони ўтган фоҳиша аёл роли тегди. Тақдирнинг ўйинини қарангки, энди актриса Мастура ялланинг анчагина бепарда ва суюқроқ оврупулик эгачисини ўйнамоғи керак эди. Ўйнади ҳам. Ўйнагандаям бутун томошахонадагиларни ўзига маҳлиё қилиб, кулдириб, кўздан ёш чиқарлик кулдириб ўйнади. Саҳна ҳаракати, саҳнадошлар билан муносабатга киришуви бари катта усталарга хос. Ҳа, у катта уста — ўрисча айтганда, мастер бўла олди. Гарчи вақтидан анча кейин унинг усталигини тан олиб, ҳукумат унвон берган бўлса-да, у аллақачонлар бу «ўйин»ларга ўйнамай қўйган. Унинг бу дунё ишларига ўз муносабати, ўз фалсафаси бор. Йўқ, бу фалсафа кўпқаватли уйнинг юқори қавати ойнасидан тинимсиз ғимирлаётган шаҳар кўчаларига тикилиб ўтириб пайдо бўлган фалсафа эмас. Бу ўта оддий, балки мингларга хос жўнгина фалсафа — аёл фалсафаси, она фалсафаси. Болаларни дунёга келтирдими, боқмоғи, тарбияламоғи, яхши едириб, яхши кийинтирмоғи бурч. Бу унга шу қадар чуқур сингган фалсафаки, йиллар давомида ҳаловат нималигини билмайди. Қарийб чорак асрдан бери дубляжга боради, радио, телевидениеда жиддий ишлар қилди. Мана энди уч-тўрт кинофильмлардаям суратга тушди. Бироқ кунларининг кўпроқ қисми дубляжда ўтади. Айниқса, ҳозир телевизорда қўйиладиган бирор ўзбекча фильм йўқки, унинг овозини эшитмасангиз. Эшитганингиз сари қулоққа хуш ёқадиган, жарангдор, хушоҳанг, соҳир овоз. Янаям аниқроғи, дардчил хушоҳанг овоз. Дардчил жарангдор. Ҳа, ҳа, дардчил жарангдор. Шундай овоз бўлади. Бу фақат унда бор. Жажжи Наташа Ростованнинг бал узра югуриб, отасининг сакраб ўйнашига барчанинг диққатини жалб этиб, шодон қичқиришларида дардчил жаранг бор. Бу ҳаётнинг катта талотўплари, мураккабликлари олдида ҳадемай довдираб қоладиган покиза қизчанинг ҳадикли жаранги...

Уни эшитишдан биз ҳамиша ёқимли ҳислар туямиз. У Римма Аҳмедова эканини ҳамиша унутамиз. Бу ҳамиша унинг маҳоратига, овоз жозибасига бизнинг ташаккуримиз бўлади. Унга, унинг овозига берилган баҳолар ва ҳамиша дубляжга таклиф қилиниши эса меҳнат — машаққатига яраша ҳалоли. Балки ана шу ҳалоллик унинг фалсафаси ҳамдир. Демакки, Оналик фалсафаси тақозо этган катта санъати...

Уҳамиша оғир, вазмин, камтарин, камгап. Худди ҳамиша файласуф бўлгандай. Назаримда, у кўп нарсага файласуф нигоҳи билан қарайди. Дунё ишларини файласуфона мушоҳада этади. Бироқ...

Бироқ у фақат бир нарсада ва фақат энди файласуф бўлолмаяпти... Зеро, «Ҳаёт қўшиғи» шундай экан:

Сен — бир дарахт, мен — бир дарахт...

Шуҳрат РИЗАЕВ

АСАЛ АМАКИ

Шеърсевар болажонларимизнинг камтарин шоири Обид Расул 70 ёшга тўлди. Жумҳуриятда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, асл касби педагоглик бўлган шоир Тошкент шаҳрининг Бешёғоч даҳасида таваллуд топган. Ўқитувчилик ва ижоддан асло айро тушмаган Обид Расулнинг шу пайтгача ўнга яқин шеърий тўпламлари болажонларимизнинг севимли мулкига айланган. Улар шоирнинг «Қувноқ болалар», «Олмазор», «Кўк чакмонли йигитча», «Асал амаки», «Садаф тишли паҳлавон» каби асарларини ҳануз мароқ билан ўқишади. Ўнлаб нишонлар соҳиби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи фахрий унвонига эга бўлган болалар шоири Обид Расулни рўзи таваллуди билан қизғин қутлаймиз.

Обид РАСУЛ

«МОШ»НИНГ БОШИ ЁРИЛДИ

Чиннидаги қатиқни
Шап-шап қилиб ялару
Қорни тўйгач керилиб,
«Маза!» деб талтаяр у.

Бирдан одам шарпасин
Пайқаб қолиб, қочай дер,
Ёпиқ экан эшиклар
Қандай қилиб очай, дер.

Кўзи тушиб ойнага,
Бир зарб билан урилди.
Чил-чил синиб соғ ойна,
«Мош»нинг боши ёрилди.

ЧЕВАР АЯ

Ғарч-ғурч ковуш, маҳси кийиб
Келди чевар аямиз.
Бир кўришга муштоқ эдик,
Гаплашувдик боя биз.

Қучоқ очиб саломлашгач,
Дедик: — Чиқинг сўрига.
Якандозлар ёзворишиб
Имо қилдик тўрига.

Дастурхонда нону майиз
Ол-оллашиб едимиз.
Сиздек чевар қўли гулга
Бир савол бор, дедимиз.

Сўзанамиз қалай, кўринг,
Чуст дўппимиз чокини.
Шойи белбоғ нақшинию
Попопимиз мокини.

«Сўзанангиз, — деди, — дуруст,
Дўппи чоки ғалатроқ.
Белбоғ нақши бироз хунук
Мокилар мойга чанқоқ».

Чевар ая ҳақ гап айтиб,
Каштадан дарс бердилар.
Миллий ҳунар — урф йўлига
Сўз гавҳарин тердилар.

Кутлайлик!

КУЮНЧАК АДИБ

1979 йилнинг куз ойлари эди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси мажлислари зали ёзувчи, шоир, танқидчилар, адабиёт ихлосмандлари билан тўла. Йиғинни таниқли шоир, ёзувчи ва драматург Шукрулло бошқармоқда. Бухоролик қаламкаш Музаффар Турсун ҳам ҳайъатда ҳаяжонланиб ўтирибди. Муаллифнинг дастлабки ҳикоялар тўплами муҳокама қилинарди...

Ўшанда ёш адибнинг ҳикоялари ҳақида жумҳуриятимиздан ташқарида ҳам таниқли ёзувчи бундай ёзган эди. «Музаффар Турсунов Бухоро и шарифдан. У Свердлов район газетасида муҳаррир бўлиб ишлаяпти. Бултур Музаффарнинг ҳажвий ҳикоялар тўплами Ёзувчилар союзи наср секцияси мажлисида муҳокама этилган эди. Ёзувчи ва танқидчилар ерига тегарди. Лекин улар беозор, заҳасиз. «Кўзни» очадиган, хом лойни пиширишга мўлжалланган эди.

Орқароқда, «Шарқ юлдузи» журнали наср бўлимини бошқараётган машҳур адибимиз, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаев ҳам ўтирган эди. Кўп ўтмай у киши «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» (у пайтлар «Ўзбекистон маданияти») газетаси орқали Музаффарга оқ йўл тилади. Самимий дил сўзлари ижодкорнинг «Минг қуллуқ, раисжон» деган ҳажвияси билан босилиб чиқди. Таниқли ёзувчи бундай ёзган эди. «Музаффар Турсунов Бухоро и шарифдан. У Свердлов район газетасида муҳаррир бўлиб ишлаяпти. Бултур Музаффарнинг ҳажвий ҳикоялар тўплами Ёзувчилар союзи наср секцияси мажлисида муҳокама этилган эди. Ёзувчи ва танқидчилар Музаффар Турсунов ижоди ҳақида, асарларининг ҳаётийлиги, ҳажми кичик бўлишига қарамасдан йирик фикрлар жо қилингани ҳақида мақтов сўзлар айтишди. Мана, Сиз ҳам ҳурматли газетхон, Музаффарнинг бир ҳажвияси билан танишинг. Унга берилган баҳога қўшиласиз, деб ўйлайман. Демак, биргалашиб дўстимиз, адибимизга омад тилаймиз!».

Шундан бери анчагина йиллар ўтди. Музаффарнинг ижоди камолот касб эта борди. 1982 йилда унинг дастлабки — «Оддий кун» ҳикоялар тўплами, сўнгра «Поччам озмоқчиляр», «Келинг, кулишайлик» тўпламлари, «Зилзила» киссаси эълон қилинди. Ҳаммуаллифликда эса «Қуллуқ», «Қалдирғоч» китоблари чоп этилди.

Яқинда Нукус шаҳридан қувончли хушхабар келди. Ёзувчи дўстимизнинг қисса ва ҳикоялардан иборат каттагина китоби қорақалпоқ тилида нашр қилинаётган экан. Вилоятимиздаги «Бухоро» нашриёти ҳам шу кунларда унинг «Қалб билан танҳо» тўпламини китобхонларга тортиқ этди.

Музаффар Турсун асли қишлоқ фарзанди. У Жондор районининг Шаҳрислам қишлоғида яшайди. Қарийб 25 йилдан бери район газетасига муҳаррирлик қилади. Шу боисдан бўлса керак, қишлоқ одамларининг яшаш тарзи, турмуш уринишлари унинг ижодида гоҳ ҳажвий, гоҳ публицистик йўсинда ўз ифодасини топмоқда.

Музаффар Турсун серқирра ижодкор. Бухоро Давлат қўғирчоқ театри унинг «Хўжа Насриддин Бухорода», «Сўнгги лайлак» драматик асарларининг саҳналаштирган. Бу пьесаларни болажонларимиз билан биргаликда катталар ҳам мириқиб томоша қилишмоқда.

Яқинда Музаффар Турсун ҳаётида унутилмас воқеа юз берди. У ҳам жумҳуриятимиздан муқаддас ҳаж сафарига жўнаган дин намояндалари қаторида Саудия Арабистонида бўлди. Маккаи Мадинани тавоф этиб қайтди. Шу кунларда Ҳожи Музаффар Турсун «Ҳажнома» асарини ёзиб тугатиб, уни «Бухоро» нашриётига топширди...

Камтарин инсон, самимий дўст, истеъдодли ёзувчи Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Ҳожи Музаффар Турсун 50 ёшга кирди. Биз уни шу хушбахт кунлар билан дил-дилдан қутлаб, ижодига барака, соғсаломатлик тилаб қоламиз.

Тошпўлат АҲМАД,
Ўзбекистон республикаси Ёзувчилар уюшмаси Бухоро вилоят бўлими масъул котиби

АДИБ ХОТИРАСИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат академик Катта театрида 21 сентябр куни атоқли ўзбек адиби, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 85 йиллигига бағишланган катта адабий анжуман бўлиб ўтди. Анжуманни Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад бошқариб борди. У анжуманни очар экан, Абдулла Қаҳҳорни ҳам инсон, ҳам ижодкор сифатида жасоратли эканлигини таъкидлаб ўтди. Адиб ижоди ҳақида профессор Озод Шарафиддинов маъруза қилди. Маърузачи Абдулла Қаҳҳорнинг ўзбек адабиётидаги ўрни ва у яратган асарларнинг тарбиявий аҳамияти ҳақида аниқ мисоллар билан сўзлади. Бугунги кунда нафақат Абдулла Қаҳҳор насри, балки унинг публицистикаси ҳам ўзининг ҳаётийлиги ва долзарблигини йўқотмаганлиги айтиб ўтилди. Ёзувчи ва кинорежиссёр Учқун Назаров ўз сўзида «социализм араваси»га чиқкан ижодкорлар орасида Абдулла Қаҳҳор ҳам борлиги ва у айримларга ўхшаб, овозини баралла қўйиб маддоҳлик қилмагани, балки давр ҳақиқатини айтишга интилгани тўғрисида гапирди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаев: «Абдулла Қаҳҳор мен учун ҳамиша ибрат ва ҳайрат мактаби бўлиб қолади. Яқинда «Нур» нашриёти таклифига биноан ўзбек ҳикоялари антологиясини тайёрладим. Эгамни ўртага қўйиб айтаманки, ҳикоячиликда Абдулла Қаҳҳордан зўри йўқ экан», деди.

Ўзбекистон халқ ёзувчилари Пиримқул Қодиров, Ўткир Ҳошимов устоз билан боғлиқ хотираларидан гапириб бердилар. Ўзбекистон Адиблар Иттифоқи раиси, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг ҳикоя қилишича, Абдулла Қаҳҳор бир сафар телевидениега борганида у кишидан қўлёзма талаб қилишган. «Мен гапимни қоғозга туширмаганман. Агар назоратчиларнинг муҳрини босиш керак бўлса, марҳамат, жағим билан тилимга босиб қўяверинглар», деган экан ҳозиржавоб Абдулла Қаҳҳор.

Покистонлик адиб, Абдулла Қаҳҳорнинг таржимони Муҳаммад Аббосхон жаноблари адиб асарларини хорижда ҳам севиб ўқилаётгани хусусида сўзлаб берди. Айниқса, адибнинг умр йўлдоши, таржимон ва матншунос Кибриё Қаҳҳоровонинг жонли хотиралари йиғилганларда яхши таассурот қолдирди. Бу ибратли ҳикоялар Абдулла Қаҳҳор сиймосининг такрорланмас қирраларини очишда катта аҳамиятга эга. Афсуски, катта маърифий аҳамиятга эга ажойиб анжуман негадир республика телевидениеси томонидан ёзиб олинмади.

Анжуманни ўтказишга «Наврўз» жамғармаси катта ёрдам берди. Кечада «Шодлик» ашула ва рақс ансамбли жамоаси, республикада хизмат кўрсатган артист Муножот Йўлчиева, хонандалар Эркин Рўзиматов, Мурод Соҳибов ва бошқалар қатнашиб, дилрабо куйқўшиқлар ижро этдилар. Абдулла Қаҳҳор номидаги республика сатира театри санъаткорлари адибнинг саҳна асарларидан намуналар намойиш қилдилар.

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
ТАРҒИБОТ МАРКАЗИ
ЯНГИ БАДИИЙ-МАЪРИФИЙ ДАСТУР:

«ҚУТБИДДИН АМИР ТЕМУР САБОҚЛАРИ»

Кечада «Амир Темур» драмасининг муаллифи, шоир ва драматург Тўра Мирзо, темуршунос олимлар, тарихий-маърифий, диний қўшиқлар ижрочилари ва бошқалар иштирок этишади. Тадбир давомида темурийлар ҳақида баҳс, савол-жавоб, беллашув ўтказилади. Ғолибларга дастхат билан «Амир Темур васияти» китоби ва Амир Темур сурати совға қилинади.

Тарғибот Маркази томонидан тарихий ва диний китоблар савдоси уюштирилади.

Тадбир ўтказишни хоҳлаган жамоалар қуйидаги ҳисобга 10 минг сўм пул ўтказишлари лозим: Индекс: 700031, Узавтодорбанк, Тошкент шаҳри, код: 172682705. Ҳисоб рақами: 100345629.

Тошкент шаҳридан 100 чақирим олисликда жойлашган жамоалар эса 12 минг сўм ўтказишлари керак.

Тарғибот Марказига маблағ тушгач, тадбир куни ҳар иккала томоннинг розилигига биноан белгиланади.

ХАТЛАР УЧУН МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, 700003, Туроб Тўла кўчаси, 1-уй, 3-қават, Тарғибот маркази.

ТЕЛЕФОНЛАР: 45-73-57, 45-73-11, 45-75-07.

Лўқма

ДЕҲҚОННИНГ НОНИ

«Столица» журналининг 1992 йилги 33-сонида Россия иқтисод вазири Андрей Нечаевнинг матбуот тўпландисида айтган гаплари берилибди. Вазир пахтанинг нархини мустақил давлатлар ўзбошимчалик билан ошираётганлигидан куюнади. У агар биз ҳам пахта етиштираётган жумҳуриятлар билан дунё нархлари бўйича муомала қилсак, 3 тонна нефтга 10 тонна пахта оламиз, деб, писанда қилади.

Иқтисод вазирининг ҳисобкитоби мени ажаблантирди. Унинг дунё бозоридаги нархлардан хабари йўқмикан? Бу ҳолда у кейинги суқбатида ҳеч иккиланмасдан Ўзбекистоннинг ўн тонна узумига уч тонна рус қорини берамиз дейиши ҳам мумкин экан-да.

Вазир пахтанинг бир тоннаси 200 минг сўмга чиққанидан хафа. Борингки, шундайдир ҳам. Лекин мен ҳали бирорта хўжалик ғазнасига 1 тонна пахта учун 150 минг сўм пул тушганини эшитмадим. Аниқроғи, меҳнатни деҳқон қилиб, унинг маҳсулоти сотилгач, лаҳм гўшт ва иликлар аллақандай ўртачи (воситачи) ташкилот ва ташкилотчалар товоғига тушаяпти. Қора меҳнат қилган одамга суяги қолаяпти. Баъзан у ҳам йўқ. Юзлаб хўжаликлар ўтган йили юборилган пахта учун ҳали бир мири ҳам олишолмади.

Нефть қазиб олувчилар ҳар ойда 20—30 минг сўм маош олишаётган бир пайтда меннинг давлат хўжалигида ишлаётган укам 200—300 сўмдан олаяпти.

Россия вазири нефть ишлаб чиқариш ва пахта етиштириш ўртасидаги меҳнат фарқини яхши билмаса керак. Тўғри, нефть ишлаб чиқариш ҳам осон эмас. Аммо пахта етиштирилгунча, оддий чигитдан оппоқ бўлиб очилгунча бечора деҳқоннинг сочи ҳам оқаради.

Бас, шундай экан, қозон тўла овқат пиширган одамга нишхўрд ортишини кутмасдан чўмични тўлдириб ёғли жойидан сузиб бериш керак!

Тўра МИРЗО

ОМАДИНГИЗНИ БОЙ БЕРМАНГ!

Бизнинг ишбилармон ҳамкоримиз — «Наргиз» ҳиссадорлик (акционерлик) жамияти «Сирли олам» ойномаси ва унинг иловаси — «Қалб кўзи» обунаси учун ютуқли ўйин ўтказади. Агар сиз нашрларимизга вақтида обуна бўлсангиз, омадингиз чопиб, қуйидаги ютуқларни қўлга киритиш имконига эга бўласиз:

— «Қуръон»нинг ўзбекча тафсири — 50 та;
— Рангли ойнажаҳон — 1 та;
— 500 сўмдан 50 та пул ютуғи;
— чет эл қўл соати — 100 дона;
— бир кўйлаклик хонатлас — 50 кийим;
— бошқа ёдгорлик совғалари.

Ўйинда иштирок этишни хоҳлаганлар шу кунларда «Сирли олам» ва «Қалб кўзи»га ярим йил ёки бир йил учун обуна бўлиб, қуйидаги «Омад» варақасини тўлдиришлари ва унга обуна бўлганликлари ҳақидаги квитанцияни қўшиб, муҳарририятимизга жўнатишлари керак. Биз обуначиларга ютуқли ўйин иштирокчиси бўлганликлари ҳақидаги паттани қўшиб, 10 кун ичида манзилларига қайтарамиз. (Мактубингизга маркали бўш конверт қўшиб юборишни унутманг).

ЮТУҚЛИ ЎЙИН ҚАТНАШЧИСИНИНГ «ОМАД» ВАРАҚАСИ

Исми шарифингиз . . . . . .
Манзилингиз . . . . . .
Ўйинда иштирок этишингиз учун белгиланган рақам (муҳарририят тўлдиради): . . . . . .

Ютуқли ўйинда ойномамиз ва иловамизга август-сентябр, октябр ойлари ичида обуна бўлганлар иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўйинга 1993 йилнинг биринчи чорагида якун ясалади.

ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ: «Сирли олам» индекси: 75243

Келгуси йилдаги нархи:
обуначига — 13 сўм 84 тийин.
сотувда — 15 сўм 93 тийин.
Бир йиллик обуна нархи — 163 сўм 68 тийин.

«ҚАЛБ КЎЗИ» ИНДЕКСИ: 64562

Келгуси йилдаги нархи:
обуначига — 3 сўм,
сотувда — 5 сўм.
Бир йиллик обуна нархи — 72 сўм.

«НАРГИЗ» ҳиссадорлик (акционерлик) жамияти ва муҳарририятимиз Сизга чин дилдан омад тилайди!

«СИРЛИ ОЛАМ» МУҲАРРИРИЯТИ

«АСКАР ҚЎШИҒИ» ФЕСТИВАЛИ

Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси билан ҳамкорликда «Аскар қўшиғи» фестивал конкурсини ўтказди. Фестивалда янги ташкил этилган ўзбек миллий армиясига мўлжалланган ёзилган жами саккизта ҳарбий қўшиқ эшитилди. Шоирлардан Назармат, Зоҳиджон Обидов, Жуманиёз Жабборов, Жамол Камол, Мирпўлат Мирзо, Тоҳир Қаҳҳор ва бастакорлардан Сайфи Жалил, Рустам Абдуллаев, Ҳабибулло Раҳимов, Мансур Тошматов ҳамкорликда яратган бу қўшиқлар мустақил жумҳуриятимиз тарихидаги дастлабки жанговар-ҳарбий қўшиқлардир.

Қўшиқлар орасида бастакор Ҳабибулло Раҳимовнинг шоир Жамол Камол шеърига басталаган «Туркистон марши» қўшиғи нуфузли жюри томонидан ғолиб деб топилди ва махсус соврин билан тақдирланди.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!
ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИ ЎРТОҚЛАР!

Газета ва журналларга обуна варақчасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, насаби, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақчасидаги «ПВ-Жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазади.

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» ОЙНОМАСИ ЎҚУВЧИЛАРИГА

Аввал хабар қилганимиздек «Шарқ юлдузи»нинг 8- ва 9-қўшма сонларида Қуръони карим маъно таржимасининг тўлиқ матни босилмоқда. Худо хоҳласа, муқаддас Китоб яқин кунларда ўқувчилар қўлига етиб боради. Шу муносабат билан журнал редакцияси ва Ғафур Ғулом номидаги нашриёт манзилига муштарийлар томонидан юборилган кўплаб пуллар келмоқда. Айни пайтда, улар орасида журналга обуна бўлмаганлар ҳам бўлиши мумкин.

Орада тушунмовчилик туғилмаслиги учун яна бир бор маълум қиламиз: «Шарқ юлдузи»га обуна бўлган ва редакция ҳамда нашриёт адресига 60 сўмдан пул жўнатган мухлислар қўшма сонни олиш учун ўзларига хизмат қиладиган алоқа бўлимига учрашадилар ва қўлларида қолган квитанцияни кўрсатиб, журнални оладилар. Ҳозиргача пул жўнатмаган муштарийлар «Шарқ юлдузи»нинг қўшма сони бориши билан алоқа бўлимига кириб, қуйидаги манзилга 60 сўм жўнатадилар ва ўша ернинг ўзида ойномани оладилар:

Тошкент, Октябрь район, ПСБ. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт ҳисоб рақами № 000363413. МФО 172682301. «Шарқ юлдузи» учун.

Журналга обуна бўлмаганлар эса мазкур нашрни «Союзпечать» дўконларидан сотиб олишлари мумкин. Нархи — келишилган баҳода.

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» ТАҲРИРИЯТИ

Янги нашр

«МЕҲНАТ»ГА ЭҲТИЁЖ БОР

Ҳаётимиз янги ўзанларга кирди. Янги воқелик илгари биз дуч келмаган вазифаларни ўртага қўймоқда. Ўзоққа бориб ўтирмайлик.

Яқин йилларгача муаммо мавжуд бўлган ҳолда ишсизлик ҳақида оғиз очиш гуноҳи азим эди.

Эндиликда «ишсизлик», «меҳнат биржалари» каби янги сўзлар кун сайин шаклланиб, ўз таъсирини ошириб боряпти. Ишсизлар орасида нафақат ишчи касбини эгаллаган кишиларни, балки зиёлиларни ҳам кўплаб учратиш мумкин. Бир сўз билан айтганда, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, иш билан таъминлаш, давлат аҳамиятига молик вазифа сифатида юзага келди. «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши ҳам масала кенг кўламли эканлигидан далолат.

Ўзбекистон Республикаси — Меҳнат вазирлигининг «Меҳнат» нашри ана шундай ҳаётий эҳтиёжлар туфайли дунёга келди. Газета ҳаётимизда юз бераётган иқтисодий-сиёсий ўзгаришлар боис ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда ишсиз қолиб, меҳнат даромадини йўқотган фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилиш масалаларини, ишсизлик мақомини олган кишиларга берилган имтиёзлар, меҳнат биржаларида амалга оширилаётган ишларни ёритади, корхоналардаги бўш иш жойлари ҳақида ахборот бериб боради.

«Меҳнат»нинг яқинда чоп этилган сентябр ойи сонида ана шу масалалар ҳақида фикр юритилган, меҳнат биржаларининг эълонлари чоп этилган. Газетанинг дастлабки сонидаёқ «Меҳнат» зарурий эҳтиёж эканлигини кўрсатади.

ЯНГИ МАВСУМ ОЧИЛАДИ

Сўнгги йилларда ўзбек миллий симфоник оркестри ҳақида мутахассисларнинг турли баҳс-мунозаралари бўлиб ўтди. Айниқса оркестр репертуарини миллийлаштириш ҳақида жўяли фикрлар айтилди. Ана шуларни ҳисобга олган ижодий жамоа бугун ўзининг 54-концерт мавсумини очади. Концертлар «Баҳор» концерт залида бўлиб ўтади.

Оркестрнинг концерт дастури икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмда Бетховеннинг фортепиано учун 5-сон концерти ва тўққизинчи симфонияси янграйди. Иккинчи қисмда эса ўзбек композиторлари Мирсодиқ Тожиевнинг 17-симфонияси, Нуриддин Ғиёсовнинг фортепиано учун концерт мақоми, Мустафо Вафоевнинг 4-симфонияси ижро этилади. Ўйлаймизки, янги мавсумда оркестрнинг мухлислари янада ортади.

БИРЛАШМАДА КОНЦЕРТ

«Алгоритм» ишлаб-чиқариш бирлашмаси маданият уйида республикамиз мустақиллигининг бир йиллигига бағишланган катта концерт бўлиб ўтди. Бу гал бирлашма ишчи-хизматчилари ҳузурига республикада хизмат кўрсатган артист Шоҳбоз Низомиддинов раҳбарлигидаги бир гуруҳ созанда ва хонандалар ташриф буюриб, янги қўйқўшиқлар ижро этдилар. Бирлашма ҳаваскорлари томонидан намойиш этилган чиқишлар ҳам қизиқарли бўлди. Жумладан, Феруза Содиқова, Шоҳида Раҳимова, Жалолиддин Орифхонов, Матлуба Азимова сингарилар бирлашма санъат мухлислари олқишини олдилар.

Ҳ. ИБРОҲИМОВ

БИЛДИРИШ

Шу йил 29 сентябр соат 15.00 да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Ҳамид Олимжон номидаги Адабиётчилар уйида учрашув бўлиб ўтади. Учрашувда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али Америка сафари таассуротлари билан ўртоқлашади.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент, Жавоҳарлаъл Неру кўчаси, 1-уй.

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси кенгаши уюшма аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист

Жамил АШУРОВ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

МЎҒУЛ САЛТАНАТИНИНГ ЕМИРИЛИШИ

Боши иккинчи бетда

Чиғатой улусининг нуфуси ислом динида эди. Чиғатой насронийларга ҳомийлик қилгани ва марҳамат кўрсатгани ҳолда, мусулмонларга нафрат назари билан қараган. Чингизхон даврида шаклга кирган Ясоқ қонунларига кўра, оқиб турган сувга кириш, қўйни бўғизлаб сўйиш манъ қилинган. Мусулмонлар таҳорат қилишда, қўйни сўйишда Ясоқ туфайли кўп азият чекканлар. Чиғатой Ясоқни жон-жаҳди билан ҳимоя қилар, унга тўғри келмайдиган урфларни тақиқларди. Муаррихлар ҳикоя қилишича, Чиғатойнинг олдида бирон-бир мусулмоннинг номи тилга олинадиган бўлса, бу сўкишсиз, ҳақоратсиз бўлмаган. Дейлик, «уйинг куйгур», «тилинг кесилгур», «кўр бўлгур» сингари сўзлар мусулмон исмини «безаб» айтилган энг жўн иборалар бўлган.

Энг даҳшатлиси шуки, Чиғатой бирон бир мусулмоннинг ўлими хабарини келтирган касга 500 динор суюнчи берган. Бошқа улусларни бошқарган чингизийлар қатағон қилишда Чиғатойдан қолишмаган бўлсалар-да, босиб олинган, талланган, қул қилинган шўрпешона халқимизни эзтиқод бобида ҳам қаттиқ қийнаган.

Лекин Чиғатой билан тил топишиб кета олган мусулмонлар ҳам йўқ эмасди. Вақтида Чингизхон сотқинлар, ватанфурушларни ёнига олиб наф кўрган эди. Маҳмуд Ялавоч, Бадриддин Амид, Ҳасан Хожа, Али Хожа, Юсуф Ўтрорийлар Муҳаммад Хоразмшоҳнигина эмас, ўз ватандошларини ҳам доғда қолдирган эдилар. Хонлик гуллаб-яшнаб турган шаҳар ва қишлоқларнинг культепаларга айланишига, бегуноҳ юртдошлар қонининг аёвсиз тўкилишига сабаб бўлган эдилар.

Чиғатой саройида ўрин топган хос кишилардан бири Қутбиддин Ҳабаш Амид эди.

Душман хизматига кирган маҳаллий халқ вакилларининг ҳаммасини Қутбиддин сингари ёмонотлиқ қилиш тўғри бўлмас. Ўрта аср тарихчилари ҳам буни яхши билганлар. Нега бўлмасам, Қутбиддин Хабаш Амид муаллифлар томонидан ички бир норозилик ила тилга олинади? Ҳатто унинг келиб чиқиш жойи ҳақидаги фикрлар ҳам турлича. Масалан, Рашидиддин у ҳақда «ҳоли Ҳабаш Амид чунон астки, у марди мусулмон буд, битиқчии Чиғатой, асли у аз Ўтрор», деб ёзган бўлса, Жамол Қарший Қутбиддиннинг Бухоро яқинидаги Карманадан бўлганлигини, шу сабабдан уни «Ҳабаш Амид ал-Карманаий ал-Бухорий ал-Иларғовий» деб юритганларини айтади. «Ал-Иларғовий» нисбаси Чиғатойнинг ўрдаси жойлашган мавзеъ номидан қиёсан қабул этилган. Муаррих Нисавий бўлса Қутбиддинни Хуросоннинг Устуво деган жойида туғилган деб кўрсатади. Бу чиғалликда ҳам маълум мазмун бор, албатта.

●

МУҒУЛ ЯҒМОСИ ДАВРИДА ҲЕЧ БИР ШАҲАР БУХОРОДЕК яксон қилинмаган бўлса керак. 1220 йилнинг қиши чиқиб, илк баҳор насими эса бошлаган пайт Чингизхон бало-қазодек Бухоро устига ёпирилиб келади. XII-XIII асрларда араб босқинчиларига қарши мардонавор жанглар олиб борган, охир-оқибатда, Шарқнинг энг улуғ исломий шаҳарларидан бирига айланган Бухоро мўғуллар босқинига қадар «Фахира» деб табаррук ташбеҳ ила аталарди. Шарқ шуароси Бухорони «қуввати исломи дин аст», деб бежиз куйламаган. Мана шуни назарда тутган Чингизхон ислом оламининг Ўрта Шарқдаги бешигини бутунлай йўқ қилишга киришди ва бу ишни узоқни кўзлаб қилди.

Турк хонлари, қабила улуғлари, қўлга қурол тутган жамики кишилар мудофаа кунлари ҳалок бўладилар. Халқнинг қолган-қутгани далага ҳайдаб юборилиб, шаҳар бир неча кун талон-тарож этилади. Сўнг одамларни ҳайдаб келишиб, уларнинг кўз олдида, йиғи-сиғиларга қарамасдан, қизу жувонларни зўрлашга тушадилар.

Имом Рукниддин чидаб туролмайди. Бундай ваҳшийликни одам боласи Одам Ота замонасидан буён кўрмаган эди. У қўлидаги заранг ҳассаси билан юэсиз, махлуқсифат мўғул навкарларини аёвсиз савалай бошлайди. Унинг изидан ўғли ҳам отилиб чиқиб, муштлашишга тушади. Қози Садриддин ҳам ҳақорат ва оёқ ости қилинишга тоқат қилолмай, имом ва унинг ўғли ёнига қўшилади. Қуролсиз кишиларни бир пастда навкарлар ўлоқ қилиб кетади.

Имом ва қозини ваҳшиёна оломон қилганларида Қутбиддин шу ерда эди. У одамлар орасида, саркардага йўл топиш илинжида судралиб юрган эди. Мўғулларга шундай каслар жуда керак эди. Бухорода кимнинг моли дунёси бор, қаерга яширилган — буни аниқлаш зарур эди. Аниқлайдилар ҳам. Бойлардан 280 киши рўйхатга олинади. Маҳсус кишилар тайинланиб, олтину кумуш, дуру гавҳар, тақинчоқу безаклар, кийим ва матолар битта қолдирилмай йиғиб олинади. Қутбиддин ана шу кунларда кўзга ташланиб қолади.

Мўғулларнинг ифлос қадами қайси манзилга етмасин, изларида қуйиб кул бўлган уйлар, кўмилмай қолиб кетган сон-саноқсиз жасадлар қоларди. Ёш-яланг навбатдаги жойни забт этиш учун ҳайдаб олиб кетилар, улардан истеҳком қуришда ва черик олдига солиб, ўққа нишона қилишда фойдаланилар эди. Ишга яроқли аҳоли бошлиқлар орасида тақсимланар, улар энди қуллик истибдодига солинар эди. Муаррих Вассафнинг гувоҳлиқ беришича, Бухорода 1260 йилда қилинган бир рўйхатга қараганда бу шаҳарда Боту авлодига тааллуқли 5 минг, Тўлуйнинг беваси Сойирқўқтенига оид 3 минг, Чингизхоннинг ўзига тегишли 8 минг ҳунарманд қул бўлган.

Кўпинча мўғул босқинчиларига ён босиб ёзадиган тарихчи Рашидиддин далолатича, зулм шунчалик кучаядики, деҳқон олиқ-солиқлар оғирлигидан олган ҳосили, яъни дон-дуни урвоқ ҳам бўлмай, хонавайрон бўлган.

Моваройннаҳр ўт ичида қолиб, мағлуб бўлган пайтдаёқ босқинчи ёвузларга бош эгмаган кишилар кўп бўлган. Ҳарб ишига яроқли эл қирилиб битган бўлса-да, жисмида жони бор кекса-ю ёш, аёлу эркак ўч олиш, қасосу интиқом руҳи билан яшаган.

Бизда узоқ вақтлар шаҳарларнинг таслим бўлиши «мутассиб шайхлар, феодаллар»га тўнкаб келинди. Албатта, бу фиқрда қисман ҳақиқат бор. Лекин узуқ-юлуқ етиб келган маълумотларни таҳлил қилганда, кўз олдимизда бошқача манзара гавдаланади. Алишер Навоий ҳазратларининг «Насойимул муҳаббат» асарида бу ҳақда ғоят таъсирли бир ҳикоят бор. Унда ватанпарвар шайх Нажмиддин Кубронинг мўғуллар алдовига учмаганлиги, халқи билан ёнма-ён туриб жанг қилганлиги ва шаҳид бўлганлиги нақл қилинади:

«Чун тотор куффори Хоразмга етибтурлар. Ҳазрати шайх (Нажмиддин Кубро) асҳобини йиғиб, амр қилибтурларки, вилоятларингизга боринг. Алар ул ҳазратнинг амри била ўз вилоятларига борибтурлар. Асҳобдин баъзики, ҳазрати Шайхқа дағи чиқар илтимос қилибтурлар. Шайх дебтурларки, биз бу куффор илкида шаҳид бўлурбиз. Асҳоб тарқагандин сўнграким, куффор Хоразмга кирибтурлар. Ҳазрати Шайх қолғон асҳоб била чиқиб, ғазвға машғул бўлубтурлар, то шаҳодат шарбатин тотибтур. Дерларки, шаҳодат вақтида бир кофирнинг парчамин тутқон эрмишлар. Андоқки, шаҳодатдин сўнгра ўн киши ойира олмайдур ва ул парчамни кесиб ойирдилар».

Ёвузлик ва зулмга қарши чиққанлар орасида Шайх Сайфиддин Бохарзий ҳам бўлган. Худди шу «Насойим ул муҳаббат»да бу зотнинг мубораك номи ҳам зикр этилган:

«Шайх Сайфиддин Бохарзий — Шайх Нажмиддин Кубронинг хулафосидиндур. Зоҳирий улум таҳсили ва такмилидин сўнгра ҳазрати Шайх мулозаматига мушарраф бўлди ва тарбият топди... Олти юз эллик саккизда (милодий ҳисобда — 1258 йил) оламдин ўтубдур ва қабри Бухородадур. Шайхул — оламга машҳурдур».

Сайфиддин Бохарзий истилочиларнинг ниҳоятда мудҳиш давом этаётган жабру зулмига норозилик билдиради. Айниқса, у Қутбиддин Ҳабаш Амидни қаттиқ огоҳлантиради. Унга шеърий мактуб йўллаб, бу қилмишлари учун охиратда жавоб беражагини эсга туширади...

И. П. Петрушевскийнинг ёзишига қараганда, XIII аср бошларида яшаган Хитой сайёҳи Чан-Чунь 1222 йилда Ўрта Осиёнинг талон-тарож қилингани ва очарчиликка юз тутганлигини қайд этган. Чан-Чуннинг ҳикоя қилишича, ўша пайтда Самарқандда аҳолининг тўртдан бир қисми қолган. Шаҳар теварак-атрофидаги қишлоқлар очликдан қаттиқ қийинчиликлар тортган. Хонавайрон бўлган деҳқонлардан «қароқчилар тўдаси», яъни И. П. Петрушевский айтганидек, партизан отрядлари пайдо бўлган. Чан-Чунь ана шу партизан отрядлари сабаб ҳар тунда Самарқандда мўғуллар турган жойларда ёнғинлар чиқиб, қий-чув авж олган, дейди.

●

МУҒУЛ БОСҚИНЧИЛАРИГА ЁН БОСГАН, УЛАРНИНГ ХУНРЕЗЛИГИ ва ёвузлигини, юмшатиб кўрсатган академик В. Бартольд ҳам бу хилдаги халқ жасоратидан кўз юмолмаган. Босқинчиларга қарши ўз-ўзидан вужудга келган қасоскорлар гуруҳлари ҳали уюшмаган бўлсада, душманга катта талофат етказган. Афтидан, Ўктойнинг (1241) ва Чиғатойнинг (бу ҳам Ўктойдан сўнг кўп ўтмай нариги дунёга равона бўлган) ўлимидан сўнг бу ҳаракат жонлана бошлаган.

Ватанпарвар дин аҳли қасоскорларга ҳар томонлама мадад берган. Дастлаб қаршилик кўрсатиш йўсинида бўлган қасоскорлик ҳаракати аста-секин озодлик кураши тусини ола бошлайди. Бу ҳаракатнинг бошида турган маҳаллий халқ вакилларидан бўлган бирдан-бир маънавий йўлбошчилар ислом руҳонийлари эди. Исломий озодлик ҳаракатининг XIII аср ўрталаридаги асосий бешиги Бухоро, Қарши ва Самарқанд бўлиб қолади. Бу ҳаракатни академик В. Бартольд ҳам эътироф этишга мажбур бўлади:

«Мўғул босқини даврида сўфийлар бошқаларга қараганда халқни уйғотишга, қаттиқ қаршилик кўрсатишга жон-жаҳдлари билан ундадилар». Бу сўзлар унинг «Туркистон мўғул ҳукмронлиги остида (1227—1269 й.)», деган рисоласида берилган.

Қашқа воҳасида ҳам Ўрта Осиёга машҳур сўфийлар бор эди. Мўғул яғмосининг барча юлфатларини кўрган Шайх Шамсиддин Кулол озодлик ҳаракатига зимдан раҳбарлик қилган дейиш ўринли бўлади. Гарчи, бироз олдинга кетиб бўлса-да, айтиш жоизки, ўсмир Амир Темур ҳам унинг олдига яширинча келиб-кетиб турган, унинг не мақсадда Шайхга мурожаат қилганини англаш унчалик қийин эмас. Умуман ислом уламоларининг мақсади умумий ишга — ғайри дин келгиндиларни йўқ қилишга қаратилган. Чунки ўлкада озодлик ҳаракатини ташкил этадиган бошқа куч ҳам, имконият ҳам йўқ эди. Нажмиддин Кубро Хоразмда қаршилик ҳаракатига асос солган бўлса, унинг шогирди Сайфиддин Бохарзий Бухорода бу ишга бош бўлган. Шайх Шамсиддин Кулол маълум маънода унинг шогирди ҳисобланадиган Баҳоуддин Нақшбанд ҳам шу интилишлардан четда бўлмаган.

Моваройннаҳрда янги куч етилиб келмоқда эди. Бу кучнинг вояга етишида нуфузли ислом олимлари, арбоблари мутасаддилик қила бошлаган эдилар. Чингизхондан, унинг қарам халқларга паст назар билан қараган ўғиллари Ўктой, Чиғатойдан сўнг ҳокимият тепасида қолган, бирбири ила жиққамушт бўлаётган хонзодалар Моваройннаҳрда етилаётган бу кучни илғаган эдилар. Салтанат бойлигининг қаймоғи бўлган Моваройннаҳрни қўлдан чиқармаслик учун улар ҳамма нарсага тайёр эди. Шу жумладан, ислом динини қабул қилишга ҳам.

●

«УЛУҒ ҚООН» — ЎКТОЙ 1241 ЙИЛДА ОЛАМДАН ЎТАДИ. Муттасил шаробхўрлик уни нариги дунёга етаклаган эди. Чингизхоннинг хонадонига қарғишнинг каттаси теккан эди, чоғи. Шу йили, Ўктойдан тўрт-беш ой кейин Чиғатой ҳам вафот этади. Табиб Мажидиддин ҳар қанча уринмасин бутун вужуди заҳарланган Чиғатойни оёққа турғазиш мумкин бўлмаган. Аксинча, малика Есулан эрини ўлдиришда айблаб вазир билан табибни жаллод қўлига топширади.

Чиғатой ҳали куч устида эканлигида ўғиллари қолиб, набираси Ҳара-Хулагуни ворис қилиб белгилайди. Буни улуғ қоон Ўктой ҳам маъқуллаган бўлади. Ҳара-Хулагу Мутуғеннинг ўғли эди. Мутуғен Бомиён қамали вақтида ҳалок бўлганди. Чиғатой ана шу жангари ўғлининг етимчасини ворисликка тайинлаб, ўзи билмаган ҳолда, низо оловига ўтин қалаб қўйган эди.

Ўктойнинг вафотидан кўп ўтмай, муносабатларни ойдинлаштириш мақсадида, хунрезлик авж олади. Хон ўрдасига кимки чақириладиган бўлса, у бола-чақаси билан видолашиб жўнаган. Ўрда ўлимгоҳга айланиб қолган эди. Ҳара-Хулагу ҳокимият тепасига келгач, мўғуллар салтанатида одат тусини олган жабр-зулм, қирғин сиёсати барҳам топмади. Бунинг устига, хонзодаларнинг тожу тахт талашиб зимдан давом этиб келаётган ихтилофлари энди очиқчасига, кенгроқ тус олади. Чингизхоннинг ҳаёт бўлган ўғиллари, шунингдек, набиралари (Боту, Тўлуй) орасида таъсирли, ҳаммани орқадан эргаштирадиган оқил шаҳзодалар йўқ эди. Ўзаро ажралиш кундан-кунга кучайиб бораётганди. 1246 йилги Қурултой буни кўрсатди: Тўлуй ва унинг онаси, Чиғатойнинг ўғиллари Қурултойга келишди-ю, бироқ Ботухон бешта вакилини жўнатиб, ўзини четга олди. Бу қандай ечимга келсаларинг ҳам, менга барибир қабилида иш тутиш эди, албатта. Қурултойда Ўктойнинг катта ўғли Гуюк хон кўтарилади. Гуюк хон бўлиши билан Чиғатой авлодига зуғум ўтказа бошлайди, тез орада Ҳара-Хулагу пастлаштирилади. Энди улус тахтига Чиғатойнинг ўғли, Гуюкнинг жонажон дўсти Есу Мункэ чиқади. Бизга таниш Қутбиддин Ҳабаш Амид Гуюкнинг қаҳрига учрайди-ю, иккинчи бир хоин Баҳоуддин Амид вазирликка кўтарилади. Бу, ўша, Ўтрор қамалида панд берган палид эди.

Гуюкхон даврида мусулмон аҳли яна қаттиқ ситамларга дучор қилинади. Насронийликка ружу қилган хон исломга беписанд қараган. У, жумладан, ислом динини ошкора обрўсизлантириш ҳаракатида бўлади. Сурия, Юнон, Ироқ ва Ўрис мамлакатларидан келган насронийлар йиғинида пайғамбар ҳақида матрасиз гаплар айтади.

Хуллас, насронийлар, шамонийлар, бутпарастлар илтимосига кўра, исломни маҳв қилмоқ учун Имом Нуриддин Хоразмий баҳсга чорланади. Баҳс Гуюкхоннинг иштирокида ўтади. Насронийлар Имомдан сўрайдилар:

— Муҳаммад қандай одам бўлган, тушунтириб бер?

Имом:

— Муҳаммад пайғамбарларнинг сўнггиси, набийлар бошлиғи, Оллоҳнинг элчиси... Мусо унинг сифатларига маҳлиё бўлиб, нидо қилган экан: «Эй Оллоҳ, мени Муҳаммад жамоасига қўшгил». Исо ҳам унинг ҳақида қувонч ила сўзламиш: «Мендан сўнг келажак олижаноб набийнинг исми Аҳмад бўлғуси».

Насронийлар:

— Пайғамбар — соф руҳоний ҳаёт кечиргувчи киши бўлади, яъни Исо янглиғ, аёлларга ҳою ҳавас қилмайди. Муҳаммаднинг эса тўққиз хотини ва болалари кўп бўлган. Буни қандай тушуниш керак?

Имом:

— Давид пайғамбарнинг 99 хотини бўлган. Сулаймоннинг эса 360 хотини-ю, мингта канизаги бўлган.

Мунозара камситиш, мазах қилиш йўсинида давом этса-да, Имом Нуриддин берган жавоблар олдида улар сўз тополмай қолишади. Насронийлар мулзам бўлиб, Гуюкхондан «мусулмонларнинг намоз адо қилишларини» сўрашади. Имом Нуриддин ва тағин бир мусулмон таҳорат олиб, намоз адо қилишади. Насронийлар намоз пайти уларга қаттиқ халақит беришга интиладилар. Шунга қарамай, улар қунт ва бемисл эътиқод ила намозни ўқиб тугатадилар.

Ровийлар шу ҳақда ҳикоя қилганларида, исломни масхара ва табаррук имомни ҳақорат этганлиги учун ўша оқшом Гуюкхоннинг ўлиб қолганлигини алоҳида уқдириб айтадилар. Гуюкхон 1248 йилда вафот этади...

Гуюкхоннинг ўлими Чингизхон сулоласида ҳокимият талашишларнинг янги тўлқинига сабаб бўлди. Тахт вориси муаммоси тўрт ўғил авлоди ўртасида талашга айланди. Бу сафар Ботунинг гапини олишади. Боту энди Чингиз авлодидаги энг ёши улуғ киши эди. Унинг таклифи билан «улуғ қоон»ликка Тўлуйнинг ўғли Мункэ муносиб кўрилади. Гарчи бу қарор Ўктой ва Чиғатой уруғига ёқмаган бўлсада, 1251 йилда Қорақурумда бўлган Қурултойда Мункэ тахтга тасдиқ этилади. Мункэнинг тахтга чиқиши ҳам ўз жигарларининг қонини кечиб ўтиш ҳисобига бўлади. Шаҳзодалар Мункэни ўлдириш учун фитна тайёрлайдилр, аммо, бу қасд аниқ бўлиб қолгач, шаҳзода Ширамуннинг отабеги ва яна 77 амир қатл этилади. Малика Ўғул — Қаймиш ва Ширамуннинг онаси Қадоқач хотун ҳам фитнада айбланиб ўлдирилади. Ширамуннинг ўзини ҳам кейинроқ сувга чўктириб юборадилар.

Мункэнинг ҳокимият тепасига келиши Чиғатой улусида яна Ҳара-Хулагу салтанатининг тиклашишига олиб келади. Ҳара-Хулагу ҳам ўз қариндошлари устига юриш қилиш вақтида йўлда жон беради. Чиғатой улусини идора қилиш унинг ўғли Муборакшоҳга қолади. Лекин у жуда ёш бўлганлиги сабабли, улусни онаси Ўркина бошқаради. Ўркина Хотуннинг ҳокимиятни қўлга олиши Қутбиддин Ҳабаш Амид ва унинг ўғли Носириддиннинг саройда катта нуфузга эга бўлишига олиб келади.

Чингизхоннинг юришлари даврида қон тўлиб оққан дарёлар қуриб, улар ўрнига қонли ариқлар, жилғалар оқиб турган бўлса-да, йиллар кечиши билан қудратли салтанат ич-ичидан емирилиб борар эди. Муаррих Мирхонднинг эътироф этишича, Мункэ даврига келиб мусулмонларга бўлган ҳақоратомуз муносабат бироз юмшаган. Ҳатто, Мункэнинг тахтга чиқиши шарафига уюштирилган зиёфатда мусулмонларга қўйни ислом шариати асосида сўйишга руҳсат этилган экан. Жамол Қарший бу борада янада узоқроқ кетиб, Ўркинани мусулмон динини қабул этган эди, дейди. Чингиз давридан буён эътиқод оламини босиб ётган муз эрий бошлаганди. Музнинг эришига сабаблар эса кўп бўлган.

Ниҳоят, Чиғатой улуси хонлиги юқорида тилга олинган Муборакшоҳ қўлига ўтади. Муборакшоҳ чингизийлардан биринчи бўлиб Моваройннаҳрда аркони давлатини қуради. Муборакшоҳ Чиғатойнинг набираси Ҳара-Хулагу билан Ўркинанинг ўғли эди. Муборакшоҳнинг улусни бошқаришига Хубулой қарши чиқади. 1259 йилда Мункэ вафот этгач, «улуғ қоон»лик масъадига биратўла икки талабгор — бири Хитойда қўшинлар томонидан Хубулой, Қорақурумда эса Ариқ Бўға чиқазилади. Ҳар иккаласи ҳам Мункэнинг укалари эди. Қўшинларнинг кучига таянган Хубулойнинг таъсири каттароқ эди. Шунинг учун ҳам у, Муборакшоҳнинг ўрнига унинг амакиси Борақни ёрлиқ билан жўнатади. Борақ 1266 йилда Муборакшоҳни Хўжандда асирликка олади. 1271 йилда Борақ ҳам ўлади. Моваройннаҳр ҳокимияти энди Борақнинг ўғли Тувага қолади. Бу вақтда Ўктойнинг набираси Хайду салтанатда катта мавқега эга бўлган эди. Гарчанд, Хайду билан Борақ ҳам бир муддат тортишиб юрган бўлса-да, улар ярашиб, анда (қалин, ажралмас дўст) бўлишади. Шунинг учун ҳам, Хайду Тувани қуллаб-қувватлайди. 1301 йилда Хайду оламдан ўтгач, сулола силсиласида Тувадан улуғроқ киши бўлмаган. 1307 йилда ҳеч кимни аямайдиган ўлим Тувани ҳам нариги оламга равона қилади. Энди сиёсат майдонига унинг ўғли Кебек киради.

Бундан буёнги ҳикоямиз Кебекхон ва, умуман, Қашқа воҳасида ҳокимиятни ўрнатган мўғул хонлари ва улар билан барбод бўлган мўғул истилоси хусусида бўлади.

●

ЧИНГИЗИЙ ХОНЛАРДАН МУБОРАКШОҲ ВА БОРАҚДАН СЎНГ Моваройннаҳрда ўрнашган. тожу тахт қилган ҳукмдор Кебекхон ҳақида манбаларда мухтасар фикрларгина учрайди. Хусусан, Фасиҳ Хавофийнинг 1442 йилда ниҳоясига етган асари «Мужмал-и Фасиҳий»да унинг исмини 1312—1313 йил воқеалари тартибда учратамиз. Фасиҳ Хавофий кечмиш воқеа-ҳодисалари, саналарни изоҳламасдан санаб ўтган, холос. Буни кечмиш воқеалар кундалиги, дейиш маъқулроқ. Унда 1312 йилда шаҳзодалар Мансур ва Кебекнинг Хуросонга босқин уюштирганлиги қайд этилади. Ҳолбуки, Кебек отаси Тува 1307 йилда вафот этгач, унинг ўрнига ҳокимиятга келган эди. Чамаси, ўша йили Мансур билан Кебек Хуросонда бир иш чиқаролмай Моваройннаҳрга қайтган. Кебекхон ўз қароргоҳини Моваройннаҳрнинг ичкарисига кўчириш тараддудида бўлади. Унга Қашқадарё воҳасидаги қадимий Наҳшабга яқин бўлган манзил маъқул тушиб қолади. Бир вақтлар, қарийб, бир асрча чамаси бурун унинг бобокалони Чингизхоннинг ўзи ҳам бу водийда бўлган, унинг бепоён ўтлоқларига, гуркираган баҳорига маҳлиё бўлиб қолган эди.

Кебекхон ана шу Наҳшаб харобаларидан 10 — 12 чақирим жануброқда, ҳозирги Қарши темир йўл шоҳбекатига яқин Заҳҳоки Морон теپалигида қароргоҳи учун жой белгилайди. Қизиқ-да, маҳаллий халқ манзилгоҳларни дарё бўйига қуришга мойил бўлса, мўғул ҳукмдори Қашқадарёдан анча олисда, дала ўртасида бўлган яланг теپаликда қаср қуришга бел боғлаган. Бу ҳам ҳукмдорларининг табиати билан изоҳланадиган жиҳатлардан бири бўлса ажабмас.

КЕБЕКХОН 1318 ЙИЛДА ЎЗ САРОЙИ ҚАРШИГА АСОС СОЛГАН. Қарши, яъни хон саройи атрофида аста-секин маҳалла-қўйлар вужудга кела бошлайди, кўп ўтмай Қарши бутун бошли шаҳарга айланади. XIV аср охирлари XV аср бошларидан эътиборан шу жойлик шоирлар ўзларига «Қарший» тахаллусини қабул қиладилар. Тўғри бунгача «Насафий», «Наҳшабий» нисбалари ҳам жуфт қўллаб келинган. «Қарши» тахаллусини қабул қилиш XV асргагина хос. Шунга қараганда, 70—80 йил ичида Қарши гавжум шаҳар тусини олган. Бу йиллар ичида у оралиғи 5—6 чақирим бўлган Насаф билан туташиб улгурган, дейиш мумкин. XVII асрда яшаган қаршилик шоир Сайидо ўзига Насафий тахаллусини олган эди.

Энди «Қарши» сўзининг маъносига келсак, у академик В. Бартольд айтганидек (Қарши по монгольски «дворец») мўғулча «сарой» дегани эмас. Шунингдек, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Қарши мўғулча оттур, ғўрхонани мўғул тили билан «қарши» дерлар. Ғолибо бу от Чингизхон тасаллутидин сўнг булғондур» деган сўзларини бироз таҳлил билан тушуниш лозим бўлади. Бобур бу ерда икки карра янглишмоқда. Аввало, «қарши мўғулча сўз эмас, иккинчидан, Қарши Чингизхон юришидан сўнг эмас, ундан қарийб юз йил кейин Кебекхон томонидан барпо қилинган. «Қарши» сўзининг мўғулча эмаслигини В. Бартольднинг асарларини нашрга тайёрлаган олим Ю. Э. Брегель ҳам вақтида пайқаган (1964) эди. У. В. Бартольднинг **«Мўғул салтанати ва Чиғатой давлати»** асаридаги «Қарши по-монгольски «дворец» деган сўзга берган изоҳида шундай деб ёзади: **«Слово Карши» встречается уже в «Кутадгу билик», монголы заимствовали его, по всей вероятности, у уйгуров».**

Туркий тилдаги адабиётнинг XI асрдаги йирик намунаси бўлмиш «Қутадғу билиг» (1069 йил) асарида улуғ шоир Юсуф Хос Ҳожиб хонлар саройини тасвир қилар экан, ушбу байтларни битади:

Бу бэглар эви ати **қарши** турур,
Бу **қарши** ичиндаки қарши турур.

Таржимаси:

Бу беклар уйининг оти қарши (сарой)дир,
Бу қарши (сарой) ичидагилар қарама-қаршидир.

«Қарши» сўзи ҳамма туркий шеваларда кўпинча иккинчи маъносида (қарама-қарши) қўлланилади. Уйғурий туркларда унинг «қаср», «сарой» маъноси ҳам борки, бу сўзни мўғулча деб таъриф лашга асос бермайди. Лекин Заҳириддин Муҳаммад Бобур сўзида бир ҳақиқат борки, ундан кўз юмиб бўлмайди. У «қарши»ни ғўрхона деб атаганида рамзий маъно нуқтаи назаридан ҳақ. Чунки, олдинда ҳам айтилганидек, Қашқа воҳаси, хусусан, Қарши ва унинг атрофлари асрлар давомида ҳарб майдони бўлиб келди. Бобурнинг ўзи ҳам Қарши атрофида 1512 йилда катта қўшин билан жанг қилган эди. Шубҳасиз, бу жангларда ҳар сафар минг-минглаб одамлар қирилган. Ҳозир ҳам Қарши шаҳрининг чор атрофи мозорот, ғўристонлар билан ўралган. Қабристонларнинг кўпчилиги сўнгги йилларда аёвсиз равишда бузиб, текислаб юборилди...

Кебекхон Қаршида қарийб саккиз йил ҳукумат қилади. Қашқа воҳасида ислом уламоларининг таъсири катта эди. IX асрдан бошлаб Насафдан йирик фикхшунос, тафсиршунос ва муҳаддислар етишиб чиққан эди. Имом Абу Барокот Абдулло ибн Аҳмад Ибн Маҳмуд ан-Насафий (VIII аср), Абу ал-Мутиъ ан-Насафий, Абу Туроб Нахшабий (IX аср), Шаҳобиддин Насафий (XI аср), Нажмиддин Насафий (XII аср) бутун ислом оламида маълум ва машҳур олимлар эди. Ўрта асрларнинг ўзига хос илмий анъанаси бўйича (қарама-қарши)